

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Д. А. Собирова

СОЦИАЛ ИНТЕЛЛЕКТ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
Тошкент – 2013

УЎК: 316.6;159.9

КБК: 74.6

С 74

Ихимисосланнишувган
маддия, иер-каси

Мазкур монографияда ўқитувчининг касбий камолотида социал интеллектнинг аҳамияти ва хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Ўқитувчиларнинг шахс сифатидаги хусусиятлари билан социал интеллекти муносабатларини тадқиқ қилишининг илмий-амалий усуллари ва олинган янги эмпирик маълумотларнинг таҳлилига асосланган хуласалар баён этилган.

Монография амалиётчи психологлар, педагоглар, магистрантлар ва шу соҳага қизиқувчи илмий ҳодимлар учун мўлжалланган.

In the following monograph, there is a discussion on the theme of significance of social intelligence in teacher's professional maturity. Scientific and practical methods of scientific research of scientific relationship of social intelligence and personality characters of teachers and study of new empiric information conclusions are expounded in the monograph.

The following monograph is for practical psychologists, teacher pedagogues, Master of Arts and the scientific workers.

Масъул мұхаррир:

психология фанлари доктори, профессор Ш. Р. Баротов

Тақризчилар:

психология фанлари доктори, профессор А. М. Жабборов

психология фанлари номзоди, доцент Э. М. Мухторов

2013/оюз

A7762

Alişer Navoiy

номидаги

О'збекистон МҚ

ISBN 978-9943-19-245-4

10 41505
29,

© ЎЭР ФА "Фан" нашриёти, 2013 йил

*Ушбу китобни азиз отажоним
Абдуразиқ Абдушукур ўғлининг ёрқин
хотирасига бағишлайман.
(Муаллиф)*

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари жа-раёнида ўқитувчи фаолиятига қўйиладиган талаблар унинг ҳам касбий, ҳам шахсий камолоти билан боғлик масалаларни ўз ичига қамраб олган. Шу боисдан таълим жараёнида ўқитувчи фаолияти-нинг индивидуал-психологик ва ижтимоий-психологик компонентла-ри ролини тұғри белгилай олиш унинг касбий камолоти мухим шар-ти сифатида намоён бўлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг замонавий ўқитувчи тимсолига берган тавсифида бу масалага турли жабҳадан қараш мумкинлиги, олий мактаб ўқитувчиси тимсоли за-мон талаби даражасида камол топиши ҳамда талаба учун ўрнак бўла олиши акс эттан. Билим бериш жараёни билан боғлик замонавий таълим муаммоларини психологик тадқиқ этиш ўқитувчи фаолияти-нинг турли жабҳаларини ўрганишта эришилганлигини кўрсатса-да, аммо унинг ижтимоий-психологик жиҳатларини эътибордан четда қолдириб бўлмаслигини ҳам тасдиқламоқда.

Ўқитувчининг касбий фаолиятта тайёрлиги унинг шахсий-касбий ка-молоти, шахсий фазилатлари, интеллектуал имкониятлари ва ижтимоий-психологик омилларга боғлиқлиги қайд этилади. Айъанавий таълим жа-раёнида ўқитувчи шахси тимсолига юқори ақл-заковатли, шахсида ин-соний фазилатларни мужассамлаштирган, шогирдларига намуна бўла-диган тимсол тушунилади. Ўқитувчининг билимдон, ўз соҳасини чуқур билиши, педагогик маҳоратта эга бўлиши, таълим олувчига таъсир кўр-

сата олишини белгиловчи етакчи хусусият ва омилларнинг ўрни кўпинча эътибордан четда қолиб кетаётгандек. Чунки ўқитувчи ўз соҳасини яхши билса-да, аммо синфга таъсир ўтказа олмаслиги мумкин, бинобарин, ўқувчига шахс сифагида таъсир кўрсата олмас экан, таълим жараёнида ижобий муҳитни таъминлашни кафолатлай олмайди. Бу эса ўз на-вбатида коллеж ўқувчиси шахси шаклланишида ўқитувчи тимсолининг таъсири йўқолишига олиб келади. Ушбу ўринда ўқитувчининг ўқувчи шахсига таъсирини белгиловчи омиллар сирасига кирувчи психологик жабҳа борки, бу шахслараро муносабатни, инсонлар ўргасида эркин ва самимий муносабат муҳитини, ўртоқлари, иш ўрни, ҳамкаслари ва атрофдаги болиқа инсонлар билан муваффақиятли муомала муҳитини яратишга хизмат қилувчи социал интеллектнинг даражаси муҳим деган хulosага олиб келади. Бундан кўринадики, ўқитувчининг ақлий қобилиятларини ва фаҳм-фаросатлилигини характерловчи интеллект даражаси билан бевосита ракобатлашадиган, инсоннинг ижтимоий фазилатлари шаклланишида муҳим ўрин тутадиган шахслараро муносабат, ўзаро хурмат, симпатия, ўзга инсонларнинг кечинмаларини ўқий оладиган, ишонч ва туйгуларини тушуна оладиган социал интеллект муаммосини касб-хунар коллежи ўқитувчиси мисолида ўрганиш мухимдир. Кўп ҳолларда таълим жараёнида ўқитувчи фаолиятида дуч келинадиган нуқсон ва камчиликлар айнан социал интеллектнинг юқори даражада шаклланмаганлиги оқибатидир. Ушбу ҳолат қўйидагиларда намоён бўлади:

-ўқитувчи ўз соҳасини яхши билиши, аммо талабанинг психологиясини фарқлай олмаслиги мумкин;

-таълим муҳитига нисбатан касбий масъулиятни яхши ҳис этиши, аммо шахслараро муносабатни ташкил этишга уқувсиз бўлиши мумкин;

-ўқитувчи билан ўқувчи муносабатлари қандай бўлиш кераклиги ҳақидаги тасаввурга эга, аммо уни ташкил этиш имкониятини рўёбга чирака олмаслиги мумкин;

-инсоний муносабатлар тўғрисида етарлича тасаввур ва билимга эга, аммо ўқувчи билан муносабатда улар кайфиятини ўқий олмаслиги, тушунмаслиги, муомала сирларини билмаслиги мумкин.

Шу боисдан ҳам замонавий таълим жараёнида ўқитувчи фаолияти самарадорлигини оширишда социал интеллект таъсири масаласини тадқиқ этиш янги психологик тадқиқот мавзусига сабаб бўлади.

Қатор психологик тадқиқот натижалари шунни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда касб-хунар коллажлари ўқитувчиларининг социал интеллекти борасида жуда кўплаб мулоҳазалар мавжуд. Буларнинг барчаси бугунги кунда ҳар бир педагог учун характерли бўлган социал интеллект доирасидаги тасаввурлар кўламини ўрганишни ва шу кўлам асосида тегишили тавсияларни ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мазкур илмий монографияда касб-хунар коллажлари ўқитувчиларининг социал интеллект ҳақидаги бугунги тасаввурлари кўламини эмпирик маълумотлар асосида таҳлил қилиш билан боғлиқ илмий мулоҳазалар баён қилинган. Бу эса бугунти кундаги касб-хунар коллажи ўқитувчилари социал интеллектининг айрим долзарб жиҳатларини очиб беришга илмий-назарий ва методологик манба сифатида ёрдам беради.

1-БОБ.

Социал интеллектни ўрганишнинг назарий- методологик асослари

- 1.1. Социал интеллект психологик феномен сифатида**

- 1.2. Социал интеллектнинг касбий фаолият доирасида тадқиқ этилганлиги**

- 1.3. Социал интеллект муаммолини амалий жиҳатдан ўрганиш**

1.1. Социал интеллект психологияк феномен сифатида

Социал интеллектнинг табиатини ёритишида интеллект бўйича мавжуд психологик ёндашувларнинг умумий ҳолатини таҳлил этиб ўтишни мақсадга мувоғиқ деб ҳисоблоаймиз. Бугунги кунга қадар мавжуд ёндашувларнинг куйидаги тартибдаги интеллект ёндашувла-ри сифатида қайд этиш мумкин.

Интеллектни таркиб топиши ва шаклланиши бўйича саккизта асосий ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар кейинги бир катор илмий манба-ларда қайд этилган келтириб ўтилади:

1. Интеллектга феноменологик ёндашув: интеллект онг мазмунининг асосий шакли сифатида қаралади (В. Келлер; К. Дункер; М. Вертгеймер; Дж. Кемпион ва бошқалар).

2. Интеллектга генетик ёндашув: интеллект инсоннинг ташки олам билан ўзаро таъсирилашувининг табиий шароитидаги ўраб турган мухит талабларига кийин мослашуви окибати сифатида қаралади (У.Р. Чарльзворт; Ж. Пиаже).

3. Интеллектга социал-маданий ёндашув: интеллект инсоннинг ижтимоийлашуви, шунингдек, маданиятнинг мақсадли таъсири на-тижаси (Дж. Бруннер; Л. Леви-Брюль; А.Р. Лурия; Л.С. Выготский ва бошқалар).

4. Интеллектга жараёнли-фаолиятли ёндашув: интеллект инсон фаолиятининг асос шакли сифатида (С.Л. Рубенштейн; А.В. Брушлинский; Л.А. Венгер; К.А. Абульханская-Славская ва бошқалар).

5. Интеллектга таълимий ёндашув: интеллект мақсадга йўналтирилган таълимнинг маҳсули сифатида қаралади (А. Старатс; К. Фишер; Р. Фейерштейн ва бошқалар).

6. Интеллектга ахборот ёндашуви: интеллект ахборотларни қайта ишлашнинг элементар жараёнлари мажмуй сифатида (Г. Айзенк; Э. Хант; Р. Штернберг ва бошқалар).

7. Интеллектга функционал-даражавий ёндашуви: интеллект хар хил даражадаги билиш жараёнларининг тизими сифатида (Б.Г. Ана-ньев; Е.И. Степанова; Б.М. Величковский ва бошқалар).

8. Интеллектнинг регуляцион ёндашуви: интеллект психик фаоликнинг ўзини ўзи регуляция қилиш омили сифатида (Л.Л. Терстоун ва бошқалар).

Бизнинг мақсадимиз интеллектнинг умумий ёндашувлари табиатига хос жиҳатларни ва улар борасидаги илгари сурилган илмий фойяларни чукур таҳлилига эмас, балки интеллектнинг умумий психологик табиатини ёритиш, унинг социал ривожланиш, ижтимоий шарт-шароитларсиз мавжуд бўлмаслиги тўгрисидаги ёндашувларни ўзида акс эттириши мумкинлигига диккатни қаратишидир. Мабодо феноменологик ёндашуви вакиллари Кёллер, М. Вертгеймер, К.Дункернинг изланишлари мазмуни таҳлилида ҳам интеллект ривожланиши; генетик ёндашуви вакили У.Р. Чарлсворзинг илгари сурған қарашлари оқибати; Ж.Пиаженинг операцонал ёндашуви табиати: айнан социал интеллект табиатини ёритишга энг яқин келадиган социал-маданий ёндашуви ва мақсаддага йўналтирилган таълимий ёндашув ҳам социал омиллар таъсирини четлаб ўтолмайди. Ўз навбатида биз шахснинг социал интеллекти муаммосини ўрганиш баробарида интеллектнинг бошка кирраларига хос ёндашувларни четлаб ўта олмаймиз.

Бизнинг юкоридаги илмий ёндашувлар ва изланишлар борасидаги таҳлилларимиз социал интеллектни ижтимоий фойдали мослашувнинг намоён бўлиши тарзida талқин этишимизга олиб келмоқда. Масалан, ушбу фикримизга мос В. Штерннинг интеллектга хос бўлган қуидаги хulosаси, яъни интеллект “янги ҳаётий шароитларга мослашишга умумий кобилиятлилик” тарзida қараши ва “мослашув акти – ҳаётий масалаларни интеллект ёрдамида ҳал этиш, фикрлашда онгнинг онгсизлик устидан устунлик қилиши баробарида амалга оширилади” деган мулоҳазасини келтириб ўтишимиз мумкин.

Илмий манбаларни ўрганишимизда эътибор қаратиладиган яна бир жиҳат социал интеллектнинг функцияларига аниқлик киритишдан иборат. Ушбу масала бизнинг кейинги параграфларда тадқиқотнинг методикаларини танлашимизга аниқлик киритиши ҳамда уларни татбиқ этишдан олинган эмпирик материалларнинг психологик таҳлилига ёрдам беришидан иборат бўлади. Социал интеллект функциялари бўйича ҳам изланишлар олиб борилган (Н.А. Менчинская, Альбуханова-Славская, Н.И. Чуприкова, В.Д. Шадриков ва бошк.). Интеллектнинг индивидуал-шахслик хусусиятидан келиб чиқиб, социал интеллектнинг икки томонлама шартланганик асосида унинг функцияларини изоҳлашимиз мумкин бўлади. Юкорида келтирилган тадқиқотларга кўра, шунингдек, психологик педагогик адабиётларнинг назарий таҳлили қўйидаги функцияларни ажратишга имкон беради: билиш-баҳолаш, коммуникатив-қадриятли, рефлексив-коррекцион. Энди ушбу функцияларнинг қисқача мазмунига тўхталиб ўтайлик. Билиш-баҳолаш функцияси социаллашув жараёнида, шахслараро ўзаро таъсирлашув мазмунини аниқлашда атрофдагиларнинг реал ёрдами, фаолият натижаларининг эришганлиги учун индивидуал имкониятларни аниқлашда намоён бўлади. Шунга кўра социал интеллект фаолият натижаларини башорат қилиш учун зарур ахборотларни қайта ишлашни таъминлайди. Бир томондан шахс бошқа инсонлар фаолиятлари характеристи ҳақидаги ахборотларни олади, уни англайди ва унинг ақлий операцияларни бажаришида бўйсундиради. Бошқа томондан эса ахборотларни қайта ишлаш жараёнида содир бўлаётгандарнинг аҳамияти ҳақидаги хуносаларнинг шаклланишига олиб келади.

Н.А. Мечинскаянинг қайд этишича, ахборотлар ижобий бўлиши ва қабул қилиниши, ёки аксинча салбий бўлиши ва инкор этилиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам биз ахборотларни қайта ишлашнинг маълум темпи билан боғлиқ ақлий фаолликни намоён этишимизга тўғри келади. Олинган ахборотлар ундан фойдаланиш имконияти ҳақидаги, натижаларга реал эриш даражаси ҳақидаги баҳолаш хуносаларини намоён этишни таъминлайди. Бу эса иснонни ўз-ўзини англаш жараёнида ўзини ўзи ва ўз мавжудлигини тушунишiga олиб

келади. Бу жараёнда шахс ўқув-билиш фаолият субъекти сифатида ўзини намоён этади. Интеллектуал имкониятлари ва тажрибани ўзлаштиришнинг социал шарт-шароитлари мақсадга мувофик эталланади. Шундай қилиб, бу функцияни амалга ошириш субъекти сифатида ўзини намоён этиши учун (билиш жабхасидан) шарт-шароитга мос ахборотни танлаш, мақсад қўйиш жараёнида (баҳолаш жабхаси) ўқувчини биритирган ҳолда содир бўлаётгандар ҳақидаги баҳоловчи мулоҳазаларни шакллантиради. Бирок бу функция навбатдаги функцияни амалга оширишда юз берадиган, унинг эришганлилик қимматини аниқлашга имкон бермаслиги мумкин экан.

Социал интеллектнинг навбатдаги коммуникатив-қадриятли функцияси атрофдагиларни тушунишга эҳтиёж, ўз навбатида улар билан тушунарли бўлишига боғлиқ. Бошка одамлар билан доимий мулоқотда ўзини англаши, инсоннинг ўзаро муносабат эталонларини ва меъёрларини фаол ажратиш ва ўзлаштириш жараёнидан бошлилади. Н.И. Чуприкованинг қайд этишича, муомала ўз холатини ифодалаши ҳақида, сухбатдошга ва тингловчига муносабати, оқибатда хабарнинг мақсадли установкасини намоён этиш ҳақидаги мазмунни узатиш қобилиятида рўёбга чиқади. Бундан ташқари бир томондан коммуникацияга инсон билан социал муҳит ўртасидаги алоқани ўрнатиш усули сифатида, бошқа томондан ҳаётнинг қадриятли муҳити мазмунини излаш жараёни сифатида қараймиз. Мос тарзда коммуникатив-қадриятли функциянинг икки асосий намоён бўлиш шаклига ажратамиз.

Идеал мазмундаги режа тузиш (коммуникациянинг мазмуни) ушбу инсон тушунишга мослашувининг ижтимоий ҳаракат вазијатини аниқлаш билан боғлиқ. Инсон бекордан бекорга муносабат ўрнатмайди ва ахборатни идрок этмайди, балки социал муносабатга дахлдор масалаларни илгари суради, ҳаракатида инсонларнинг ижтимоий-психологик ва шахслик позициясини идрок этиш, тушуниш ва унинг ўрнига ўзини ва ўз ўрнига уни қўйиб тасаввур қилиш орқали амалга оширади.

Альбуханова-Славская нинг мулоҳазасига кўра, ички фаолият ўзининг ифодасини маълум муносабат, фикрни, аниқ одамларнинг ёки гурухнинг баҳосини кутишда топади. Бу ўзининг имижини, инсон ақлининг реаллиги, бошқа инсонлар билан қандай муносабат ўрната олиш ва холисона идрок эта олиш қобилияти, ҳар хил инсонларнинг баҳоси, белгиланган қадриятлар асосида ўз тимсолини шакллантира олиши билан боғлик. Бу эса социал интеллектнинг билиш-баҳолаш функцияси ва коммуникатив-қадриятли функцияси ўзаро алоқадорлигидан далолат беради.

Коммуникация социал мухит ҳақида ишончли аҳборот олишга олиб келади ва у тўғрисида қадриятли тасаввурлар шаклида тескари алоқани амалга оширади. Қадриятлар жабҳаси функцияларни социал мухитда содир бўлишдаги позицияларни, атроф-вокеликка муносабат ўрнатишга олиб келади.

Коммуникатив-қадриятли функцияларни социал интеллектнинг рефлексив коррекцион функцияси билан ўзини ўзи англаш, ўкув фаолиятидаги камчиликлар ва қадриятларни англашда, ўзаро таъсирлашув жараённада ўзгаришлар киритишни таъминлайди, ички низоларни камайтиришта йўналган, эхтиёж, эмоцияни назорат килишни таъминлайди.

Рефлексия социал мухит билан алоқани таъминлайди. У инсонни бошқа кишиларни идрок этиши, маънавий дунёсининг ички тузилишини ўзи томонидан англаш фаолияти, борлик ва тафаккур чегараси асосида инсон маданиятида тўлиғинча акс этади.

В.Д. Шадриков интеллектта маънавият билан маънавий қобилиятларнинг биргаликдаги компонент тарзида карайди. Бунга мувофиқ бу функция ўраб турган вокеликни оддий баҳолаш эмас, балки инсонинг маънавий жихатлари билан солишибдириши ва шахснинг ички ўзгаришларини белгиловчи социал мухит билан ўзаро таъсирлашувини мувофиқлаштиради.

Социал интеллектнинг коррекцион жабҳали функцияси ички оламнинг барқарорлигини таъминлаш, социал мухит билан ўзаро муносабатида ўз ифодасини таъминлайди. Бунда социал интеллект ижодга йўналтирувчи, маъно ҳосил килувчи жараён сифатида иштирок этади.

Коррекциялаш функциясининг социал жиҳатдан намоён бўлиши фақат фикрлаш жараён соҳасидаги эмас, балки шахснинг интеллектуал ва эмоционал соҳалари ўргасидаги динамик мувозанатни таъминлашга хизмат қиласи. Социал интеллект салбий эмоцияларни тутиб қолади, стресс ҳолатлардан чиқишига ёрдам беради, психологик ўзтини ўзи химоя қилиш механизмини таъминлашга, ўз хурматини саклашга хизмат қиласи. Бунинг натижасида шахс хулк-атвори аникланади. Шунингдек, коррекция ҳаракатлари ва хати-харакатларни белгилашда, шахсий позицияни ўрнатиш жараёнида намоён бўлади.

Юкорида санаб ўтилган социал интеллект функциялари фаолият мазмунига кўра бирор-бири намоён бўлади. Мақсад қўйиш жараёнида билиш-баҳолаш функцияси етакчилик қилганда, қолган иккитаси шарт-шароит яратувчи хисобланади. Мақсад йўналишини белгилашда эса коммуникатив-қадриятли функцияси шартловчи хисобланади. Ўз имкониятларини амалга оширишда индивидуал темп ўрнатишида бошқа функциялар устидан рефлексив-коррекциялаш функцияси устунлик қиласи.

Функцияларнинг тўлиқ ўзаро шартланганлиги социал интеллектни ташкил этувчилар роли ва хусусиятларини яхлит тизим сифатида қарашимизга имкон беради.

Социал интелектнинг ривожланганлиги ахборотларнинг фаол алмашинувини таъминлайди.

Ўтган асрнинг 60–70 йилларида социал билиш ва шахснинг коммуникатив қобилияtlарини ўрганишга доир изланишлар кенг кўламда амалга оширилди. Бу эса социал перцепция муаммосига этибор қаратишга ва социал интелектнинг табиати ва таркиби тўтрасидаги илмий тасаввурлар асосида уни ўрганишнинг илмий асослари яратилишига олиб келди.

Социал интелектни ўлчашга мўлжалланган биринчи ишончли тестни яратган Ж.Гилфорд уни умумий интеллект омилидан мустасно бўлган ва энг аввало хулк-атворга оид бўлган ахборотларни тушуниш билан боғлиқ бўлган интеллектуал қобилияtlар тизими сифатида ўрганган.

Социал интеллектни ташкил этувчилар етарлича шаклланган шароитда шахс юз бериши мумкин бўлган воқеа ва ҳодислар, унинг талқини, келажакдаги ҳодисаларни башорат қилиш имконига эга бўлади. Шу сабабли шахснинг амалий масалаларни ҳал қила олиши, вербал ва ижтимоий муносабатларга қобилиятлилиги социал интеллектнинг таркибини ташкил этувчи асосий компонентлар хисобланади.

Э.Торндайк социал интеллектни оддий интеллектдан фарқли дея таъкидлаган. Кўплаб муаллифлар (Китинг, Гильфорд) социал интеллектни академик ва формал интеллект қобилиятларидан фарқ килувчи ментал қобилиятларнинг мустақил гурӯҳи сифатида тавсифлайдилар.

Социал интеллектнинг функциялари қўйидагилардан иборат:

- ўзгарувчан шароитларда адекватликни ва мослашувчанликни таминлаш;
- тактик ва стратегик йўналишларда ўзаро муваффақиятли мутносиблик дастурлари ва режаларини шакллантириш, кундалик масалаларни ҳал қилиш;
- шахслараро муносабатлардаги воқеаларни режалаштириш ва уларнинг қандай ривожланишини прогноз қилиш;
- мотивацион функция;
- ижтимоий рақобатбардошликни кенгайтириш.

Социал интеллектнинг асосий вазифаларидан бири узоқ муддатли ўзаро муносабатларни шакллантириш, ўзаро муносабатларнинг даражаси ва характеристини тушунган ҳолда келажакда бир-бирига ижобий таъсир ўтказиш ва муносабатларни мустаҳкамлашдан иборатdir.

Ўтган давр мобайнида жаҳон психологиясида социал интеллект ва унинг шаклланипи муаммоси бир қатор тадқиқотчиларнинг зътиборини ўзига жалб этганлигини кузатиш мумкин. Биз тадқиқотимизнинг назарий-методологик асосларини аниқлаш борасидаги таҳлилимизда олимларнинг социал интеллект, унинг интеллектнинг бошкар турлари билан боғлиқлиги, структураси, унга ни-

сбатан олимларнинг ёндашувлари, социал интеллектга берган тав-сифлари бўйича олиб борган изланишлар ва уларнинг хулосаларига эътибор қаратишимииз лозим.

Психологик манбаларда кайд этилган илмий кузатишларга таянган ҳолда социал интеллектнинг шахсни жамиятга, яъни ўзи яшаётган, унинг социал муҳит вакили сифатида зътироф этиладиган муҳитга мослашувига; шахслараро ва ва касбий муносабатларини самарали амалга оширишига ёрдам берувчи қобилияtlар мажмуусидир дейишимиз мумкин. Ўз навбатида социал интеллект атамаси бошқа кишилар билан муносабатда, ўзаро таъсиrlашув жараёнида ўзини, хулқ-авторини, ўзга кишиларни тушуниш ва самарали ўзаро таъсиrlашувни амалга ошириш ҳамда кўйилган мақсадга эришиш укувини ривожлантиришни кўзда тутади. Шунингдек, социал интеллект шахснинг социаллашуви, таълим, маданиятлараро коммуникацияни амалга оширишда муҳим ўрин тутишини унунтмаслик лозим бўлади.

Социал интеллект борасида психологик тадқиқотлар таҳдилига кўра хорижий ва МДҲ мамлакати психология мактаблари вакилларидан бир қаторларининг олиб борган изланишларини келтириб ўтиш мумкин (Дж. Гилфорд, О. Джон, С. Космитский, Г. Олпорт, Н. Кэнтор, Э. Торндайк, Р. Селман, Р. Стернберг, А. А. Бодалев, В. Н. Дружинин, Ю. Н. Емельянов, М. Л. Кубишкина, Н. А. Курдявцева, В. Н. Куницина, Д. В. Ушаков, А. Л. Южанинова ва бошк.).

Социал алоқаларнинг мавжудлиги инсон фаолиятининг алоҳида хусусиятидир. Социал обьектларнинг доимий акс эттириши ва субъект—субъект ўзаро таъсиrlашувини амалга ошириш бу жараёnlарни муваффақиятли амалга ошириш учун маҳсус қобилияtlар мавжуд бўлишини тақозо этади. Бу гурӯҳ қобилияtlар психологияда “социал интеллект” номини олмокда.

Тажрибаларнинг кўrsatiшича, одатдаги ўзаро таъсиrlашув тизимида социал интеллект ўз-ўзидан намоён бўлади. Социал интеллектнинг касбий фаолиятда ривожланиши эса касбий вазифалардан бирига айланаб бормокда. Шунингдек, “интеллект” феномени ўз даврида файласуфларнинг турли даврдаги изланишларида ўз аксини

топганлигини кузатиш мумкин. Ушбу тушунча илк бора Цицероннинг асарларида акс эттирилган бўлиб, у “тушуниш қобилияти” тарзида талқин этилган. Кейинчалик Платон интеллектни интуиция, хаёлдан ажратган ҳолда тафаккур ва ақлий билишга қобилиятлилик сифатида талқин этди. Аристотелнинг асарларида ҳам шу тарзда ги нуктаи назар илгари сурилган, унда кузатилаёттан фаолиятни, хулқ-авторни чегараловчи яширин қобилият айнан ушбу фаолиятга боғлиқликда намоён бўлиши тарзида ифодаланади. Рационал тафаккурга, аникловичи фаолиятта қобилиятлилик Гоббс, Локк, Кант, Гегель ва бошқа файласуфлар изланишларида ҳам кузатилади.

Социал интеллект борасида олиб борилган илк изланишлар натижалари Э.Торндайкнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган бўлиб, унда олим академик интеллектнинг юқори даражаси социал муваффакиятларнинг юқори даражада бўлишини таъминламаслиги мумкинлигини хulosалади. Дастреб, Э.Торндайк социал интеллектта шахслараро муносабатни олдиндан кўра олиш, инсонларни тушуниш ва улар билан оқилона муносабат ўрнатишга қобилиятлилик тарзида каради. У ўзининг ғоясида мавхум-мантикий ва конкрет интеллектнинг маълум ўзига хос ҳусусиятлари билан бир қаторда социал интеллектни ажратиб кўрсатди:

—мавхум-мантикий интеллект – мавхум, вербал ва математик символларни тушуниш, улар билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш қобилияти;

—социал интеллект – одамларни тушуниш ва улар билан ўзаро таъсирашувда бўла олиш қобилияти;

—конкрет интеллект – моддий оламдаги нарса ва предметларни тушуниш қобилияти.

Шунингдек, Э.Торндайк социал интеллектнинг асосий функцияси шахслараро муносабатни муваффакиятли ташкил этишининг етакчи омилларидан бири сифатида хизмат қилувчи шахснинг бошқа инсонлар ва ўзининг хулқ-авторини башоратлаши деб ҳисоблади. Бу эса олимнинг нуктаи назарига мувофиқ социал интеллектнинг иккни жабхасини ажратишга олиб келди: билиш ва ахлоқий жиҳатлар. Ўйлаймизки интеллект тузилишининг бу тарзда ифодаланиши ан-


чагина аник ва мантиқлидир. Мазкур ғояга ҳамоҳанг тарзда социал интеллектнинг умумий қобилиятта боғлиқ бўлмаган ҳолда социал ўзаро таъсирланувда билиш ва ахлоқий қобилиятлар бирлиги тарзида интеллектнинг асосий тури сифатида намоён бўлиши Г.Олпорт, Д.Векслер, Е.П.Вернон, Дж.Гилфорд, О.Джон, С.Космитский ва Г.П.Геранюшкиннинг ишларида ҳам учрайди.

Г.Олпорт социал интеллектни инсонлар ҳакида тез фикрлаш, улар хулк-авторини башоратлаш ва шахслараро муносабатда мослашишни таъминлашга хизмат қилувчи “ижтимоий тақдим этилган” қобилият сифатида талқин этди.

Д.Векслернинг изланишларида эса социал интеллект индивиднинг инсон борлигига, яъни “ҳаётий вазиятлар билан мос тарзда уйғунлашув” малакаси сифатида мослашувчанлиги тушунилади.

Позиция жиҳатидан П.Е.Верноннинг социал интеллект борадасиги ёндашуви Э.Торндайкнинг ғояларига ўхшаб кетади. У ҳам социал интеллектни таҳлил этишда билиш ва ахлоқий жиҳатларга зътибор қаратган. Унинг фикрича, “Социал интеллект – бу жамиятда эркин ва социал техникалар билан одамларга ёндашуви, социал воқеликни билиши, турұхнинг бөшқа айзолари хулк-авторига мослашувчанлик, ҳамда нотанишларнинг вактли кайфиятлари ёки яширин шахслик хислатларини кўра олиш қобилияти”.

Дж.Гилфорднинг социал интеллект муаммоларни ўрганишдаги улушини унда қўпроқ методик муаммоларга қаратилганлиги билан изоҳлаш үринлидир. У социал интеллектни ўрганиш асосида ўзининг шахсий интеллект концепциясини яратишга мусассар бўлди. Олим социал интеллект муаммолига умумий интеллект омилига боғлиқ бўлмаган ахлоқий ахборотларни билиш билан боғлиқ қобилиятлар тизими сифатида қаради. Социал интеллектни бу тарзда тушуниш модели Дж.Гилфорд интеллект структурасининг умумий моделидан келиб чиқди. Социал интеллект таркибиға олтига билиш қобилияти ва олтига тузган тестлари ёрдамида ўрганишта йўналтирилган дивергент тафаккур қилишга қобилиятларни киритди. Ғояларнинг кейинги тараққиёти борасидаги янги тушунчалар шахслараро муносабат соҳасидаги масалаларни ечишта ёрдам берувчи малакаларни ўзи-



да мужассамлаштирган “социал интеллект” тушунчаси мазмунига кўшимча тарзда “креатив социал интеллект” тушунчасини ажратиб кўрсатди. Шундай қилиб, Дж.Гилфорд таклиф этган методикалари ёрдамида социал интеллектнинг мустақил феномен сифатидагина эмас, балки унинг билиш ва ахлоқий жабҳаларини ўрганишга эътибор қаратди.

Социал интеллект табитини мантиқан тушуниш борасида олиб борилган изчил изланишлар С.Космитский ва О.Джоннинг изланишлари улушига тўғри келади. Уларда социал интеллект концепциясининг етти асосий ташкил этувчиси қўйидаги келтирилган икки гурух бўйича ажаратилди:

—когнитив элементлар: истиқбол баҳоси, инсонларни тушуниш, социал коидаларни билиш, шахслараро муносабатларда очиқлик;

—хулк-автор элементлари: одамлар билан ишлашга қобилиятилилк, социал мослашувчанлик, шахслараро муносабатларда дилгирлик, илиқлик.

Бу ғоялар янги элементларни ёритишга хизмат килувчи кўшимча тадқиқотларни талаб этди. Улар шахслараро муносабатлардаги илиқлик ва бошқа инсонлар билан муносабатдаги очиқлик кабилардир.

Рус олим Г.П.Геранюшкина социал интеллектни фақат бошқаларни тушуниш қобилиятигина эмас, балки психик ҳолатлар ва шахслараро муносабатларнинг ўзгаришига мувофиқ равишда ўзини доимо ўзгартириб бориш, шахслараро муносабатда ўзини ва шеригининг хулк-авторини англаш ва ўзаро таъсирашув натижаларини башоратлаш қобилияти сифатида талқин килди. У ўзининг ёндашуви асосида шахс социал интеллектининг уч даражали моделини тақдим этди. Ушбу модельни ташкил этувчи компонентлар қўйидагилар:

— потенциал қобилияtlар даражаси (эмотив ва когнитив компонентлардан иборат);

— долзарб қобилияtlар даражаси (социал интеллект факторларидан иборат);

— натижавийлик даражаси (коммуникативлик, ташкилотчилик ва комплекс компонентлардан иборат).

Тадқиқотимиздаги таҳлиллардан шуни холосалаш мумкинки, социал интеллект борасидаги ёндашувларнинг бугунги кун ҳолати ушбу масаланинг ҳали ягона талқини яратилмаганлигини кўрсатмоқда. Социал интеллект кўп қиррали қобилиятлар тарзида талқин этилиб, шу боис у инсон фаолияти билан узлуксиз боғлиқдир.

1.2. Социал интеллектнинг касбий фаолият доирасида тадқиқ этилганлиги

Ўқитувчи фаолиятига кўйиладиган талабларнинг анчагина масъулитли эканлиги кўп ҳолларда социал интеллектта боғлиқдир. Бу даража ўқитувчининг ўзини ижтимоий аҳамиятта молик ахборотларни тапувчиси, ижтимоий бирликларни амалга оширувчи субъект сифатида ўзини англашига имкон беради. Ўқитувчи социал интеллектнинг шаклланганлиги ўқувчиларнинг эмоционал-иродавий соҳаси психологик ривожланишидаги нуксонларни тузатишига, билиш фаолияти фаоллашувига, билим, кўнинка ва малакалари шаклланишига, атрофдагилар билан ўзининг ижтимоий роллари идентификацияшувига ижтимоий мухитда ижтимоий тимсол ҳамда мустақил ўзаро таъсирашувини тузатишга кўмаклашади.

Бундан кўринадики, ўқитувчи касбий фаолиятида социал интеллектнинг аҳамиятини психологик жиҳатдан тадқик этишда юкорида санаб ўтилган психологик жабхаларга таяниш мухимдир.

Аммо ҳалигача психология фанида социал интеллектнинг хусусиятларини баҳолашга доир асосий назарий ёндашувлар етарлича аникланганий йўқ. Бу борада рус психологларининг ишларини зътиборга олиш мухимдир (А.И. Щербаков, И.М. Юсупов, Е.И. Рогов, А.Д. Гонеев, Н.И. Лифинцева, Н.В. Ялпаева).

Социал интеллект психологиянинг бир қатор соҳаларида муаммо сифатида ўрганилди: социал психологияда – Г.М. Андреева, Е.А. Абульханова-Славская, А.Л. Южанинова, Д. Майерс, В.А. Лабунская, Е.С. Михайлова, В.П. Бедерханова, А.А. Бодалев; умумий ва ёш психологиясида – С.Л. Рубинштейн, Д.А. Леонтьев, А.В. Петровский.

Кейинги йилларда социал интеллектни психологияда ўрганиш касбий фаолиятга йўналтирилди (В.А. Сластенин, О.А. Абдулина, Г.Г. Кит, Н.М. Назарова, И.Ф. Исаев, В.Н. Келасьев).

Ўқитувчининг социал интеллекти муаммоси фаолият ва шахслик методологияси жиҳатидан ҳам ўрганилган (С.Л. Рубинштейн, Б.Г. Ананьев, А.А. Бодалев, А.Н. Леонтьев, А. Маслоу, А.Г. Асмолов, Г. Олпорт).

Республикамизда амалга оширилган кўпгина тадқиқотлар ҳам ўқитувчи шахси, унинг ўқувчилар билан ҳамкорликдаги фаолияти, ўкув фаолиятини бошқаришдаги ролига бағищланган (М.Г.Давлетшин, Э.Ф.Фозиев, Р.З.Гайнутдинов, З.Кличова, Л.С.Бекназарова, С.Жалилова ва бошк.).

Социал интелектнинг шахс касбий фаолияти ва таълим жараёни билан боғлиқлиги бир катор тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлди. Бу борада кейинги йилларда олиб борилган жиддий изланишлардан бири россиялик олим И.Б. Кудинованинг тадқиқотлари бўлиб, улар юкори синф ўқувчилари ва талабаларда социал интеллект шаклланишининг психологик шарт-шароитларини ўрганишга бағищланган.

И.Б. Кудинованинг ишида юкори синф ўқувчилари ва талабаларда социал интеллект ривожланишида оиласвий тарбия услублари, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ролига алоҳида аҳамият қаратилган. Тадқиқотда шахсда социал интеллект ривожланишининг асосий шарт-шароити сифатида шахснинг мулоқотмандлик ва қизиқувчанлик хусусиятлари алоҳида олиб ўрганилган.

Социал интеллект факат педагогик жараённинг эмас, балки жамиятнинг барча соҳаларида ҳам тадқиқот предмети ва обьекти сифатида ўрганилган. Бу йўналишда О.Е.Бойконинг бошқарув соҳасида социал интеллект аҳамияти тадқиқ этилган иши долзарбdir. Тадқиқотда социал интеллект бошқарув соҳасининг асосий компонентларидан бири сифатида ўрганилган. Ушбу иш социал интеллект соҳиби бўлган шахснинг бошқарув соҳасидаги ролини ўрганишга қаратилганлиги билан ажralиб туради.

Социал интеллект муаммоси ва унинг касбий фаолиятта алоқадорлик томонлари республикамиз психология фани вакиллари

томонидан ҳам ўрганилганлигини эътироф этиш ўринли. Аммо мұммога социал интеллект туси берилған бұлмаса-да, унинг асосий компонентлари хисобланадиган шахслараро муносабат, педагогик мұлоқотта қобилиятлилік, үзаро бир-бири тушуниш ва идрок этиш, педагогик ҳамкорлик ва фаолиятни бошқарып масалалари ўрганилған ишлар ҳам ахамиятта зга. Агар Республикаизда амалға оширилған ушбу тадқиқоттарнинг умумий тавсифига мурожаат қиласынан бұлсак, профессор Э.Ф.Фозиев ва шогирдлари томонидан шахснинг мұлоқотмандлық, мұомаланинг ўкув фаолиятини бошқарышдаги роли, ҳамкорлик фаолиятини ёритишта қарастырылған ишлари билан ахамиятлы натижаларни құлға кирилганлигини эътироф этишга түғри келади.

Э.Ф.Фозиев ҳамкорлик фаолиятининг асосий босқычлари таксаномиясини ишлаб чиққан ва бу билан таълим берувчи ва таълим оловучи ҳамкорлик фаолиятини изчил ташкил этиш механизмини тизимлаштирган.

М.Г.Давлетшин ўз изланишларида замонавий мактаб ўқитувчисиңинг психологияси ҳақида алохіда түхталади. У замонавий ўқитувчининг шахсий ва касбий хислатлари таълим жараённанда ўқитувчи билан ўқувчи үзаро муносабатларининг меъёрларини белгиловчи энг мұхым омил эканлигини қайд этади ва замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бұлмаслиги мүмкін эмес, шунинг учун ҳам ўқувчилар ўртасидаги үзаро муносабатларни йўлга сола олиши, болалар жамоасыда ижтимоий-психологик механизмлардан фойданишни билиши зарурдир, деган хulosани тақдим этади.

В.М.Каримованинг тадқиқотларида таълим жараённанда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг самарадорлигини таъминлашда таълим оловчининг мустакил ва эркин фикрлаши зарур деган хulosса илгари сурыйланған. Бинобарин, у ҳамкорлик фаолияти, таълим оловчиларнинг мустакил фикр юритиш күнікма ва малакаларини шакллантиришида ўқитувчи-ўқувчи, талаба-профессор үзаро муносабатларини кескин ўзгартыриш, таълим оловчини таълим жараённининг фаол субъекти сифатида қабул қилип керак деб хисоблады.

Б.Р. Қодировнинг бу борадаги изланишлари ўқувчиларнинг индивидуал-психологик имкониятларини чукур ўрганиб, шунга мос ўкув-

тарбия жараёнларини ташкил этиш; ўқитувчининг ўкувчи билан ишлаши ва мулоқотга киришишининг мос ва қулай усулларини танлаш ва ўзгартириб туриш; таълим ва тарбия жараёнларини ўқувчиларнинг психик ривожланганлик даражалари ва муносабатларига қараб мослаш ҳамда ўқувчиларда шахсий ва касбий кутилаётган психологик имкониятларнинг намоён бўлиши ва ривожланиши учун зарур шартшароитларни яратишда таълим субъектларига яқиндан ёрдам бериб боришга бағишлиланган илмий кўрсатмаларни ўз ичига олган.

Ғ.Б.Шоумаровнинг тадқикотлари таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчи ҳамкорлиги ва ўзаро таъсирилашувини оптимал даражада ташкил этишда таълим муассасаларида психологик хизмат йўл ва усулларини белгилаш ҳамда уни ташкил этишга бағишлиланган.

Шунингдек, таълим жараёнида ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ва тарбиячи сифатидаги таъсири ҳамда ўзаро муносабатлари яна бир қатор тадқикотларда ўрганилган. Уларда, жумладан: таълим ва тарбия жараёнига таъсир этувчи ижтимоий-психологик ва миллий-маданий омиллар; ўзбек мактаби ўқитувчисининг психологик ва этник хусусиятлари; ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигининг миллий-психологик омиллари; “ўқитувчи-ўқувчи” ҳамкорлигининг мухим психологик омили мустақил фикрлаш, ўқувчилар билан мулоқот ўрнатишда ҳамкорлик ва индивидуал билиш фаолиятларининг ўзаро боғликларини таъминлашга йўналтириш лозимлиги; аксий ривожланиши сустлашган ва соғлом ўқувчиларда шахслароро муносабатлар ва унда педагог муносабат услубларининг аҳамияти; муомала маромининг ёш хусусиятлари ва динамикаси; ўсмирларда индивидуал муомала услуги шаклланиш масалалари; ўқитувчи билан ўқувчи ўзаро муносабатлари ва унда педагогнинг тарбиячилик таъсири; “устозшогирд” муносабат тизими масалалари тадқиқ этилган.

Факат биргина тадқикотда социал интеллект муаммоси алоҳида йўналиш сифатида ўрганилган. Бу Ш.Усмонованинг талабалар касбий шаклланиш жараёнида умумий интеллект ва социал интеллект ўзаро алоқадорлиги маҳсус ўрганилган тадқиқотидир.

Мамлакатимиз психология фанида социал интеллектни касбий фаолиятта ёки, хусусан, педагоглар мисолида ўрганилмаганлиги ку-

затилди. Биз юкоридаги илмий манбаларда құлға киритилген илмий хуросалар кадр-кимматини эътироф этган ҳолда ўз тадқиқотимизда қасб-хунар колледжи ўқытувчиларининг қасбий фаолиятида социал интеллектнинг ролини үрганишни лозим топдик. Ушбу доирадаги тадқиқотларимиз натижалари монографиямизнинг кейинги бобларидан батағсил ёритилади.

1.3. Социал интеллект мұаммосини амалий жиҳатдан үрганиш

Тадқиқот ишимизнинг назарий таҳлилини амалга ошириш жараёнида социал интеллектни амалий жиҳатдан үрганиш, унинг шаксланғанлик даражасини баҳолашга имкон берувчи психодиагностик во-ситалар ўттан асрдаёқ олим ва мутахассисларнинг дикқат марказида бўлганлиги ва маълум даражада ўзининг тадқиқ этиш инструментарийсига эга эканлигини кайд этиб ўтгандик. Мазкур параграфда айнан тадқиқотимиз учун зарур бўлган методикалар, уларни қўллаш учун танлашнинг аҳамияти ва уларнинг ўзаро алокадорлиги масаласига тўхталиб ўтамиш.

Интеллект психодиагностикаси энг тарихий ва энг баҳсли мұаммолардан биридир. Интеллектни ўлчаш ва уни таҳлил этиш бир катор саволларга жавоб топишни тақозо этади: интеллект тестлари нимани ўлчайди? Бугунги кунда интеллектни ўлчашнинг қандай во-ситалари мавжуд?

Кейинги вактда мутахассислар эътиборини ўзига жалб этаётган инсоннинг жамиятда эришаётган ютуқларини ўзида акс эттирувчи “социал интеллект ёки эмоционал интеллект” мавжудлигига қандай жавоб бериш мумкин?

Муаммонинг назарий маълумотларини таҳлил этганимизда социал ва эмоционал интеллектнинг Д.В. Ушаков ва Д.В. Люсин (Люсин, 1999; Люсин, Мариана, Степанова, 2004; Робертс, Мэттьюс, Зайднер, Люсин, 2004) изланишларида етарлича ёритилганлигига гувоҳ бўламиш. Бу эса социал интеллектнинг психодиагностик илк илдизларига эътибор каратишимизга мажбур этди.

Э. Торндайк, Дж. Гилфорд, Г. Айзенклар ушбу соҳанинг етакчи мутахассислари сифатида социал интеллект тушунчаси, уни ўлчаш воситаларининг яратувчилари тўғрисидаги таассуротни эслатиб турди. Интеллектнинг кўп қирралилиги борасидаги ғоя асосчиси Х. Гарднер интеллектни “шахснинг ички интеллекти” ва “шахсларо интеллект” тушунчаларига ажратди.

Психологияда социал интеллект билан бир қаторда “эмоционал интеллект” тушунчаси ҳам кўлланилмоқда. Мазкур тушунчани П. Сэлов ва Дж. Мэйерлар фанга олиб кирдилар. Уларнинг ғоясига кўра, эмоционал интеллект – эмоцияни ифода этиш ва баҳолаш қобилияти; эмоцияни тушуниш ва эмоционал билимларга эгалик қобилияти; шунингдек, шахснинг эмоционал ва интеллектуал камолотини ўзаро боғловчи хиссий бошқарув қобилияти тарзида талкин этилади.

Социал интеллект шахснинг академик ва индивиудал хусусият даражаларига караганда академик ва социал муваффақиятларини изоҳлашга мансуброқdir деган мулоҳазалар бор. Бироқ А. Анастазининг бир қатор тадқиқотларида исботланган маълумотларига кўра, интеллект тестларининг прогностик имкониятлари мотивация ва шахс хусусиятларини ўрганиш тестлари натижалари билан бирлаштирганда янада ўсади. Шу сабабли муаммони ўрганишда янги конструктларни киритиш зарурати билан эмас, балки диагностиканинг мавжуд методларидан фойдаланиш муҳим.

А.И. Савенков эмоционал ва социал интеллектларни психолого-тиктидори ва эришган юкори ютуклари билан боғлиқ шахснинг ҳаётий муваффақиятларини таъминловчи сифатлар тарзда ажаратади. Биз ҳам айнан касб-хунар колледжи ўқитувчиларининг касбий камолотини ўрганишда ўзаро алоқадорлигига эътибор қаратамиз.

А.И. Савенковнинг моделига кўра, эмоционал интеллектни социал интеллектнинг таркибий кисми сифатида диагностика килиш тавсия этилади.

Албатта, социал интеллект психодиагностикаси масаласи интеллектнинг тадқиқ этиш сингари ўзига хос ғоявий йўналиши, амалий воситаларига эгалиги учун амалиётда қўлланилган ва тажрибаларда

ўзининг психометрик талаблар бўйича үрганилаётган жиҳатларни ўлчаш учун қуида танлаб олинган тадқиқот методикалари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиш.

Бизнинг тадқиқотимиз мақсади касб-хунар коллежи ўқитувчилари касбий камолотида социал интеллектнинг ўрни ва аҳамиятини белгилашдан иборат бўлғанлигини инобатга олиб, мазкур тушунчанинг моҳиятини очиб берувчи мезонларни ўзида акс эттирган методикалар сирасига Дж.Гилфорднинг “Социал интеллектни ўлчаш” тестидан фойдаланишни лозим топдик. Мазкур методиканинг ўқитувчилар социал интеллектини үрганишимизда қўллашимизнинг асосий сабаблари қуидагилардан иборат:

- социал интеллектни соф ҳолатда үрганиш имконини беради;
- тестнинг стимуллари вазиятли характердаги топширикларни ҳал этишга мўлжалланган;
- хулқ-автор, шахсларро муносабат вазиятлари, шахснинг экспрессиясини баҳолаш, муносабатли ҳолатларни үрганишга каратилган.

Методика амалиётда индивидуал ва гурухий қўллаш учун ҳам қулай;

- баҳолаш мезонлари аниқлити;
- натижаларни психологик талқин этиш учун қулайлиги ва бошқа ҳолатлар инобатга олинган.

Тадқиқот ищининг бошқа методикаларини танлашда ҳам шахснинг социал интеллект билан боғлиқлигини инобатга олиш мухимдир.

Методика натижаларининг даражавий ҳолатини акс эттирувчи стандарт балларга мурожаат қилинса, қуидаги кўринишга эга (Дж. Гилфорднинг тести бўйича ўқитувчиларнинг хулқ-авторни англаш кобилиятини англаувчи стандарт балл мазмуни):

- 1 балл – инсон хулқ-авторини паст англашга қобилиятлилик;
- 2 балл – инсон хулқ-авторини англашга ўртачадан паст қобилиятлилик;
- 3 балл – инсон хулқ-авторини ўртачадан меъёрдаги қобилиятлилик;
- 4 балл – инсон хулқ-авторини англашга ўртачадан юқори қобилиятлилик;
- 5 балл – инсон хулқ-авторини англашга юқори қобилиятлилик.

Кейинги йилларда социал интеллект тушунчаси замирида вужудга келган интеллект турларидан бири сифатида эмоционал интеллект тушунчаси ҳам қўлланилмоқда. Юкоридаги таҳлилимида ҳам эмоционал интеллект билан социал интеллект тушунчалари ўртасида ўзаро боғлиқлиги ёритиб ўтилган эди. Социал интеллект сингари эмоционал интеллектни ўрганишда ҳам психодиагностик методикалар ишлаб чикилган бўлиб, ўз ўрнида ушбу интеллект турлари умумий интеллект тузилишида бир-бирини мазмунан тўлдириши инобатта олинса, уларнинг алоҳида ўргантан холатимизда ҳам ўзаро боғлиқликда таҳлил этишга зарурат туғилади.

Муаммони ёритишида социал интеллект хусусиятларини эмоционал интеллект билан ўзаро боғлиқликда тадқик этишимиз мухимdir. Социал интеллектни тадқик этиш методикаси, айнан текширилувчи-ларнинг шахслараро муносабати, социал тажрибалари билан ўзаро боғлик ривожланганинг аниқлашимизда қўл келади. Бунинг учун Холлнинг “Эмоционал интеллектни ўрганиш” тестидан фойдаланиш максадга мувофиқ. Мазкур тест 30 саводдан иборат бўлиб, улар бешта шкалага мужассамлашган. Методиканинг шкалаларини куйидаги тартибда келтириб ўтамиш:

- эмоционал билимдонлик;
- ўз эмоциясини бошқариш;
- ўз-ўзини рағбатлантириш;
- эмпатия;
- ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш.

Натижаларни таҳлил этишда ҳар иккала тест натижалари орасидаги ўзаро корреляцион алокадорликка эътибор каратилса яхшиrok бўлади. Уларни татбик этишдан олинган натижалар хусусида кейинчалик тўхталиб ўтамиш.

Олдинги назарий таҳлилларимизда шахснинг социал интеллекти билан шахс хусусиятларини ўзаро боғлиқлиги хусусида ҳам сўз боради. Чунки социал интеллектнинг касбий фаoliyatda намоён бўлиши унинг шахслик хусусиятлари билан ўзаро боғлиқдир. Бунинг учун биз иккита методикани амалиётда қўллашни мухим деб ҳисобладик.

Улардан биринчиси, психологияк тадқиқотларда көнг құлланилған ва амалий жиҳатдан үзининг ишончлилик ҳамда валидлігига зәт бўлган Р.Б.Кеттеллнинг “Шахси ўн олти омил ёрдамида ўрганиш” ҳамда иккинчиси Г.Ю.Айзенкнинг “Экстроверсия—интроверсия ва невротизмни аниклаш” сўровномасидир. Бу сўровномаларни танлашимиzinинг бир жиҳати социал интеллектнинг ўқитувчи касбий ва шахсий камолоти орасидаги ўзаро боғлиқлик бўлса, иккинчи томони эса шахс типлари мутахассиснинг социал интеллектига таъсири ма-саласини ёритишдан иборатdir:

Биз Р.Б.Кеттелл сўровномасининг 10 омилли шаклидан фойдаландик, чунки унинг таркибидаги омилларнинг кўпчилиги шахснинг ижтимоий хусусиятларини ёритишга ҳам қаратилған. Ушбу омиллар куйида келтирилган:

- киришимлилик (A);
- хиссий барқарорлик (C),
- хукмронликка интилиш (E),
- ижтимоий етуклик (Q_r),
- ижтимоий дадиллик (H),
- ишонувчанлик (J),
- ўзига ишониш (Q),
- мустакиллик (Q_s),
- ўзини назорат қилиш (Q₃.),
- қўзғалувчанлик ва зўриқиши (Q₄).

Биз Г.Ю.Айзенк сўровномасидаги экстроверсия ва интроверсия, невротизм ва сохталик шкалаларидан фойдаландик. Чунки ўқитувчи шахси типларининг социал интеллект билан боғлиқ деган таҳминни илгари сурган ҳолда фойдаланишининг маъкул топдик. Шахснинг экстроверт типи интровертларга қараганда ижтимоий мухитга мослашувчан, вазиятларни тез таҳлил эта оладиган, шахслараро муносабатга киришимли, лидерликка мойил.

Шунингдек, тадқиқотимизда алоҳида эътибор берилған методикалар ўзимиз томонимиздан ишлаб чиқилған сўровномадир. Ушбу сўровнома “Социал интеллектни эксперт баҳолаш” сўровномаси

(Ш.Р.Баротов ва Д.А.Собирова) деб номланиб, унда асосий мезонлар шахснинг мулокотта киришувчанлиги, вазиятларни таҳтил этувчанлиги, инсонлар хатти-ҳаракатларини баҳолай олиши билан боғлиқдир.

Тадқикот методикаларини амалиётда кўллаш борасида олиб бораётган изланишларнинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими-даги колледжларда фаолият олиб бораётган ўқитувчилардан иборат. Тадқикот обьектлари касбий камолоти масаласига аниклик киритишда биз уларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2008 йил 29 августда 1845-сон билан рўйхатга олинган Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 25 августдаги 39, 36/ҚҚ, 01-275-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқномасига таяниб иш тутдик. Ушбу малака тафсифлари йўриқномасига кўра касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг кўйидаги тоифалари тадқикот обьекти сифатида иштирок этдилар:

- бош ўқитувчи;
- етакчи ўқитувчи;
- капта ўқитувчи;
- олий маълумотли ўқитувчи;
- ўрта маҳсус маълумотли ўқитувчи.

Ўқитувчиларнинг малака тавсифларига кўра касбий фаолият на-моён этишларида таълим-тарбия жараёнида амалга оширишлари ло-зим бўлган лавозим вазифалари: ўқув ишлари, ўқув-услубий ва илмий ишлар, ташкилий-услубий ишлар, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар, бошқа мажбуриятлар, билиши лозим, малака талабларида акс этган. Ўқитувчиларнинг тоифалар бўйича ўсиб боришлари айнан бел-гиланган лавозимий вазифаларини бажара олиш имкониятларига кўра белгиланади. Бизнинг тадқикотимиз эса касб-хунар колледжларида ушбу малака талаблари асосида иш олиб бораётган ўқитувчиларнинг социал интеллектини ёритипга қаратилган. Биз айнан йўриқномадаги

кайд этилган талаблар касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг касбий камолот даражасини белгиловчи мезонлар сифатида олинди. Ўқитувчиларнинг лавозимий вазифаларидағи ўкув ишлари, ўкув услуги ва илмий ишлари, бошқа мажбуриятлари, малака талабларини бажаришда касб-хунар коллежининг маъмурияти, ўқитувчилар жамоаси, ўқитувчилари, ўкувчилари ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари билан муносабати, ҳамкорликдаги фаолиятидаги инсонларнинг тушуниши, уларнинг идрок эта олиши, муомала тақтларига риоя қилиши ҳамда социал муҳитга мослашувчанлик қобилиятини акс эттирувчи социал интеллектини намоён этишлари шубҳасизdir. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг касбий камолотида социал интеллектнинг ўрни масаласини тадқиқ этишга эътибор қаратмокчимиз. Тадқиқот методикаларини тағбиқ этишдан олинган эмпирик қийматлар бўйича таҳлилинизни навбатдаги бобларда атрофлича ёритишга харакат қиласиз.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Социал интеллект муаммоси психологияда ўзининг етарлича назарий-методологик базасига зга бўлса-да, у юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар ҳали ўзининг яқъол тавсияларини тақдим этган эмас.

2. Социал интеллект шахснинг инсонлар билан ўзаро муносабатга қобиллиги, юқори даражада мулоқотмандлиги, мулоқот вазиятларини таҳлил этувчанлиги, суҳбатдошнинг хулқ-автори, хатти-харакатлари, кечинмаларига нисбатан сезувчанлик қобилияти ва муносабатларни ташкил этувчи турли хил вазиятларга мослашувчанлик қобилияти тавсифланади.

3. Социал интеллектни экспериментал ўрганишда психологик тадқиқотларда тажрибадан ўтган методикалар ҳам борки, улар асосида бир шахснинг интеллектуал хусусиятларини бошқа шахснинг хусусиятлари билан боғлаб ўрганиш имконияти мавжуд.

4. Социал интеллектни шахснинг касбий фаолияти билан боғлиқликда ўрганиш психологик тадқиқотларнинг энг долзарб йў-

1-БОБ. Социал интеллектни ўрганишнинг назарий-методологик асослари

налишларидан биридир. Ушбу муаммони ҳар хил маданий мухитда, турли хил касбий камолот даражаси билан боғлаб ўрганиш янги илмий маълумотлар тақдим этади.

5. Касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг касбий фаолиятида социал интеллектнинг роли ватанимиз психологиясида янги тадқикот предмети сифатида илк бора ўрганилади.

2-БОБ.

ЎҚИТУВЧИ СОЦИАЛ ИНТЕЛЛЕКТИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЭМПИРИК НАТИЖАЛАРИ

- 2.1. Ўқитувчилар социал интеллектининг
умумий ҳолати**

- 2.2. Социал интеллектнинг касб-хунар
коллекти ўқитувчилари касбий
камолот даражасига (лавозимий
вазифасига) кўра шаклланганлиги**

- 2.3. Ўқитувчиларнинг социал ва
эмоционал интеллекти орасидаги
муносабатлар**

Социал интеллекктни тадқик этишнинг назарий таҳлилида келтириб ўтилган маълумотлар эмпирик натижаларни шарҳлашда методологик асос сифатида хизмат килиши хусусида мулоҳаза юритган эдик. Ўз навбатида ўқитувчилар социал интеллектини касбий камолоти билан боғлаб тадқиқ этиш бугунги кун психологиясининг дозарб муаммоларидан бири сифатида танлаб олинишида ҳам таълимтарбия жараённада педагог фаолият самарадорлиги касбий кўникма ва малакаларга мувофиқ ижтимоий тажриба, шахсларро муносабат кўникмалар, “субъект–субъект” муносабат тизимида ўз-ўзини назорат килиши, ҳамкаслар ва ўқувчиларни тушуниши, уларнинг кайфиятига мос муюмлани амалга ошириши диққат марказимизда бўлади. Тадқиқотимиз натижаларининг эмпирик таҳлилини кўйидаги параграфларда амалга оширамиз.

2.1. Ўқитувчилар социал интеллектининг умумий ҳолати

Социал интеллекктнинг илк ва ундан кейинги таърифлари мазмунидан унинг шахс ижтимоий тажрибаларининг шакллантирилганлиги ва социаллашувига хизмат қилувчи мухим кобилиятлар мажмуи сифатида изохланганлиги гувоҳи бўламиз. Ўқитувчининг касбий фаолиятида эришадиган ютукларида бундай кобилиятлар ва тажрибаларнинг ролини аниклашимиз асосида касб-хунар коллекцияларида тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг шахс ва мутахассис сифатида шаклланишларида социал интеллекктнинг ҳам роли катталигини кўришимиз мумкин.

Касб-хунар коллекжи ўқитувчиларининг социал интеллекти, эмоционал интеллекти, шахс типи, шахслилик хусусиятлари, аклий интеллеккт даражасининг умумий ҳолатини кўриб чикиб, сўнгра унинг

хусусий ҳолатларига тўхталишга ҳаракат қиласиз. Ўқитувчиларнинг социал интеллекти ва у билан ўзаро таъсирилашувда бўладиган шахслик хусусиятларининг ҳамда эмоционал интеллектининг умумий кўриниши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари социал интеллекти, эмоционал интеллекти, шахс хусусиятларининг умумий натижалари

Методика-лар	Шкалалар	X	y	t
Социал интеллектни ўрганиш тести	Мулокот иштироқчисининг хиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,51	0,92	35,9
	Новербал хулк-атворни тушуниш	3,44	0,99	32,8
	Вербал экспрессияни тушуниш	3,41	1,12	28,8
	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш	3,44	1,16	28,11

Ўқитувчи социал интеллектига хос бўлган турли хил хусусиятлар унинг касбий камолот жараёнидаги таъсирини аниқлашга хизмат қилишни назарда тутиш лозим бўлади. Назарий манбаларни ўрганишда баён этилган таҳлиллар асосида, хусусан, турли оиласидай муносабатларнинг бола социал интеллектига ривожланиши сингари, ўқитувчиларнинг касбий камолоти давомида намоён бўладиган социал интеллекти ўқувчилар ёки ҳамкаслар билан муносабатда ўзига хос ўрин тутишини эмплицид тақлиф этиш мумкин. Шунингдек, кейинги эмпирик кўрсаткичларнинг таҳлилида ҳам биз бир нарсани эътироф этиб ўтишимизга тўғри келадики, одатий ҳолатда ҳам инсоннинг ёши улғайган сари унинг касбий камолотида маълум миқдорда ўзгариш бўлиши, ҳаётий тажрибасининг ўсиши, ўз фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларини фарқлай олиши, фаолият натижаларини олдиндан башоратлаши мумкин.

Биз касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг социал интеллекти билан шахслик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрга-

нишдан олдин барча тоифадаги педагоглар шахсига хос хусусиятларнинг умумий кўринишини таҳлил этамиз. Кейинги таҳлилларимиз эса айнан социал интеллект билан шахслилик хусусиятларининг касбий камолотдаги аҳамиятига бағишиланади.

Касб-хунар коллежи ўқитувчилари социал интеллектининг умумий ҳолатини ўрганишда Дж.Гилфорд тестини татбиқ этишдан олинган қийматлар устида таҳлил амалга оширилади (1-жадвал).

Дж.Гилфорднинг тести бўйича ўқитувчиларнинг хулқ-авторни англаш қобилиятынни олдинги параграфда келтирилган стандарт баллар бўйича баҳолаймиз.

Ўқитувчиларнинг социал интеллекти даражаси таҳлили Дж.Гилфорд методикасининг тўртта субтестида кўзда тутилган, булар: мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш; новербал хулқ-авторни тушуниш; вербал имо-ишораларни тушуниш; шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этишдан иборат қобилиятилари орқали амалга оширилади.

Ўқитувчилар социал интеллектининг умумий шарҳига тўхталиб ўтгайлик. Биринчи навбатда уларнинг “мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилиятига мурожаат қилинади. Ўқитувчиларнинг бу шкала бўйича кўрсаткичлари 3,51 га тенг бўлди. Бу эса стандарт балл бўйича инсон хулқ-авторини ўртагачадан мсъёрдаги қобилиятиларидан юқорироқ эканлигини англатади. Ўқитувчилар касбий фаолият жараённада раҳбарият, ҳамкаслари, ўкувчилари ва атрофдаги бошқалар билан муомалада хулқ-автор оқибатини олдиндан кўра олиш қобилиятини шакллантиришган. Улар муомаладаги реал вазиятдан келиб чикиб, унинг нима билан яқунлашини баҳолай олишлари, баъзан баъзан одамлар билан кутилмаган, нотипик ҳолатларда хатти-ҳаракатларни прогноз қилишда янглишишлари мумкинилиги, қўйган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқа олишга хайриҳоҳликларини англатмоқда.

Ўқитувчиларнинг “новербал хулқ-авторни тушуниш” бўйича кўрсаткичи (3,44) эса уларни шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги муракқаб вазиятларни таҳлил эта олишга, улар

ривожланишини мантиқан тушуниш қобилиятини ривожлантиришга ҳамда мураккаб вазиятларда мулокот иштирокчилари иштирокига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятини ўстиришга имкониятлари борлигини кўрсатмоқда.

Социал интеллектда яна бир ўзига хослик вербал тарзда ифодаланаётган экспрессияларни тушуниш қобилиятидир. Бу борада ўқитувчилар социал интеллектининг умумий кўриниши 3,41 бўлиб, бошқа субтест натижаларига қараганда бир оз куйи киймат акс этган.

Бу эса ўқитувчиларнинг шахслараро муносабат характерига кўра бир-бири билан сухбатлашадиган инсонларни тез ва яхши тушунишга мойилликлари, мулокотда ҳар қандай инсонлар билан тил топишшиб кетишга имконлари борлигини кўрсатмоқда. Ўйлаймизки, ушбу қобилият ўқитувчилар учун нафакат инсонлар билан муносабат, балки фан доирасида ўқувчиларнинг билдирадиган фикр-мулоҳаза ва муносабатларига қараб ҳам уларнинг шахсига хос таърифлар бера олишларидан далолат бермоқда.

Социал интелектни баҳоловчи навбатдаги шкала “шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш” бўлиб, у бўйича ўқитувчилар 3,44 балл кийматига эга бўлдилар. Бу балл ўқитувчиларнинг новербал хулк-авторни тушуниш шкаласи билан бир хил қийматни акс эттиромоқда ва қуидаги психологик маънога эга бўлган ижтимоий қобилиятни ўзида акс эттиради: шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта олишга, улар ривожланишини мантиқан тушунишга, мураккаб вазиятларни мулокот иштирокчилари фаоллигига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятларини ўстиришлари мумкин.

Юкоридаги ўқитувчилар социал интеллектининг умумий ҳолатини сифат жиҳатидан таҳлил килиш учун методика шкалаларининг кўрсаткичлари ўргасидаги корреляцион муносабатларни аниқлашга эришилди. Кўлга киритилган натижалар қуидаги 2-жадвалда ўз аксини топган.

**Ўрта маҳсус маълумотли ўқитувчининг социал интеллекти кўрсат-
кичлари орасидаги корреляцион муносабати**

Шкалалар	Мулоқот иштироқчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулк-авторни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштироқчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,382**	0,131	0,153
Новербал хулк-авторни тушуниш	0,382**	1	0,024	0,294*
Вербал экспрессияни тушуниш	0,131	0,024	1	-0,151
Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш	0,153	0,294*	-0,151	1

Изоҳ: ** $p \leq 0.01$; * $p \leq 0.05$.

Ўқитувчилар социал интеллектининг умумий натижалари кийматлари ўртасидаги корреляция муносабатларида иккита аҳамиятли корреляция салмоқка эга коэффициентлар аниқланди. Улардан биринчиси, “мулоқот иштироқчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилияти билан “новербал хулк-авторни тушуниш” қобилияти орасида аниқланди: $r=0,382$, $p \leq 0.01$. Социал интеллеккт шкалаларининг бундай салмоқли корреляция коэффициенти ўқитувчиларнинг қасбий фаолиятида “мулоқот иштироқчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилиягини ривожлантириб боришлари “новербал хулк-авторни тушуниш” қобилияти ўсиши билан узвий бораётган экан. Бу эса қасб-хунар коллежи ўқитувчиларининг қасбий фаолиятда ўкувчи ва ҳамкаслари билан ўзаро муносабатларда хулк-автор оқибатини олдиндан кўра олиш, муомалада ресал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан яқунлашини баҳолай олишлари, кўйилган мақсаддага эришишида ўз режаларини пухта ишлаб чиқишилари, инсон хулк-авторини бошқариши, ролли месъёрлари ва

қоидаларига доир билим ва ўзаро таъсирлашуви, иштирокчилари билан боғлиқ новербал реакцияларда тұгри мүлжал ола билишлари туфайли инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлиши, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашга, мулоқот иштирокчиларининг новербал реакцияларини кузатувчанлигига, новербал экспрессияларга сезгирилкни, бошқаларни тушунишларига имкон берар экан.

Ўқитувчилардаги “новербал хулқ-авторни тушуниш” қобилиятнинг ривожланиши сабабли “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” қобилиятини яхшироқ намоён этишга олиб келар экан. Буни улар ўртасидаги корреляцион таҳлил қийматлари ифода этмоқда ($r=0,294$, $p\leq 0.05$). Бу икки қобилият орасидаги ўзаро ижобий корреляцион алоқадорлик қуидаги социал интеллектнинг ифодаловчи хусусиятлари камол тошишига олиб келади: ўқитувчиларнинг инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлишини, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашлари, новербал мулоқотга эътибор каратишлари ва мулоқот иштирокчиларининг новербал реакцияларига эътиборлилик, новербал экспрессияга сезгирилк ва бошқаларни тушунишнинг ривожланиши шахслараро вазиятларни яхши англашга қобилиятлигиги, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил этишлари, мулоқот иштирокчиларини иштирокига караб вазиятларни баҳолашлари шахслараро вазиятларни яхши англашга қобилиятлиликни, мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини иштирокига караб баҳолаш қобилиятларини ривожлантираётган эканлар.

Ўқитувчиларнинг социал интеллектини ўрганишта доир дастлабки миқдорий таҳлиллар (ўртача қиймат ва корреляция коэффициентлари) умумий ҳолат бўйича бўлиб, хусусий ҳолатлар, яъни касбий камолот даражаси бўйича навбатдаги параграфда ёритилади.

2.2. Социал интеллектнинг касб-хунар коллежи ўқитувчилари касбий камолот даражасига (лавозимий вазифасига) кўра шаклланганлиги

Навбатдаги эмпирик натижалар таҳлилида касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг лавозимий вазифалари (касбий камолоти) асоси-

да тўхталиб ўтамиз. Тадкикот объектлари тўғрисида тўхталганимизда ўқитувчиларнинг касбий камолотини уларнинг лавозимий вазифалари бўйича ишлаб чиқилган йўриқномага таяниб ажратганимиз. Шу сабабли Дж.Гилфорднинг “Социал интеллектни ўрганиш” тести натижаларини ўқитувчиларнинг тоифалари ёки касбий камолот дараҷаларига боғлик психологияк нуқтаи назардан ёритамиз (3-жадвал).

Ўқитувчилар социал интеллектининг тоифалари бўйича таҳлилида, нисбатан бўлса-да, фарқлар кузатилган дейиш мумкин. Ўртacha кийматларига кўра ўқитувчиларнинг социал интеллектидаги ўзига хосликни кузатиш мумкин.

Касб-хунар колледж ўқитувчилари орасида малака ва лавозими вазифасига кўра ўрга маҳсус маълумотли ўқитувчиси энг куйи камолот дараҷасини ифодалайди дейиш мумкин. Ушбу тоифа ўқитувчиларнинг социал интеллект шкалаварини бўйича кўрсаткичлари бошқа тоифаларнинг кийматларидан бир оз паст бўлди: мулоқот иштирокчисининг хиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш (2,59); новербал хулқ-атворни тушуниш (2,24); вербал экспрессияни тушуниш (2,63); шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш (2,78). Бу эса ушбу тоифа ўқитувчиларнинг социал интеллектини акс эттирувчи хусусият ва қобилияtlар стандарт баллга кўра ўртача даражани акс эттироқмокда. Бу ўрга маҳсус маълумотли ўқитувчиларни касбий фаолият жараёнида инсон хулқ-атворини англашга ўртачадан паст қобилияtlиликни кўрсатмоқда. Бу орқали ушбу тоифа ўқитувчиларда хулқ-атвор ва у билан боғлик харакатларни оқибатини ёмон тушуниш, тез-тез янгилишиш ва низоларга гушиб қолишилари, хавфли ҳолатларда ўз хатти-харакатлари ва бошқаларнинг харакатларини яхши тушунмасликлари, хулқ-атвор ва умум қабул қилинган қоидаларни яхши ориентирлай олмаслик; қарашлар ва имо-ишора орқали мулоқот қилишда укувсиз, мулоқотда сўзли маълумотларга алоҳида эътибор қаратегидан, сухбатдошни вербал харакатларни яхши илғамасликлари оқибатида сўзларини тушунишга ҳам қийналиш; ҳар хил маъноларни бир хилда қабул қилишга мойиллик, улар мулоқотдаги шерикларини гапини тушунишда қийналишлари ва ноўрин галириб қўйиш; шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил қилишда қийналиш, инсонлар орасидаги ўзаро муносабатларда мослашишга қийналиш хосдир.

З-жадвал

**Касб-хунар коллежи ўқитувчилари социал интеллектининг мута-
хассисликлар бўйича кўрсаткичлари**

Социал интеллект		Мулокот иштирок- чисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятлари- ни тушуниш	Новербал хулк- авторни тушуниш	Вербал экс- прессияни тушуниш	Шахсла- паро ўзаро таъсира- лашувни таҳлил этиш
Тоифалар					
Урта махсус маълумотли	X	2,59	2,24	2,63	2,78
	y	0,93	1,12	1,30	1,27
	t	-2,63*	-2,75*	0,459	0,359
Олий маълумотли	X	3,36	3,15	2,94	3,15
	y	0,83	0,89	1,02	1,21
	t	-2,63*	-2,75*	0,459	0,359
Катта ўқитувчи	X	3,06	2,57	3,12	2,95
	y	0,68	0,90	1,01	1,16
	t	-2,632*	-2,971**	2,955*	2,575*
Етакчи ўқитувчи	X	3,84	4,05	4,00	3,84
	y	0,68	0,77	0,57	1,06
	t	-2,632*	-2,971**	2,955*	2,575*
Бош ўқитувчи	X	4,05	4,57	4,00	4,00
	y	0,97	0,96	0,88	0,88
	t	1,00	2,406*	1,862	1,500

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, *** $p \leq 0,01$.

Ўқитувчиларнинг лавозимий вазифаларини ўзгариши билан эса уларнинг социал интеллект кўрсаткичларида ҳам ўсиш юз берганлиги аникланди. Олий маълумотли ўқитувчининг социал интеллекти кўрсаткичлари Ўрта махсус маълумотли ўқитувчининг қийматлари билан солиштирганда фарқ килди. Олий маълумотли ўқитувчи касбий фаолият жараёнида ўкувчилари, педагогик жамоа аъзолари, маъмурят билан мулокот ўрнатища, инсон хулк-авторини бошқариш, ролли месъёрлар ва қоидаларга доир билимларни бойитишида ва ўзаро таъсиралашуда иштирокчиларнинг новербал реакцияларда тўғри мўлжал ола билишда нисбатан устун эканлиги кузатилди: 2,58 ва 3,36; улар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $t=2,63$ бўлганда, яъни $p \leq 0,05$ даражага эга бўлди. Шунингдек, ушбу икки тоифа ўқитувчиларнинг новербал хулк-авторни тушунишга қобилиятлари бўйича ҳам фарқлар ишончлилиги аникланди, яъни 2,4 ва 3,15 бал-

ли, улар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $t=2,75$ бўлганда, яъни $p \leq 0,05$ даражани кўрсатди.

Катта ўқитувчилар билан етакчи ўқитувчиларнинг натижалари таққосланганда эса кийматлар ўртасидаги фарқлар анчагина эканлиги кузатилди. Етакчи ўқитувчилар катта ўқитувчига нисбатан социал муносабатларда, шахслараро ўзаро таъсирилашувда, педагогик тажрибанинг ўсиб боришида социал интеллект табиятига хос қобилиятлар ўсишини таъминлар экан. Натижаларнинг қиёси ҳам буни тасдиқлади: етакчи ўқитувчи муомаладаги реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан якунлашини баҳолашда, кўйилган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқа олишда, ўкувчиларнинг хулқ-атворини бошқаришда, ҳамкаслари билан муносабатларда меъёрлари ва қоидаларига доир билим ва ўзаро таъсирилашув иштирокчилари билан боғлиқ новербал реакцияларда тўғри мўлжал олишда қобилиятли ($3,06$ ва $3,84$ балли, улар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $t=-2,632$ бўлганда, яъни $p \leq 0,05$ даражани кўрсатди); таълим жараённада ва ҳаётий вазиятларда инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлиши, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашда, новербал мулокотга қобилиятлиликда ва мулокот иштирокчиларининг новербал реакцияларини тез илғашда, муносабатлар жараённадаги новербал экспрессияга сезигрликда, бошқаларни тушунишга имконининг яхши эканлиги билан ($2,57$ ва $4,05$ балли, улар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $t=-2,971$ бўлганда, яъни $p \leq 0,01$ даражани кўрсатди); шахслараро муносабатда сұхбатдошнинг тез ва яхши тушунишга мойиллиги, муомала ўрнатишда ҳар қандай инсон билан тил топишиб кетишга қобилиятлилиги ($3,12$ ва $4,00$ балли, улар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $t=-2,995$ бўлганда, яъни $p \leq 0,01$ даражани кўрсатди); улар шахслараро вазиятларни яхши англаш қобилияти, ўзаро таъсирилашувдаги мураккаб вазиятларни таҳлил этувчанлиги, мураккаб вазиятларни мулокот иштирокчиларини иштирокига қараб баҳолаш укуви билан ($2,95$ ва $3,84$ балл, улар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $t=-2,575$ бўлганда, яъни $p \leq 0,05$ даражани кўрсатди) ажralиб туришларни намоён этмоқда. Аммо шу ўрин-

да барча тоифа ўқитувчиларнинг жадвалдаги натижаларини визуал тарзда кузатганда айрим кўрсаткичлари, масалан, олий маълумотли ўқитувчиларнинг натижаларни етакчи ўқитувчиникига нисбатан юкорирок қийматни акс эттирганини кўриш мумкин: новербал хулк-авторни тушуниш (3,15 ва 2,57) ёки шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш (3,15 ва 2,95). Бу билан ўқитувчиларнинг касбий камолоти давомида социал интеллектнинг аҳамияти ўсиб борса-да, айрим ўринларда унинг баъзи жихатлари ўзининг индивидуал тарзда ўқитувчиларнинг турли тоифаларида юкори қийматни акс эттириши мумкин деган фикрни келтириб чикаради. Акс ҳолда социал интеллектнинг таркибий тузилмалари бир-бирининг ўзаро боғлик ривожланишини таъминлаши лозим бўлади. Бундай ҳолатларда ўқитувчи ўз педагогик фаолиятида шахслараро муносабатни ўрнатиши ва бошқариши, муомала вазиятларини тўғри таҳлил этиши, низоли вазиятлардан чиқиб кета олиши, ўқувчиларга шахс сифатида таъсири кўрсата олиши, сухбатдош фикрини ўқий олиши ва унга мос муомала маромини танлашига шубҳа қолмайди. Тадқиқотимизда кузатилган яна бир ҳолат етакчи ўқитувчи билан бош ўқитувчининг социал интеллект кўрсаткичларига ташқаридан назар солганда фарқларни акс эттираса-да, аммо статистик жихатдан тафовутлар кузатилмади (фақат новербал хулк-авторни тушунишда 4,05 ва 4,57 балл, улар орасидаги статистик фарқлар ишончлилиги $t = -2,40$ бўлганда, яъни $p \leq 0,05$ даражани кўрсатди). Аксинча уларнинг натижаларида визуал кузатилганда сезилар-сезилмас фарқлар бор: мuloқот иштирокчисининг хиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш (3,84 ва 4,05 балл); новербал хулк-авторни тушуниш (4,05 ва 4,57); шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш (3,84 ва 4,00). Бундан кўринадики, ўқитувчиларнинг касбий камолоти орасидаги яқинлик таъминлаб борилган сари улар ўртасида кескин фарқларни кузатиш бироз кийинчилик туғдириши ёки уларнинг социал интеллектига хос сифатларнинг ўзаро яқин ривожланишига эришилишини англалади.

Навбатдаги таҳлилларда ҳар бир тоифа ўқитувчининг социал интеллекти қийматларининг ўзаро муносабатини ўрганишга зътибор қаратилади. Бунинг учун ўқитувчиларнинг социал интеллекти

қийматлари орасидаги корреляция муносабатларини аниқлашдан олинган қийматлар изоҳланади.

Олий маълумотли ўқитувчининг социал интеллекти кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабатлар навбатдаги 4-жадвалда келтирилган.

Олий маълумотли ўқитувчилар социал интеллектининг корреляцион коэффициент натижалари биргина ижобий салмоқдаги қиймат билан чекланмоқда. Уларда новербал хулқни тушуниш билан шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш орасида ($r=0,538$, $p\leq 0.01$) аникланди. Бундай коэффициент олий маълумотли ўқитувчилар ўқувчилар билан муносабатларда уларнинг хатти-харакатларига алоҳида эътибор каратаётганликлари ва бу оркали уларга ўз таъсириларини ўтказишга мойил бўлишларини таъминлаётганлигини кўрсатмоқда. Қолган ҳолатларда эса бирор бир аҳамиятли корреляция коэффициенти кузатилмади.

4-жадвал

Олий маълумотли ўқитувчининг социал интеллекти кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

	Мулокот иштирокчисининг ҳиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулқ-авторни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш
Мулокот иштирокчисининг ҳиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,164	-0,187	-0,171
Новербал хулқ-авторни тушуниш	0,164	1	-0,212	0,538**
Вербал экспрессияни тушуниш	-0,187	-0,212	1	-0,116
Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш	-0,171	0,538**	-0,216	1

Изоҳ: ** $p\leq 0,01$.

5-жадвал

Катта ўқитувчининг социал интеллекти кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

	Мулокот иштирокчисининг хиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулк-авторни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш
Мулокот иштирокчисининг хиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,166	0,194	-0,004
Новербал хулк-авторни тушуниш	0,166	1	-0,351*	0,513**
Вербал экспрессияни тушуниш	0,194	-0,351*	1	-0,184
Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш	-0,004	0,513**	-0,284	1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Катта ўқитувчиларнинг социал интеллект қийматлари орасидаги муносабатларда эса янада ўзгачароқ ҳолат аниқланди (5-жадвал). Уларнинг кўрсаткичларида битта салбий ва биргина ижобий салмокли коэффициенти акс этди. Улардаги новербалл хулк-авторни тушуниш имкониятларининг ўсиб борганлиги, вербал муносабатлардаги тушунишнинг пасайишига сабаб олиб келаётган экан. Катта ўқитувчилардаги новербал хулкни тушуниш билан шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш орасида ($r = -0,351$, $p \leq 0,05$) ги коэффициент касбий фаолиятлари жараёнида новербалл экспрессияларга ортиқча эътибор беришлари ёки уларнинг визуал қобилиятни ривожланишга бўлган лаёқатларини ўсиб бориши ва вербал муносабатларга эътиборни сусайтирганликлари оқибати ҳам бўлиши мумкин. Бундан кўринадики, катта ўқитувчиларнинг фаолиятида вербал экспрессияларни ёки одатий ҳолда айтиладиган кочиримли сўзлар, илмоқли гаплар, макол ёки нақларнинг мазмунини идрок этишга дикқатларини каратишлари керак бўлади. Уларнинг иккинчи кўрсаткичлари новербал хулк-авторни тушуниш, имкониятлари ўза-

ро бир-бирига мувофиқ ривожланиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундан кўринадики, олий маълумотли ўқитувчилар сингари катта ўқитувчилар хам ўқувчилар билан муносабатларда уларнинг хатти-харакатларига алоҳида эътибор қаратадиганларни ва бу орқали уларга ўз таъсиirlарини ўтказишга мойил бўлишларини таъминлаётганинги кўрсатмоқда. Колган ҳолатларда эса бирор бир ахамиятли корреляция коэффициенти кузатилмади.

Тахлилнинг навбатдаги вакили етакчи ўқитувчилардир. Уларнинг социал интеллект тести бўйича қўйматлари орасидаги корреляция кўрсаткичларида бошқа тоифа педагогларга караганда анчагина ижобий салмоли қоэффициентлар аникланди.

Етакчи ўқитувчиларнинг ушбу кўрсаткичлари касбий фаолиятида социал интеллект ахамият кўрсата олган дейиш мумкин. Улар муомаладаги реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан якунлашини баҳолай олади.

6-жадвал

Етакчи ўқитувчининг социал интеллекти кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

	Мулокот иштирокчисининг хиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулк-авторни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсиirlашувни таҳлил этиш
Мулокот иштирокчисининг хиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,387*	0,340*	0,304*
Новербал хулк-авторни тушуниш	0,387*	1	0,123	0,544**
Вербал экспрессияни тушуниш	0,340*	0,123	1	0,380*
Шахслараро ўзаро таъсиirlашувни таҳлил этиш	0,304*	0,544**	0,380*	1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Улар ўкувчилар, коллеж жамоаси, ўкувчиларнинг ота-оналари ва раҳбарият билан кутилмаган, нотипик ҳолатларда ҳам муносабат ўрнатишида, ўкувчиларнинг хулқ-атворини бошқариш, қадр-киммат ва меъёрларга амал қилишлари, ўзаро таъсирашув ишгироқчилари билан боғлиқ новербал реакцияларда тўғри мўлжал ола билишларидаги ижобий қобилияtlарни намоён эта олсалар ($r=0,387$, $p\leq 0.05$.) уларда инсон кечинмаларини, максадини ва ҳолатини новербал на-моён бўлишини, мимикасини, позасини, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолай олишда, новербал мулокотга эътиборлилик, новербал экспрессияга сезигирлик, атрофдагиларнинг тана ҳаракати, қарашлар ва имо-ишора орқали мулокот қилишда укувли, мулокотда сўз орқали таъсир кўрсатишга алоҳида эътиборлилик, сухбатдошнинг новербал ҳаракатларини яхши илғай олишлари ва унинг сўзларини тушунча билан боғлаш қобилиятини таркиб топтиришга ($r=0,340$, $p\leq 0.05$.); шахслараро муносабатда сухбатдошнинг кечинма ва туйгуларини яхши тушуниш, муомала, мулокотда ҳар қандай инсон билан тил топиша олиш, ҳар хил маъноларнинг ўз мазмунига мувофиқ идрок этиши, муомаладаги шериклари галини осон идрок этиши ва тушунишда, сўзларни ўз ўрнида қўйиб сўзлай олиш қобилияtlарини ўстиришга; шахслараро муносабат вазиятларини яхши англашга қобилияtlиликни, таълим жараёнидаги инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта олишлари, вазиятлардаги кескинликлар ривожланишини мантиқан тушунишлари, шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил килувчанлик қобилияtlарини камол топтиришга эришишлари мумкин экан ($r=0,304$, $p\leq 0.05$.).

Шунингдек, етакчи ўқитувчидаги новербал хулқ-атворни тушуниш қобилиятининг ривожланишини таъминлашлари уларда шахслараро ўзаро таъсирашувни, сухбатдошларга сўз орқали таъсир кўрсатиш, таъсир натижаларини пайкаш, социал перцепция қоидаларига тўлақонли амал қилиш қобилиятини таъминлаши, ўзининг ва сухбатдошларнинг хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолаши ва назорат қилишдан иборат қобилиятни камол топтирганликларини ижтимоий тажрибанинг яна бир кўриниши сифатида қабул қилиш мумкин ($r=0,544$, $p\leq 0.01$.).

Социал интеллеккт тестининг бошқа шкаладари сингари вербал экспрессияни тушуниш қобилиятини камол тотиришлари етакчи ўқитувчиларнинг шахслараро ўзаро таъсирлашуви, ишда ўқувчиларга шахс сифатида таъсир эта олиши, ҳамкаслари билан эса самарали ҳамкорликка эришиши, улар атрофдагиларнинг кайфияти, темпераменти, мотивацияси ва ниятларини тез илғаш қобилиятига эга бўладилар ($r=0,380$, $p\leq 0.05$). Бундай қобилиятлар айнан етакчи ўқитувчиларнинг фаолиятида намоён бўлаётганлигини тадкиқотимиз натижалари тасдиқламоқда.

Шунингдек, бош ўқитувчиларнинг социал интеллеккти кўрсаткичларидаги корреляцион муносабатларда ҳам етакчи ўқитувчи сингари ижобий ва салмоқли коэффициентларни намоён этди (7-жадвал).

7-жадвал

Бош ўқитувчининг социал интеллекти кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

	Мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулк-авторни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳдил этиш
Мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,363*	-0,195	0,365*
Новербал хулк-авторни тушуниш	0,363*	1	0,362*	0,327*
Вербал экспрессияни тушуниш	-0,195	0,362*	1	0,314*
Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳдил этиш	0,365*	0,327*	0,214	1

Изоҳ: * $p\leq 0.05$, ** $p\leq 0.01$.

Бош ўқитувчиларда мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш қобилияти новербал хулк-авторни тушуниш ($r=0,363$, $p\leq 0.05$) ва шахслараро ўзаро таъсирлашувнинг таҳдил этиш қобилиятынинг ҳам ривожланишини таъминлашга

хизмат килаётган экан ($r=0,365$, $p\leq 0.05$). Бу бош ўқитувчиларнинг ўкувчиликанинги ютуқ ва камчиликларини тез илғаши, уларнинг машғулотлар вактида тортиниши, уялиши, кўрқаётгандагини новербал хатти-харакатлари орқали ва улар билан хулк-автор характеристига караб муносабат ўрната олиш қобилиятини камол топтирганликлари кузатилмоқда.

Бош ўқитувчиларда новербал хулк-автор ва вербал экспрессияларни тушуниш қобилиятларининг ўзаро алоқадорликда ривожланганини ($r=0,362$, $p\leq 0.05$) Г.Гарднер томонидан тақдим этилган “шахслараро муносабат интеллект” (социал интеллект) табиатига мос келмоқда. Унга кўра, бош ўқитувчилар ўзга инсонларнинг вербал ва новербал хулк-авторларини тўғри тушунишлари, гўёки “инсонларни ўқий олиш қобилияти”ни ифодаламоқда. Бу эса социал интеллект нинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Шу ўринда А.Алдер социал интеллект универсал, у ҳаётнинг ёки хулк-авторнинг маълум бир типига боғлиқ эмас, деган фикрни илгари суради. Аммо у чет кишилар эмас, оила, дўстлар, ҳамкаслар ҳакида сўз борганда ақлнинг фойдаланиш хусусиятидир. Биз яқин муносабатларда кўпроқ муаммоларга дуч келамиз, улар билан ўз туйғуларимизни баҳам кўрамиз, айнан, ушбу дамда социал малакалар мақсал ва ниятларимизга кўпроқ таъсир кўрсатади. Айрим ўринларда вербал экспрессияни тушуниш қобилиятининг ривожланиши “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳдил этиш” қобилиятининг ўсишига таъсир кўрсатади ($r=0,314$, $p\leq 0.05$). Бу эса бош ўқитувчиларнинг вакти келиб социал донишмандликка оид маълумотларни ўрганишга жазм эттириши ҳам шубҳасиз.

2.3. Ўқитувчиларнинг социал ва эмоционал интеллекти орасидаги муносабатлар

Биз социал интеллектга доир назарий манбаларни ўрганганимизда унга алоқадор бўлган иккинчи тушунча ҳам мавжудлиги ҳакида илмий холосалар борлигини таъкидлаган эдик. Ушбу таҳдиллар тадқикотимизда касб-хунар коллежи ўқитувчиларнинг социал интеллектини уларнинг касбий камолоти жараёнинг боғликлигини яна

бир жабҳадан ёритипига ундали. Бу социал интеллеккт туппунчасининг “қондоши” бўлган эмоционал интеллекктни ўқитувчилар мисолида ўзаро алокадорликда талқин этишга уринишdir. Эмоционал интеллекктни ўрганиш учун Н.Холлнинг “Эмоционал интеллекктни ўрганиш” тестини татбиқ этдик. Тест натижаларининг дастлаб умумий натижалари хусусида тўхталиб, сўнгра уни социал интеллеккт билан ўзаро алокадорликда ўрганишга харакат қиласиз. А.Алдер эмоционал интеллеккт хақида тўхталар экан, шахснинг муомалага қобилиятини IQ эмас, балки унинг эмоционал эквиваленти бўлган эмоционал интеллеккт (EQ)-ни энг муҳим кўрсаткич сифатида белгилайди.

Бугунги кунда эмоционал интеллекктни характерловчи бешта асосий элементни келтириб ўтиш мумкин:

- ўз эмоциясини билиш;
- ўз эмоциясини бошқариш;
- шахсий мотивациясини шакллантириш;
- бошқа инсонларнинг эмоциясини аниклаш;
- ўзаро муносабатларни бошқариш.

Энди асосий натижалар шарҳига мурожаат этайлик (8-жадвал). Агар эмоционал интеллекктнинг табиятига эътибор қаратилса, унинг социал интеллекктни тўлдирадиган томони борлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг эмоционал интеллектини татбиқ этилган тестнинг бешта шкаласига таяниб амалга оширамиз.

8-жадвал

Касб-хунар коллежи ўқитувчилари эмоционал интеллектининг умумий кўрсаткичлари

Эмоционал интеллекктни ўрганиш тести	Шкаладар	X	y
		14,71	2,748
	Эмоционал билимдонлик	13,03	10,41
	Уз эмоциясини бошқарниш	13,40	1,86
	Уз-узини рағбатлантириш	14,22	2,23
	Эмпатия	14,18	2,28
	Узга инсонларнинг кечинмаларини сезиш		

Касб-хунар коллежи ўқитувчилари эмоционал интеллектининг умумий натижалари учта шкаласи бўйича юкори ва иккита шкаласи

бўйича ўртacha натижани қайд этмоқда. Улардаги эмоционал билим-донлик (14,71 балл) юкори даражада эканлиги уларнинг инсон кечин-малари, шахслараро муносабатлардаги туйғуларни хис этиш, эмоционал интеллектнинг икки томони, яъни ўзининг эмоцияларини ту-шуниш учун интеллектуал бошқарувга ёки аксинча касбий фаолият жараёнида ижодий импульслар ва интуицияларни таъминлашда эмо-цияга зарурат борлигини англаш, инсон эмоциясининг вазифалари тўғрисидаги билимларга, иш жараёнида эмоционал барқарорлик ва бекарорлик, стрессли ҳолат, депрессия ва улардан чиқиш йўлларини излаш тўғрисидаги психологик ва ҳаётий тажрибадан боҳабарликла-рини англатади. Шу нарсани айтиб ўтиш лозимки, айнан эмоционал саводхонлик EQнинг муҳим жиҳати сифатида шахс хусусиятлари ва индивидуаллигига сингиб боради. Ўлаймизки, ўқитувчи эмоционал саводхонлигининг бу даражаси касбий фаолият жараёнида вужудга келадиган руҳий бузилишлар, эмоционал зўришилар. Ўқитувчи би-лан ўкувчилар ўзаро муносабатларини хиссий тушунишига назарий жиҳатдан етарлича тайёрганинги англатади.

EQнинг иккинчи кўрсаткичи “ўз эмоциясини бошқариш”. Бу шка-ла бўйича касб-хунар коллежи ўқитувчилари ўртacha қийматни намоённ этган бўлиб, унда ўқитувчилар эмоция тўғрисидаги назарий маълу-мотларни амалиётда жорий этишда бир оз ортда қолаёттаниклари, қийин вазиятларга дуч келтанды эмоционал зўришиларга берилиши, атрофдагиларни тушунишда асабийлашишлари мумкинлигидан да-полат бермоқда (13,03 балл). Балки бу ҳолат ўқитувчилик касбининг машакқатли меҳнат эканлиги оқибатидир.

Эмоционал интеллектнинг яна бир функцияси бу шахснинг руҳий кўтарикилигини қувватлаб туриш, унда ўзига ишонч туйғуси ва рағбатни таъминлашдан иборатdir. Ўқитувчиларнинг мазкур йў-налишдаги эмоционал жиҳатларини “ўз-ўзини рағбатлантириш” шкаласи қийматлари билан изоҳлашта тўғри келади. “Ўз-ўзини рағбатлантириш” шкаласидаги қийматлар ўртacha даражада билан чек-ланган (13,40 балл). Касб-хунар коллежи ўқитувчилари эмоционал интеллектининг ушбу жабхасида ҳам умумий респондентлар бўйича шахс эмоциясининг муҳим функциялари ва имкониятидан фойдала-

ниш йўл ва усулларини кўрсатиш лозим бўлади. Таҳлил этилаётган натижалар умумий бўлганлиги боис, ўқитувчиларнинг лавозимий вазифалари бўйича социал интеллект билан бўғлик ҳолати таҳлил этилаётганда янги маълумотлар билан тақдим этиши имконияти туғилади. Агар “ўз-ўзини рағбатлантириш” шкаласи натижаларига кўра ўқитувчининг эмоционал имкониятини ўз-ўзини рағбатлантириш, тушкунликлар, руҳий зўриқишлир ва кези келганда ютуқларга зришганда ҳам ундан етарлича қоникиш ҳосил килишининг психологик усулларини билиши керак.

Аммо навбатдаги “эмпатия” шкаласи қийматлари анча ижобийдир (14,22 балл). Эмпатия ўқитувчи касбий фаолиятини таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб, ўқитувчининг ўқувчиларни, ҳамкасбларини ва атрофдагиларни тушунишида муҳим аҳамият касб этади. Педагог амалиётда эмпатиянинг этишмаслиги низолар ва ўзаро тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатдан ўқитувчилар анчагина йирок дея оламиз. Назарий таҳлилларда эмпатия социал интеллектнинг асосий компонентлардан бири эканлиги тўғрисида сўз борганди.

“Ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш” шкаласи натижалари ҳам айнан эмпатияники сингари юкори қийматлидир (14,18 балл). Ўқитувчиларнинг социал интеллект тести натижаларида ҳам касбий камолотига кўра шахслараро муносабатларда ўзаро гушуниш, ўзга инсонларни кечинмаларини ҳис этиш, уларга ўз муносабатини билдира олиши, вербал ва новербал хулк-атворидаги ўзгаришларни баҳолашга қобилиятиликлари эмоционал интеллект натижаларида ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳар икки тест натижалари бир-бирига мос қийматларни акс эттира олган. Бу эса бизнинг муаммода кўзда тутилган маслани янада кенгроқ ўрганиш вазифасини юклади. Вазифани ҳал этиш учун эса касб-хунар коллекжи ўқитувчиларининг социал ва эмоционал интеллеклари ўртасидаги ўзаро муносабатларни лавозимий вазифаларига мувофиқ таҳлил этилди. Олдинги параграфлардаги таҳлиллар сингари ўқитувчиларнинг социал ва эмоционал интеллекти ўртасидаги ўзаро муносабатлари кўрсаткичлари барча боскичлар бўйича кўриб чиқилди. Натижаларда умумий қийматлар ўз аксини

тоғанлити учун, ўртача қиймат нұктай назаридан эмас, балки интеллектлар орасидаги ички муносабатлар корреляцион таҳлилига таянилди.

8-жадвал

Ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг социал интеллекти билан эмоционал интеллекти кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

Интеллект турлари ва шкалалари	Эмоционал интеллект					Ўзга инсоннинг кечинмалари ни сезиш
	Эмоционал битим-дөйнлик	Ўз эмоцияси-ни болқариш	Ўз ўзни парбатлантириш	Эмпатия		
Социал интеллект	Мулокот иштирокчисининг хиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,374*	-0,183	-0,049	0,339*	0,349*
	Новербал хулк-авторни тушуниш	0,144	-0,153	-0,055	0,287	0,145
	Вербал экспрессияни тушуниш	-0,338*	-0,298	0,009	0,203	0,307*
	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш	0,246	-0,139	0,279	0,223	-0,023

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг социал ва эмоционал интеллектлари қийматлари орасидаги корреляцион муносабатлар 8-жадвалда көлтирилган. Ушбу тоифа ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида социал ва эмоционал интеллекти ўргасидаги муносабатлар бўйича олтита салмоқли коэффициент аниқланди. Булар социал интеллект билан эмоционал интеллектнинг куйидаги шкалалари орасида кузатилди. Тадқикот натижаларига мувофиқ, ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг бугунги кунги касбий фаолиятида “мулокот иштирокчисининг хиссияти, фикри ва ният-

ларини тушуниш” қобилияtlарининг ўсиб боришга эътибор берганликлари “эмоционал билимдонлик”ни ($r=0,349$), “эмпатия”ни ($r=0,339$), “ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш” ($r=0,349$)га бўлган қобилияtlари камол топишини таъминлаши мумкинлигини ифодаламоқда. Ўйлаймизки, ҳар қандай қасб эгаси сингари педагог бўлиб иш бошлаган ўқитувчи ўзининг келажак истиқболи учун курашиши мумкинлиги, атрофдагилар билан ўзаро ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда ишлаш давомида инсонларни тушуниш, улар билан тил топиша олиш, бошқаларнинг эришган ютуқларидан ортда колмасликка, шарт-шароит ва муҳитга ўзини мослашишини таъминлашга интилиши юкорида келтирилган қийматларда мужассамлашмокда. Бунга эса уларнинг қасбий фаолиятининг дастлабки босқичларида ўкувчилар, ҳамкаслари ёки аторофдаги бошқа шахслар билан дуч келган зиддиятлари, низоли вазиятлари ва муаммолари сабаб бўлган дея оламиз.

Қасбий фаолиятининг дастлабки босқичларида ўқитувчиларда новербал хулқ-авторни тушунишга унчалик эътибор берилмас экан, бу социал интеллектнинг ушбу компоненти билан эмоционал интеллектнинг ҳеч бир жабхаси ўртасида ички муносабат шаклланмаганлиги эмпирик кўрсаткичларда кузатилмоқда. Ҳатто бу ҳолатни уларнинг “вербал экспрессияни тушуниш” қобилияти билан “эмоционал билимдонлик” ўртасидаги салбий корреляция коэффициенти ҳам тасдиқламоқда ($r=-0,338$). Натижалардан кўринадики, ўрта маҳсус маълумотли ўқитувчиларда ўкувчилар билан психологияк ишлашлари учун социал ва эмоционал интеллектнинг ҳали бир қатор жиҳатлари, хусусан, эмоционал билимдонлик, ўз эмоциясини бошқариш, тушкунлик ҳолатларида ўзини ҳиссий жиҳатдан рағбатлантириш, шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш, ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш бўйича социал кўникмаларни камол топтириш зарур бўлади. Оддий тил билан айтганда, бу ҳолат мазкур тоифа ўқитувчиларида ижтимоий кўникма ва малакалар ўрнида ёшлиқдаги жўшқинлик, етук ёшдагиларида эса психологияк саводхонлик ва педагогик муомала маҳоратлари етишмаётганлигидан далолат беради.

9-жадвал

Олий маълумотли ўқитувчининг социал интеллекти билан эмоционал интеллекти кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

Интеллект турлари ва шкалалари	Эмоционал интеллект				
	Эмоционал билим-донник	Ўз эмо-циясини бопкариш	Ўз-ўзинни рагбатлантириш	Эмпатия	Ўзга инсо-нларнинг кечинмаларини сезиш
Социал интеллект	Мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,456*	0,357*	0,186	0,341*
	Новербал хулк-авторни тушуниш	-0,077	0,181	-0,182	0,130
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,290*	0,174	0,017	0,336*
	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш	0,428*	0,106	-0,134	0,551**

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Психологик таҳлилнинг навбатдаги вакили олий маълумотли ўқитувчининг социал ва эмоционал интеллектлари орасидаги муносабатлар кийматлари 9-жадвалда келтирилган.

Олий маълумотли ўқитувчиларнинг социал ва эмоционал интеллектининг ички муносабатларида ўзига хос бўлган ҳолат кузатилди. Уларнинг ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларга нисбатан касбий фаолиятга доир билимларни академик билим доираси нуктаи назаридан ўзлаштириши, гурӯхий муносабатларда таълим-тарбия мухитининг юқори поғонаси (олий ўқув юрти)да таълим олганлиги, унинг лавозимий вазифалари, билиши лозим бўлган, малака талаблари жиҳатидан ҳам ажралиб туриши билан изоҳласа бўлади. Аслида буни жадвалдаги кийматлар орқали таҳлил этиш янада ижобийрок мулоҳазаларни тақдим этиши шубҳасиз.

Катта ўқитувчининг социал интеллекти билан эмоционал интеллекти кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат қийматлари

Интеллект турлари ва шкалалари	Эмоционал интеллект					Ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш
	Эмоционал билим-донник	Ўз эмо-циясини бошқариш	Ўз ўзинни рагбаглантириши	Эмпатия		
Социал интеллеккт	Мулоқот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,332*	0,379*	0,144	0,431*	0,420*
	Новербал ҳулк-авторни тушуниш	0,376*	-0,322*	-0,043	-0,072	0,173
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,335*	0,356*	0,149	0,481**	0,435*
	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	-0,092	-0,172	-0,166	0,427*	0,342*

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Олий маълумотли ўқитувчиларнинг “мулоқот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” кобилиятини камол топтиришлари ўз навбатида эмоционал билимдонлик ($r=0,446$), ўз эмоциясини бошқариш ($r=0,357$), эмпатия ($r=0,341$); вербал экспрессияни тушуниш қобилиятларида ўсишга эришишлари эмоционал билимдонлик ($r=0,290$), эмпатия ($r=0,336$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,370$) билан; шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш қобилиятлари эса эмоционал билимдонлик ($r=0,428$), эмпатия ($r=0,551$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,481$) билан мувофиқликда камол топаётгандиги акс этиб турибди. Аммо ушбу тоифа ўқитувчилари касбий камолоти учун социал ва эмоционал интеллеккт компонентлари орасида новербал

хүлк-атворни тушуниш қобилияти, ўз эмоциясини бошқариш, ўз-үзини рағбатлантириш, ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш қобилиятларини ривожлантиришта зътибор қаратмасалар бўлмайди. Улар шу орқали айнан педагогик фаолиятларида вужудга келётган қийинчиликларни ҳал этипига хизмат қилувчи социал қўникма ва тажрибаларни намоён эта оладилар.

Бу борада катта ўқитувчиларнинг касбий фаолиятидаги психологик профилита 10-жадвалда келтирилган қийматлар орқали ўрганишга зътибор қаратилди.

Жадвалдаги қийматларга назар ташлашнинг ўзидаёқ олдинги тахлилларга караганда ижобий салмоққа эга бўлган коэффициентлар кўплиги аён бўлади. Буни ҳам ўқитувчиларнинг касбий фаолиятидаги, социал ва эмоционал интеллектидаги ўсиш, социал мухитнинг, касбий ва ижтимоий тажрибанинг ўсиши, шахснинг камолотига ҳам боғлиқдир, дейиш учун асос бўлади.

Катта ўқитувчиларнинг “мулоқот иштирокчисининг ҳиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилияти эмоционал билимдонлик ($r=0,332$), ўз эмоциясини бошқариш ($r=0,379$), эмпатия ($r=0,431$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,420$) билан; “новербал хулк-атворни тушуниш” қобилиятлари эса эмоционал билимдонлик ($r=0,376$); “Вербал экспрессияни тушуниш” эмоционал билимдонлик ($r=0,335$), ўз эмоциясини бошқариш ($r=0,356$), эмпатия ($r=0,481$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,435$) билан; “шахслараро ўзаро таъсирлапувни таҳтил этиш” эмпатия ($r=0,427$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,342$) билан уйғун камол топаётганилигини кўрсатмоқда. Кўрсаткичлар катта ўқитувчиларнинг касбий ўсишида социал ва эмоционал интеллект ўзаро боғликлиги акс этишида лавозимий вазифаларни, малакавий талабларини мақсаддага мувофик бажарипла-рида асосий омиллар сифатида хизмат килмоқда дейиш мумкин. Бирок ушбу тоифа ўқитувчиларнинг социал ва эмоционал интеллектлари орасида айрим ривожлантиришни такозо этадиган ҳолатлар мавжуд. Катта ўқитувчиларда касбий фаолиятдаги руҳий зўриқишилардан ҳоли ва ютуклардан мамнун бўлишда, стресс ва депрессия ҳолатларини бар-тараф этишда ўз-ўзини рағбатлантириш қобилиятларини шаклланти-

ра олмаганлар, таълим-тарбия жараёнида шахслараро таъсирлашувни таҳлил қилишдаги эмоционал билимдонликнинг етишмаслиги, ўз-ўзини бошқаришнинг етарлича шаклланмаганлиги ўкувчилар, педагогик жамоа аъзолари билан муносабатларда англашилмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Катта ўқитувчилардаги новербал хулқ-атворни тушуниш қобилияти билан ўз эмоциясини бошқариш ўртасидаги салбий корреляция коэффициенти улар инсоннинг новербал хулқига хос ҳатти-харакат элементларини тўғри англай олмаганликлари оқибатидир. Катта ўқитувчиларнинг социал ва эмоционал интеллекти кўрсаткичларини касбий фаолиятда самаралироқ кўллашлари учун таҳлилда кўрсатилган камчиликларни бартараф этишларига тўғри келади.

Социал ва эмоционал интеллект ўртасидаги муносабатлар масаласи етакчи ўқитувчилар касбий фаолиятида қандай ўрин тувишини навбатдаги психологик шарҳларимизда ёритиб ўтамиз (11-жадвал).

Етакчи ўқитувчиларнинг зришган ютуқларини куйидаги холатлар ҳамда жадвалда келтирилган миқдорий қийматлар ёрдамида кўриб чиқамиз. Етакчи ўқитувчилар касбий фаолиятида социал ва эмоционал интеллектнинг ўзаро боғлиқ ривожланганлиги ёритиб ўтилган бошқа тоифа педагогларнидан анча фарқ қилмоқда. Бу етакчи ўқитувчининг касбий фаолиятидаги белгиланган лавозимий вазифаларнинг анча кенглиги, пухталиги ва юкорилиги турфайли мутахассислар ўзларини шунга мувофиқ камол топтиришга интилишлари оқибати бўлиши шубҳасиз. Миқдорий қийматларда етакчи ўқитувчилардаги “мулоқот иштирокчисининг хиссиети, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилияти эмоционал билимдонлик ($r=0,359$), ўз эмоциясини бошқариш ($r=0,380$), ўз-ўзини рағбатлантириш ($r=0,303$); эмпатия ($r=0,350$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,450$) билан; “новербал хулқ-атворни тушуниш” қобилиятлари эса эмоционал билимдонлик ($r=0,345$), эмпатия ($r=0,332$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,338$) билан; “вербал экспрессияни тушуниш” эмоционал билимдонлик ($r=0,307$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,410$) билан; “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” эмоционал

билимдонлик ($r=0,299$), ўз эмоциясини бошқариш ($r=0,291$), эмпатия ($r=0,375$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,470$) билан мосликда таркиб топғанлыгини күрсатмоқда.

11-жадвал

Етакчи ўқитувчининг социал интеллекти билан эмоционал интеллекти күрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

	Интеллект турлари ва шкаладари	Эмоционал интеллект				
		Эмоционал билим-дөнлигі	Ўз эмоциясини бошқариш	Ўз ўзини ратбаглантириши	Эмпатия	Ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш
Социал интеллект	Мулокот иштирок-чисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,359*	0,380*	0,303*	0,350*	0,450*
	Новербал хулк-атводни тушуниш	0,345*	-0,450*	-0,146	0,332*	0,338*
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,307*	0,095	-0,458**	0,174	0,410*
	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш	0,299*	0,291*	-0,093	0,375*	0,470**
	<i>Изоҳ:</i> * $p \leq 0,05$. ** $p \leq 0,01$.					

Етакчи ўқигувчиларнинг касбий фаолиятида социал ва эмоционал интеллектлари компонентлари орасидаги ўзаро үйғунылук таъминланганлыгининг сифат жиҳатдан бошқа тоифаларницидан тафовутланиши касбий камолотга эришишга интилиш, лавозимий вазифаларни бажаришга талабчанлик ва уларга эришишда педагогнинг қатъият, сабр-тоқат ҳамда фаол меҳнат қилиши маҳсулидир. Уларнинг оқибатида эса етакчи ўқитувчилар колледж жамоаси, раҳбарият, ҳамкаслари, ўкувчилар ва уларнинг ота-оналари олдидағи социал статуси, обрў-эътиборининг ўсиши ва касбий камолот пилапояла-рини мақсадли босиб ўтиши таъминланади.

Бош ўқитувчиларнинг тадқиқ этиши натижалари навбатдаги 12-жадвалда келтирилган. Бош ўқитувчилар касб-хунар колледжида-

ги ўқитувчилар тоифасининг лавозимиий вазифасига кўра энг юкори босқичи соҳиблари ҳисобланади. Олинган миқдорий кўрсаткичларга мурожаат қилиб кўрайлик.

Бош ўқитувчиларнинг социал ва эмоционал интеллектлари орасидаги ўзаро ҳамоҳанглиқда ривожланиши етакчи ўқитувчиларни сингари кўриниш олган дейиш мумкин. Аммо айрим компонентлари ўртасида мосликнинг йўқлиги касбий фаолиятга бўлган муносабатларни англатувчи психологик омилларга боғлиқдир.

12-жадвал

Бош ўқитувчининг социал интеллекти билан эмоционал интеллекти кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

Социал интеллеккт	Интеллеккт турлари ва шкалалари	Эмоционал интеллеккт				
		Эмоционал билимдонлик	Ўз эмоциясини бошқариш	Ўз-ўзини рагбаглантириш	Эмпатия	Ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш
	Мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,387*	0,311*	-,096	0,322*	0,371*
	Новербал хулк-атворни тушуниш	0,315*	0,052	0,219	0,446*	0,332*
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,426*	0,541**	0,255	0,160	0,112
	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳдил этиш	-0,213	0,142	-0,223	0,441*	0,374*

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Бош ўқитувчиларнинг социал ва эмоционал интеллекти бўйича олинган миқдорий қийматлар қуидаги психологик сифат таҳдилини ўзида акс эттирган:

“мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” кобилияти эмоционал билимдонлик ($r=0,387$), ўз эмоциясини бошқариш ($r=0,311$), эмпатия ($r=0,322$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,371$) билан; “новербал хулк-атворни тушуниш” кобилиятлари эса эмоционал билимдонлик ($r=0,315$), эмпатия ($r=0,446$),

ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,332$) билан; “вербал экспрессияни тушуниш” эмоционал билимдонлик ($r=0,426$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,541$) билан; “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” эмпатия ($r=0,441$), ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш ($r=0,374$) билан мувофиқликда ривожланган.

Бош ўқитувчи ўйрекномада ўқитувчиларнинг лавозимий вазифасига кўра касб-хунар коллежида энг юкори даражада саналади. Бундай даражага эришган ўқитувчининг касбий фаолияти камолотида ўсиш билан бир қаторда фаолият мотивларида ҳамда педагогнинг эришиши лозим бўлган фаолиятининг якуний боскичи эканлиги ҳам бир оз бўлса-да ижтимоий кўникма ва малакаларни шакллантиришларида пасайишни келтириб чиқарган бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолатни бир жиҳатдан К.Левин ва Б.В.Зейгарник томонидан илгари сурилган фаолият эфектига, яъни “фаолиятни якунланганлик характеристери мотивацияни янада тўлақонли таъминланишида пасайишни келтириб чиқарувчи” эфектига боғлик дейиш мумкин. Бу эса бош ўқитувчиларнинг касбий камолотини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимидағи педагогик ҳодимларнинг юкори лавозим вазифаларига ўшишларини таъминловчи талабларга йўналтиришга эҳтиёж туғдиради. Шу тарзда бош ўқитувчилар фаолиятига янгилик олиб кириш уларнинг касбий ва шахсий камолотини таъминлаш учун муҳим бўлган социал тажрибаларни бойитишга зарурат ҳосил қиласди ва уни амалга оширишда шахсий масъулиятларини оширади.

Бизнинг касб-хунар коллежи ўқитувчилари касбий камолотида социал интеллектнинг роли ва аҳамиятини ўрганиш бўйича тадқиқотларимиз муаммони ёритишининг бир ногонаси эканлиги гувоҳи бўлдик. Бу эса ушбу йўналишда амалга оширилган тадқикот натижалари таҳлили юзасидан бир қатор хуносаларни чиқаришга имкон берди. Бирор касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг касбий камолотида социал интеллектнинг ўрни бўйича янги илмий маълумотларни тақдим этувчи ҳамда тадқиқот мақсад, вазифалари ва илмий фаразида кўзда тутилган шахслик омилини ўрганишга ҳам даъват этмоқда. Бу борадаги эмпирик маълумотлар таҳлилини монографиянинг кейинги бобида амалга оширамиз.

Иккинчи боб бўйича хуносалар

1. Касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг касбий камолотида социал интеллектнинг ўзига хос ўрни мавжуд, аммо у мутахассисларнинг лавозимий вазифалаорига кўра тафовутланади. Бунга сабаб ўқитувчиларнинг касбий камолотига йўналтирилган лавозимий вазифалар, малакавий талабларнинг ўсиб борганилиги ҳамда ижтимоий тажрибаларнинг шаклланганлигидир.

2. Ўқитувчилар социал интеллектининг касбий камолотдаги ролини кўрсаткичларнинг умумий ҳолати бўйича аниқлаш қийин. Тафовутлар ўқитувчиларнинг лавозимий вазифаларига караб намоён бўлди.

Ўқитувчилар лавозимий вазифаларининг ўзгариши билан эса уларнинг социал интеллект кўрсаткичларида ўсиш кузатилди. Олий маълумотли ўқитувчи касбий фаолият жараёнида ўқувчилари, педагогик жамоа аъзолари, маъмурият билан мулокот ўрнатишда, инсон хулк-авторини бошқариш, роҳли меъёрлари ва қоидаларга доир билимни бойитишида ва ўзаро таъсирлашувда иштирокчиларнинг новербал реакцияларида тўғри мўлжал олишди. Бу эса ўқитувчилар лавозим вазифаларининг юкори боскичига социал интеллектга хос бўлган шахслараро муносабат иштирокчиларни, уларнинг всербал ва новсрбал экспрессияларини тушуниш ва шахслараро муносабатда иштирокчиларга таъсир кўрсатиш қобилиятлари ўсиб борганилигини кўрсатади.

3. Ўқитувчиларнинг касбий камолоти орасидаги якинлик таъминлаб борилган сари улар ўртасида қескин фаркларни кузатиш бироз кийинчилик туғдириши ёки уларнинг социал интеллектига хос сифатларнинг ўзаро якин ривожланишига эришилишини кўриш мумкин.

4. Ўқитувчилар касбий камолотининг юкори боскичига эришганда ўсиш билан бир қаторда фаолият мотивларида ҳамда педагогнинг эришиши лозим бўлган фаолиятининг якуний боскичи эканлигидан келиб чиқкан ҳолда бир оз бўлса-да ижтимоий кўнікма ва малакаларни шакллантиришларида пасайишни келтириб чиқарар экан.

5. Ўқитувчилар касбий камолотида социал интеллект роли фаолиятнинг ўсиши билан бир қаторда шахслик омилларига ҳам боғлиқидир. Бу эса навбатдаги тадқиқотларни амалга оширишга йўналтиради.

3-БОБ.

ЎҚИТУВЧИЛАР ШАХСЛИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СОЦИАЛ ИНТЕЛЛЕКТ МУТАНОСИБИЛИГИ

- 3.1. Ўқитувчиларнинг шахслилик типлари
ва социал интеллекти**

- 3.2. Ўқитувчиларнинг шахслилик
хусусиятлари билан социал
интеллекти муносабатлари**

- 3.3. Касб-ҳунар коллежи
ўқитувчиларининг фан соҳаси
бўйича социал интеллекти
хусусиятлари**

3.1. Ўқитувчиларнинг шахслилик типлари ва социал интеллекти

Тадқиқотимиз давомида кўлга киритилган амалий натижаларнинг яна бир жиҳати шундаки, унда касб-хунар коллежи ўқитувчилари социал интеллектининг касбий камолотдаги аҳамиятини белгилашда шахслилик тамойилига таянилди. Шахс ўз навбатида фаолият самарадорлигини таъминловчи субъектив омил сифатида муҳим хусусиятларни намоён этади. Ўқитувчи социал интеллектининг маълум жабҳалари эса шахслик хусусиятлари билан уйғунлашувни такозо этади. Бу эса социал интеллект замиридаги ўзга инсонларни тушуниш, социал тажриба ва бир жиҳатдан шахснинг типларига хос хусусиятлар билан боғлиқ. Психология оламининг таникли вакилларидан К.Г.Юнгнинг инсонларни типларга ажратишдаги классификациясида экстравертилек ва интровертилек асосида ҳам катта психологик аҳамиятга эга бўлган мазмун ётади. Биз куйида ушбу типларнинг кискача шарҳини беришга ҳаракат қиласиз:

Экстраверсия – “ичкаридан ташкарига йўналтирилган” деган маънени англатиб, бу типга мойил шахслар кўпроқ одамлар ичидаги бўлишни ёқтиришади, ўз кечинмаларини кўпроқ атрофдагилар билан баҳам кўради. Мулоқотга киришувчан, танишлар доираси кенг. Баъзи ҳолларда жиддийлик етишмайди. Одамларнинг тез ишончини қозона олади ва, шунингдек, тез хафа килишга ҳам мойил.

Интроверсия – “ташқаридан ичкарига йўналтирилган” деган маънени англатиб, бу типга хос шахслар оғир, вазмин, кўнгли нозик, бепарво, дўстлик коидаларига катъий амал қиласиган, мулокот доиралари чекланган, тортинчок, кўпроқ ўзларининг ички дунёлари

билин банд ва ёлғизликни ёқтирадиган шахслар. Таърифдан кўринаядики қайси типга мансуб шахслар социал алоқаларга, шахслар аро муносабатни ижобий ташкил этадиган, ижтимоий мухитга тез мослаша оладиган инсонларни пайкаш мумкин. Ўқитувчиларнинг шахслик типларини аниқлашда Г.Ю.Айзенкнинг “Экстраверсия—интроверсия ва невротизмни аниқлаш” сўровномасидан фойдаландик. Уларнинг қайси шахс типига мансублигини қуидаги 13-жадвалдаги кийматларда кўриш мумкин.

13-жадвал

Касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг шахс типлари бўйича мансублиги қийматлари

Ю.Айзенк методикаси	Шкалалар	X	y
	Экстраверт	17,63	1,97
	Интроверт	11,13	1,59
	Невротизм	13,65	1,58
	Сохталик	3,75	0,98

Сўровнома натижаларини амалга қабул қилиш учун респондентларнинг жавоби холислигини англатувчи “сохталик” шкаласига таянамиз. Сўровнома талабларига кўра мазкур шкала киймати тест меъёридагидан кичик, яъни меъёрга кўра 5 балл атрофидаги киймат холисликка эга. Ушбу шкала натижаси ҳам (3,75) таҳлил этиш ваколатини беради. Энди асосий шкалалар таҳлилига эътибор қаратамиз.

Ўқитувчиларнинг экстраверсия типига мансублари меъёрдаги ҳолатда экан (17,63). Бу ўқитувчиларнинг экстравертилкка мансублари муроҷотманд, инсонлар орасида бўлишни ёқтирадиган, фаол, ўз туйғуларини очиқ ифода эта оладиган, вазиятларга тез мослашувчан эканликларидан далолат бермоқда. Шунингдек, ушбу типдагиларнинг социал тажрибаларни ўзлаштиришга хайриҳоҳликларини сўровноманинг натижаларидан билиб олиш мумкин. Ушбу натижага кўра уларнинг невротизм шкаласи қиймати (13,65) шахснинг асаб тизимида зўрикишлар учраб туриши ва уни бошқариш имкониятига эга эканликларини кўрсатмоқда.

Тадқиқотимизда интроверт типига мансуб ўқитувчиларнинг кийматлари (11,13) уларнинг анча вазмин, асаб тизимини башкариш имкониятига эгалитеттеридан далолат беради. Аммо бизнинг максадимиз ўқитувчиларнинг шахслик типларини эмас, балки типнинг социал интеллект шаклланишидаги таъсирини анықлашдан иборат зди. Шунинг учун натижаларни шахс типи ва социал интеллект мұнасабатларини ўқитувчиларнинг лавозимий вазифалари асоцида ёритишга ҳаракат қылдик.

Ұрта маҳсус маълумотли ўқитувчилар социал интеллектининг шахс типлари билан боғлиқларини қуидагича изохлаймиз (14-жадвал).

14-жадвал

Ұрта маҳсус маълумотли ўқитувчининг социал интеллекти билан шахс типлари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион мұнасабат

Интеллект	Типлар	Шахс типлари		
		Экстраверт	Интроверт	Невротизм
Социал интеллект	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,355*	0,020	-0,582(**)
	Новербал хулк-авторни тушуниш	0,092	0,337*	-0,342*
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,323*	0,152	-0,352*
	Шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳдид этиш	0,148	0,182	-0,124

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Утбу тоифа ўқитувчиларнинг социал интеллектига хос қобилиятыларда шахс типи билан ҳосил қилинган салмоқлы корреляция коэффициентларida қуидаги манзарани кузатиш мүмкін, яъни мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш экстраверт ўқитувчиларда ўзаро боғлиқлик ҳосил қила олган ($r=0,355$)

ва ўз навбатида бу уларнинг касбий фаолиятида кузатилиши мумкин бўлган руҳий бузилишлар пасайишига имкон яратар экан ($r=-0,582$). Новербал хулк-атвони тушунисидаги интроверт ўқитувчилар экстраверталрга караганда анча сезгир ва кузатувчан бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Ўз навбатида улардаги невротизмнинг пасайишида ҳам ўқитувчининг кузатувчанлиги, ҳатти ҳаракатларни, новербал муносабат усусларини тушуниш имкониятини келтириб чиқарап экан ($r=0,342$,). Улардаги вербал экспрессияга қобилиятнинг мавжудлиги ва унинг ривожлантирилиши эса экстраверт типида яққолрок акс этиши ($r=0,323$,) ва ўзини руҳий жиҳатдан бошкариш, ортиқча асабий бузилишлардан ўзини халос этар экан ($r=-0,352$).

Олий маълумотли ўқитувчиларда эса шахс типи билан социал интеллект муносабатларидаги ўзига хосликни куйидаги таҳлилий натижалар ўзида мужассамлаштирган (15-жадвал).

15-жадвал

Олий маълумотли ўқитувчиларнинг социал интеллекти билан шахс типлари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

Интеллект	Типлар	Шахс типлари		
		Экстроверт	Интроверт	Невротизм
Социал интеллект	Мулоқот иштироқчи сининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,386*	0,219	-0,425**
	Новербал хулк-атвони тушуниш	0,368*	0,331*	-0,428**
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,373*	-0,190	0,235
	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш	-0,223	0,419*	0,093

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

“Мулоқот иштироқчи сининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилияти ўрта маҳсус маълумотли ўқитувчиларнинг кўрсаткичлари сингари ҳолатни намоён этди, яъни бу шахс типидаги ўқитувчилар мулоқот иштироқчиларининг хиссиётларини, бил-

дираётган фикр ва ниятларини осон илгайдилар ($r=-0,352$), бу эса мулоқот позицияларини тўғри ташкил этиш имкониятини беради. Ўйлаймизки, улардаги бу қобилият таълим жараёни ва кундалик турмушда ҳам шахслараро муносабатда кўзда тутилган максадларни амалга оширишни ижобий ҳал этиш учун хизмат қиласи. Окибатда эса асаб тизимида ортиқча зўриқиши, кайфиятнинг пасайиши, стресс ва бошка руҳий тарангликлардан ҳалос бўладилар ($r=-0,425$).

Олий маълумотли ўқитувчиларнинг новербал хулк-авторларини тушуниш қобилиятининг мавжудлиги экстраверт ($r=0,368$) ва интроверт ($r=0,331$) ўқитувчиларга ҳам хос экан. Бундай қобилияtlар ушбу тоифадаги ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида анча кўл келади ҳамда уларнинг ўқувчилар ва ҳамкаслари билан ўзаро муносабатида, ҳамкорлик фаолиятида кўл келади. Социал интеллектга хос ҳусусиятларнинг бу тарзда шахс типлари билан ўйғунлашуви нерв тизимининг меъёрда ишлашини таъминлар экан ($r=-0,428$).

Олий маълумотли ўқитувчиларнинг экстраверт типидагилари вербал экспрессияни тушуниш қобилияtlарини интровертларга нисбат яхшироқ ўзлаштира олган эканлар ($r=0,373$). Уларнинг интровертлари эса бу ҳолатдан фарқли ўлароқ шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳдил этишда экстраверт ҳамкасларидан яхшироқ шакллантирган эканлар ($r=0,419$). Ўйлаймизки, олий маълумотли ўқитувчиларнинг шахс типлари шахслараро муносабатни ташкил этиш усулларини ўзларининг педагогик маҳоратлари билан ўйғунлаштиришни бир оз бўлса—да таъминлай олганлар.

Катта ўқитувчилик лавоизимидағиларнинг социал интеллекти ва шахс типлари муносабатида олдинги икки тоифа тадқиқот обьектларига хос бўлган қийматларнинг тенденциялари кузатилиши билан бир каторда мазкур тоифадаги ўқитувчиларнинг ўзига хосликларини акс эттирувчи миқдорий қийматлар ҳам кузатилди (16-жадвал).

Ушбу тоифа ўқитувчиларнинг экстраверт типдагилари мулоқотни синчковлик билан олиб боришлари, сухбатдошнинг ҳиссиёти, кечинмаси, хоҳиш-истакларини тушуниш қобилияtlари яхши ривожланганлигидан далолат беради ($r=0,447$). Бу эса уларнинг педагогик фаолиятни хушкайфият билан амалга оширишлари, муносабатларда

3.1. Ўқитувчиларнинг шахслик типлари ва социал интеллекти

дуч келиши мумкин бўлган нохушликларни вазминлик, босиклик ва ортиқча эҳтиросларга берилмасдан ҳал этишга киришишларини билдиради ($r=0,498$), новербал хулқ-авторни тушуниш кобилияти ($r=0,326$) ва невротизмнинг пасайиши ($r=-0,355$) ҳам экстраверт типидаги ўқитувчиларда анчагина хос. Ўқитувчилар вербал экспрессияга қобилиятлилик ҳам экстраверт типдагиларга хос ($r=0,335$). Аммо экстравертларда “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш”нинг пасайиши ($r=-0,436$) ва интровертларда ўзаро таъсирлашувларда ўсишни қайд этмоқда ($r=0,378$). Буни ўқитувчиларнинг кузатувчанлиги, шахслараро ўзаро таъсирлашувларда вазминлик билан ёндашишлари, сухбатдошларга муносабат билдиришда сўзларни ўз ўрнида қўйиб ишлатишлари, муомала жараёнидаги кескинликларда ортиқча асабийлашмаслик ва эҳтиёткорлик билан иш тутишларида кўриш мумкин.

16-жадвал

Катта ўқитувчининг социал интеллекти билан шахс типлари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

Интеллект	Типлар	Шахс типлари		
		Экстроверт	интроверт	Невротизм
Социал интеллект	<u>Мулокот иштирок-чисининг ҳиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш</u>	0,447**	-0,089	-0,498**
	<u>Новербал хулқ-авторни тушуниш</u>	0,326*	-0,101	-0,355*
	<u>Вербал экспрессияни тушуниш</u>	0,335*	-0,030	-0,084
	<u>Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш</u>	-0,436**	0,378*	-0,071

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Етакчи ўқитувчиларнинг социал интеллекти билан шахс типлари ўртасидаги алоқадорлик юкоридаги респондентларнинг кўрсаткичларига караганда ўзагачароқ кўриниш олди. Бу лавозим-

ли ўқитувчиларнинг экстраверт ($r=0,383$) ва интроверт ($r=0,356$) типдагиларда “мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилиятида ўсишнинг намоён бўлганлиги ва невротизмнинг пасайланлиги шахснинг ижтимоий тажрибаси ақлий тараккиёт таъминланишига, шахслараро ўзаро муносабат ва мулокот маданиятига хос хусусиятларини камол топишига ҳам боғлик деган хуносага олиб келмоқда. Бундан кўринадики, касбий камолотининг ўсиб бориши шахснинг ижтимоий етилишига, хусусан, социал интеллектига таъсир кўрсатмасдан колмас экан (17-жадвал).

Етакчи ўқитувчиларнинг “новербал хулқ-авторни тушуниш” қобилияти факат экстравертлар ($r=0,370$)да ўсганлиги уларнинг шахслараро муносабатда инсонлар ёки ўқувчилар хатти-харакатларида экспрессияларни тез ва осон илғай олишлари сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бу эса ўқитувчиларнинг касбий фаолияти жараёнида экстравертилкка хос хусусиятлар – мулокот, инсонлар орасида бўлишини ёқтиришлари ва зийракликлари оқибатидир.

17-жадвал

Етакчи ўқитувчининг социал интеллекти билан шахс типлари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

Интеллект	Тип	Шахс типлари		
		Экстраверт	Интроверт	Невротизм
Социал интеллект	Мулокот иштирок-чисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,383*	0,356*	-0,375*
	Новербал хулқ-авторни тушуниш	0,370*	0,136	0,242
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,365*	0,394*	-0,348*
	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	0,435**	0,326*	-0,336*

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Етакчи ўқитувчиларнинг касбий камолоти ҳар иккала тип учун вербал экспрессиянинг тушуниш қобилиятни ўсишини таъминла-

масдан қолмас экан ($r=0,365$ ва $r=0,394$). Ўқитувчиларда ижтимоий кўникумалар сухбатдошнинг фикр ва мулоҳазалари ҳамда билдираёттган сўзларни мазмунан таҳлил қилиб кўришларини англатади. Улар асабийлашиш, ортиқча стресс ва аффект ҳолатларда ўзларини бошқара олишлари, хатти-ҳаракатларини назорат қилишлари ва бу эса эришиладиган ютуқларни ижобий бўлишига хизмат қилишини тушуниб етганлар ($r=-0,348$).

Етакчи ўқитувчиларнинг “шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш” кобилияти ҳам ҳар иккала типга мансуб педагогларнинг натижаларида ижобий корреляцион муносабатларни акс эттириди ($r=0,435$ ва $r=0,326$). Ўқитувчиларнинг шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳли эта олишлари, мураккаб вазиятларни мулокот иштирокчиларини иштирокига қараб вазиятларни баҳолаши, шахслараро ўзаро таъсирашувни осон таҳлил қилиши, инсонлар орасидаги ўзаро муносабатларда ентил мослашини кобилиятларини шакллантира олишлари касбий камолотнинг ушбу босқичи учун мос бўлди. Шахслараро муносабатларга кобилиятлиликни камол топғанлиги ўқитувчидаги ортиқча руҳий зўриқишилардан халос бўлишини таъминлар экан ($r=-0,336$).

Социал интеллект ва шахс типлари муносабатлари бўйича таҳлилимини баш ўқитувчиларнинг тадқиқотда намоён қилган курсаткичлари асосида ёритамиз (18-жадвал).

Ўқитувчиларнинг ушбу тоифасидаги социал интеллект ва шахс типларининг корреляцион муносабатлари анча ўзиға хос қийматларга эга. Уларда мулокот иштирокчисининг ҳиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш, новербал хулк-авторни тушуниш, вербал экспрессияни тушуниш, шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш кобилиятлари ўртасида ижобий корреляция коэффициентларни ўзида акс эттириди. Ушбу тоифа ўқитувчиларидаги салмоқли корреляция коэффициентлари етакчи ўқитувчиларники сингари кўриниш олди. Ўқитувчилар “мулокот иштирокчисининг ҳиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш” кобилиятлари экстраверт ва интровертларда ижобий корреляцион боғланишига эга бўлди ($r=0,558$ ва $r=0,307$). Социал маълака ва тажрибалар ўқитувчининг касбий камолоти жараё-

нида ҳар икки тип учун муҳим ўринга эга экан. Уларнинг новербал хулқ-авторни тушунишлари бу узок йиллик педагогик ва ҳаётий тажрибанинг натижаси эканлигини экстраверт ($r=0,574$) ва интроверт ($r=0,371$) типидаги ўқитувчиларнинг натижалари тасдиклаб турибди. Ўқитувчининг педагогик маҳоратининг ўсиши, бир неча йиллик тажрибалари ва турли хил хулқ-авторли ўқувчилар билан муносабатда бўлганликлари бунга имкон бергандир.

18-жадвал

**Бош ўқитувчи социал интеллекти билан шахс типлари
кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат**

Интеллект	Тип	Шахс типлари		
		Экстраверт	Интроверт	Невротизм
Социал интеллект	Мулокот иштирок-чисининг ҳиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,558**	0,307*	-0,351*
	Новербал хулқ-авторни гашуниш	0,574**	0,371*	-0,423*
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,399*	-0,074	-0,357*
	Шахслараро ўза-ро таъсирилашувни таҳлил этиш	0,366*	0,421*	-0,358*

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Аммо натижаларнинг вербал экспрессияни тушуниш кобилиятлари экстраверт типидаги ўқитувчиларда ижобий корреляцияни ҳосил қилганлиги уларнинг тўғрисўзлиги, ўзига етарлича ишонишлари, ҳақиқатни сўзлашга ва керакли ўринда ҳақиқат учун “тўғри сўз келганда отангни ҳам аяма” қабилида иш тутишларидан далолат. Бу эса аксинча атрофдагилардан салбий жавоблар қабул қилиб олишларига олиб келганлиги, натижада рухан тушкунликда ҳам ўзларини тартибга солишларини ифодаламоқда ($r=-0,357$).

Шахс хусусиятлари ва социал интеллект муносабатларини ўрганишнинг дастлабки натижаларига таяниб, навбатдаги тадқиқот вазифаси амалга оширилди. Бунда биз касб-хунар коллежи

Ўқитувчиларининг лавозимий вазифалари бўйича социал интеллект ва шахслик хусусиятлари орасидаги ўзаро боғликларини ўргандик. Ушбу масала юзасидан таҳлилларимизни наъбатдаги парамграфда амалга оширамиз.

3.2. Ўқитувчиларнинг шахслик хусусиятлари билин социал интеллекти муносабатлари

Касб-хунар коллеки ўқитувчилари социал интеллекти билан шахслик хусусиятлари ўртасидаги муносабатларни ўрганишни амалга оширишда Р.Б.Кеттеллнинг “Шахсни 16 омил ёрдамида ўрганиш” сўровномасига таяндик. Бизнинг изланишимизга қадар олиб борилган тадқиқотларда ҳам ушбу методикадан кенг фойдаланилган. Бу эса бизнинг амалиёт учун объектив илмий маълумотлар беришга хизмат қўйувчи психодиагностик методика сифатида татбиқ этишимизга қўл келди. Методика олдинги методикалар сингари тадқиқот объектига татбиқ этилди. Сўровноманинг умумий ва хусусий ҳоллардаги натижаларини кўйида батафсил таҳлил этамиз. Социал интеллект ва шахслик хусусиятлари муносабатини ўрганишдан олдин ўқитувчиларнинг шахсига хос умумий кийматлар устида тўхтабил ўтамиш (19-жадвал).

Касб-хунар коллеки ўқитувчиларининг Р.Б.Кеттеллнинг “Шахсни 16 омил ёрдамида ўрганиш” сўровномасига таяниб олган натижаларимизда шахслик хусусиятлари қўйидаги психологик тавсифларга эга. Деярли барча омиллар бўйича ўқитувчиларнинг кўрсаткичлари ўртачадан юкори зонадан ўрин олди.

Уларнинг ушбу шахслик хусусиятлари кўрсаткичини омиллар бўйича хусусий ҳолларда талкин этилади:

Мулоқотга мояиллик (А) шкаласи (5,28). Бу киймат касб-хунар коллеки ўқитувчиларини бошқалар билан ҳамкорлик қилишга тайёр, дикқат-эътиборли, каттиқ ғазабланиш ёки хурсанд бўлиш ҳолатларига (ички ҳаяжонланиш, эҳтирос) тушмасликлари, хулкини бошқара олиш қобилиятига эга, раҳмдил ва самимий, лекин талабчанликларини англатади.

**Касб-хунар коллекти үқитувчиларининг шахслик хусусиятлари-
нинг умумий кўрсаткичлари**

Омиллар	X	Y	
Р.Б. Кеттеллнинг “Шахсни 16 омил ёрламида ўрга- ниш” сўровно- маси	Мулоқотта мойиллик (A)	5,28	1,61
	Ҳиссий барқарорлик (C)	5,20	1,76
	Ҳукмронликка интилиш (E)	5,34	1,57
	Ижтимоий етуклик (Qr)	5,31	1,52
	Ижтимоий дадиллик (H)	5,56	1,61
	Ишонувчанлик (J)	5,06	1,68
	Узига ишониш (Q)	5,11	1,58
	Мустақиллик (Q ₁)	5,66	1,74
	Узини назорат қилиш (Q3.)	5,58	1,67
	Қўзғалувчанлик ва зўрикиш (Q ₄)	5,25	2,01

Ҳиссий барқарорлик (C) ($5,20\pm1,76$). Бу кўрсаткичда педагогларга хос ўз хисларини ва қайфиятини бошкара оладиган, “Мен тимсоли” кучи юкорироқ эканлиги, “Мен” концепциясини ижобий бўлишига интилувчанлиги, педагогик фаолиятда маълум даражада муваффакият билан ишлашлари мумкинлигини билдиради. Агарда ўқитувчиларда ҳиссий барқарорлик янада юқори даражада бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади, дейиш мумкин.

Ҳукмронликка интилиш (E) ($5,34\pm1,57$). Омилнинг бу даражаси ўқитувчиларнинг атрофидаги одамлар таъсирига берилиувчанлиги, атрофдагилар талабини ҳам хисобга олиши, мустақиллигини белгиловчи ҳуқукингизни химоя қилишда агрессив эмасликлари, шу билан бирга уларда коллеж раҳбарияти билан эркин муносабатда бўлишга мойиллигидан далолат беради.

Ижтимоий етуклик (Qr) ($5,31\pm1,52$). Мазкур омилнинг ушбу даражаси ўқитувчиларнинг ҳаётга ва ишга енгил карашлари, жавобгарликни хис қилмасликлари, тежамсизлик каби хислатлардан тўла озод эмасликлари, бирок бундай ҳолат уларнинг “Мен-концепцияси”нинг салбий эканлигини англатмайди, балки ўз ҳулкани бошкара олиш ва қаътийликнинг етарли эмаслиги оқибати бўлиб ҳисбланади. Улар умуминсоний қадр-кимматларни тан олишга ва аҳлок қоидаларига риоя қилишга интилувчи шахслар сифатида мавқега эгадирлар.

Ижтимоий дадиллик (Н) ($5,56\pm1,61$). Бундай киймат касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг етарли даражада ботирликлари, одамлар билан алоқага эркин кира олиши, муомаладаги кийинчиликларни енга олиши, кутилмаган ҳолатларга тушиб қолганида ўзини йўқотмаслигидан далолат бермокда.

Ишонувчанлик (J) ($5,06\pm1,68$). Ишонувчанлик омилининг ушбу кўрсаткичи ўқитувчиларнинг касбий фаолият ва ҳаётий масалаларни ҳал этишда ақлга асосланиб ишлашлари ва шу орқали фаолиятда самараға эришишлари мумкинлигини билдиради.

Ўзига ишониш (Q) ($5,11\pm1,58$). Омилининг ушбу даражаси ўқитувчини ўзига бўлган ишончи, мудаффакиятсизликларини бошқариш имкониятини, бўлаётган воеаларни тўғри баҳолаш ва уларга муносиб жавобни бера олишини, ўз имкониятларига ишончни юзага келтиради. Уларда ўзини камситишга мойиллик бўлмасада, лекин бир мунча юкори даражадаги тез хафа бўлиш, таъсирчанлик бор. Улар ўзларига бўлган ишончни мустаҳкамлашга ҳаракат килишлари, касбий сифатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқ.

Мустақиллик (Q₁) ($5,66\pm1,74$). Ўқитувчилар ҳамма нарсанни ўзлари бажаришни маъқул кўрсалар-да, атрофдагилар тавсияси ва тақлифларига ҳам қулоқ соладилар. Улар мустақил бўлишини ҳам, атрофдагиларга таянишини ҳам, уларнинг кўллаб-кувватлашларини ҳам хоҳладидилар. Бу эса улардаги мустақиллик фаолиятларининг самарали бўлишини таъминлайди.

Ўзини назорат қилиш (Q₃) ($5,58\pm1,67$). Кўрсаткич касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг ижтимоий ва ахлоқ нормаларини бажаришда қатъиятли эканлиги, кўпчилик ҳолатларда тартибли ва режали ҳаракат килишларини билдиради, аммо улар ҳар доим ҳам кийинчиликларни енгиб, бошлаган ишни охирига етказавермайдилар. Ўз фаолиятларини самарали ташкил кила олсалар-да, ҳар қалай ўзларини назорат қилишга кўпроқ эътибор берганлари маъқул.

Қўзгалувчанлик ва зўриқиши (Q₄) ($5,25\pm2,01$). Нагижа ўқитувчилар эҳтиёжларининг микдори кўплиги туфайли уларда бир мунча зўриқиши бор, характеристи нотинч, асабий руҳий олами қўзгалувчан. Мураккаб

максадлардан ўзини олиб қочиш ва зўриқиши биринчи навбатда касбий фаолият натижаси бўлиб, бунга ўз навбатида, темперамент типларининг ўзига хос хусусиятлари маълум даражада ўз таъсирини ўтказади. Шу билан бирга қўзғалиш ва зўриқишининг намоён булган даражаси уларда “толерантлик” шаклланганлигини кўрсатади.

Толерантлик – ёқимсиз омиллар таъсирига берилмаслиқ, руҳий чидамлилик. Бу ҳолат уларнинг фаолиятини муваффакиятли давом эттириши учун имконият беради.

Юқоридаги ўқитувчиларнинг шахслик хусусиятларини умумий ҳолати шархида ҳам ижобий, ҳам мўътадил ва айрим ўринларда педагогик фаолият учун тескари характерни акс эттирувчи хусусиялар кузатилганини кўрдик. Набатдаги вазифамиз эса ўқитувчиларнинг социал интеллекти ва шахслик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро ички алоқадорликни ўрганишдан иборат.

Тахлилда ўқитувчиларнинг тоифаларига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Ушбу масалада ўқитувчилар шахслик хусусиятлари ва социал интеллектига алоҳида тўхатилишимизга сабаб шахснинг узок вакт давомида биологик, ижтимоий ва индивидуал хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида камол топадиган ижтимоий мавжудод эканлигидир. Чунки шахслик хусусиятларининг умумий тавсифида ўқитувчиларнинг тоифаларига эътибор қаратилмаган эди.

Ўрта маҳсус маълумотли ўқитувчиларнинг шахслик хусусиятлари билан социал интеллекти ўртасида бир қатор ижобий ва салбий муносабатларни ўзида акс эттирган корреляция коэффициентлари аникланди. Мазкур тоифа ўқитувчиларининг “мулоқотта мойиллик”лари ҳали “мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” кобилияти ($r=0,384$), “новербал хулк-атворни тушуниш” ($r=-0,343$), “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳдил этиш” ($r=0,508$) кобилиятлари билан етарлича уйгуналашувда ривожланмаганлигини кўрсатмоқда. Уларнинг социал интеллекти билан шахслик хусусиятлари “ҳиссий барқарорлик” таъминланганда “мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш”га ($r=0,351$), “новербал хулк-атворни тушуниш” ($r=0,311$) га эришиллари мумкинлигини кўрсатмоқда.

3.2. Ўқитувчиларнинг шахсллилк хусусиятлари билан социал интеллекти муносабатлари

20-жадвал

Ўрта маъсус маълумотли ўқитувчининг социал интеллекти билан шахс хусусиятлари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

Интеллект Факторлар	Социал интеллект			
	Мулоқот ишти- роқчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулк- авторни тушуниш	Вербал экспрес- сияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъ- сирашувни таҳдил етиш
Мулоқотга мойиллик (A)	-0,384*	-0,343*	-0,191	-0,508**
Хиссий баркарорлик (C)	0,351*	0,311*	-0,121	0,275
Хукмронлика инти- лиш (E)	0,236	0,185	0,097	0,255
Ижтимоий етуклик (Qr)	0,320	0,064	0,327*	0,256
Ижтимоий дадиллик (H)	-0,299	-0,252	0,158	0,349*
Ишонувчанлик (J)	-0,287	-0,228	0,066	-0,035
Ўзига ишониш (Q)	0,570*	0,472*	0,297	0,398*
Мустакиллик (Q ₁)	0,148	0,203	0,582**	0,333*
Ўзини назорат қилиш (Q ₃)	-0,550**	-0,438**	-0,071	-0,212
Кўзгалувчанлик ва зўрикиш (Q ₂)	-0,116	-0,195	-0,302*	-0,170

Изоҳ: * $p \leq 0,05$. ** $p \leq 0,01$.

Шунингдек, ўрта маъсус маълумотли ўқитувчилар ўзларини “ижтимоий етукдек” тутган пайтларида вербал экспрессияни тушуниш кобилияtlари анча якъолрок намоён бўлар экан ($r=0,327$). Уларда “ижтимоий дадиллик”нинг ўсиб бориши билан шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳдил этишга кобилияtlиликни ($r=0,349$) камол то-пишини таъминлаш мумкин. Ўқитувчиларда “ўзига ишониш” хусусиятини шакллантиришлари ўкувчиларини хиссиёт ва фикрларини тушунишлари, уларга зарур муносабатларни билдиришлари ва уларга таскин беришга шайликларини ($r=0,570$), педагогик маҳорат учун шогирдларининг хатти-харакатларини англаш ва унга мос тарзда ўз

муносабатларини шакллантиришларини ($r=0,472$), таълим-тарбия жараёнида шахсга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш, мураккаб муносабат вазиятларини таҳлил қила олиш ва ўкувчилар билан ўзаро муносабатларда мослашиш қобилиятини таркиб топтириш ($r=0,457$) мухимлигини англатмоқда.

Шу ўринда ўрта маълумотли ўқитувчиларда “ўзини ўзи назорат қилиш”нинг шаклланмаганинги оқибатида ўкувчилар хулк-атвори ва у билан боғлиқ ҳаракатларни ёмон тушунишлари, тез-тез янглишишлар ва низоларга тушиб колишларига, ҳавфли ҳолатларда ўз хатти-ҳаракатлари ва бошқаларнинг ҳаракатларини яхши тушун-масликларига, хулк-атвор ва умум қабул килинган қоидаларни яхши мўлжал ололмасликларига ($r=-0,550$); муносабатларда тана ҳаракати, қарашлар ва имо-ишора орқали мулокот қилишда уқувсизликка, мулокотда сўзли маълумотларга алоҳида эътибор қарата олмаётган-ликлари, сұхбатдошни новербал ҳаракатларни яхши илғамасликлари оқибатида сўзларини тушунишга ҳам кийналаётганликларини ифодаламоқда. Бу ушбу тоифа ўқитувчиларининг социал интеллекти шахслилик хусусиятлари билан ҳали етарлича боғлиқ шаклланмаганигидан дарап бермоқда.

Олий маълумотли ўқитувчиларнинг социал интиеллекти ва шахслилик хусусиятлари орасидаги боғлиқлик масаласи бир оз бошқача кўриниш олди (21-жадвал). Бу тоифа ўқитувчилар ўкувчилари, ҳамкаслари ва кундалик турмушдаги сұхбатдошлари билан муносабатларида “мулокотга мойиллик” хусусиятлари, ҳамкорлик қилишга тайёрлиги, дикқат-эътиборли, қаттиқ ғазабланиш ёки хурсанд бўлиш ҳолатларига (ички ҳаяжонланиш, эхтирос) тушмасликлари, хулқини бошқара олиш қобилиятига эгалиги, раҳмдил ва самимий, лекин талабчанликлари ўқувчилар билан кутилмаган, нотипик ҳолатларда хатти-ҳаракатларни прогноз қилишда янглишишлари ҳам мумкинлиги, аммо улар олдиларига кўйган максадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқа олишлари, инсон хулк-атоврини бошқариши, ролли меъёрлари ва қоидаларига доир билим ва ўзаро таъсирлашув иштироқчилари билан боғлиқ новербал реакцияларда тўғри мўлжал ола билишлари ($r=0,330$); инсон кечинмалари, максади ва

3.2. Ўқитувчиларнинг шахсллил ҳусусиятлари билан социал интеллекти муносабатлари

холатини новербал намоён бўлиши, мимикаси, имо-ишорасига тўғри баҳолашлари, новербал мулокотга кўпроқ зътибор қаратишлари, мулокот иштирокчиларининг новербал реакцияларига тушунишлари ва новербал экспрессияга сезгирикларини ($r=0,329$); шахслараро вазиятларни яхши англашга қобилиятлиликни, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта билишни, мураккаб вазиятларни мулокот иштирокчилари иштирокига қараб вазиятларни баҳолай олиш қобилиятлари билан мувофиқ шаклланаётганлигини ($r=0,323$) кўрсатмоқда.

21-жадвал

Олий мълумотли ўқитувчининг социал интеллекти билан шахс типлари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

Интеллект	Социал интеллект			
	Мулокот иштирокчисининг хиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулк-авторни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳдил этиш
Факторлар				
Мулокотга мойиллик (A)	0,330*	0,329*	0,205	0,323*
Хиссий баркарорлик (C)	-0,429	-0,096	0,066	-0,027
Хукмронликка интилиш (E)	-0,538**	-0,089	0,208	-0,007
Ижтимоий етуклик (Qг)	-0,289	-0,257	0,533**	0,457**
Ижтимоий дадиллик (H)	-0,360*	0,246	0,014	0,062
Ишонувчанлик (J)	-0,135	-0,276	-0,320*	0,355*
Ўзига ишониш (Q)	-0,254	0,313*	0,143	0,092
Мустақиллик (Q ₊)	0,318*	0,057	-0,159	0,425*
Ўзини назорат килиш (Q _{3..})	-0,039	-0,032	0,284	-0,484
Кўзгалувчанлик ва зуғикиш (Q ₊)	-0,424	-0,305	0,120	-0,109

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Аммо ушбу тоифа ўқитувчилардаги “хукмронликка интилиш”, яъни ўз “Мен”ига ортиқча баҳо бериш, ўқувчилари ёки бошқа субъектларига нисбатан беэтиборлик билан қараш сухбатдошларнинг

хиссиёти, кайфияти, фикри ва ниятларини тушуниш ва қадриятларини англаш қобилиятини пасайишига ($r=0,538$) олиб келаётган экан.

Агар олий маълумотли ўқитувчиларда “ижтимоий дадилликка” хос хусусиятларни камол топтириш баробарида умуминсоний қадр-кимматларни тан олишга ва ахлоқ қоидаларига риоя килишга инти-лувчанликлари билан бир қаторда ўкувчи ва ҳамкасларига самимий муносабат ўрнатишга, фикрларни ўйлаб ва сўзлардан зарур ўринларда фойдаланишга, ўкувчиларни тез ва яхши тушунишга ($r=0,533$); мулокот вазиятларини тўғри баҳолашга, ўкувчилар билан юз берадиган вазиятларни яхши таҳлил этишга қобилиятларини таъминлашга эришлари мумкин ($r=0,457$).

Олий маълумотли ўқитувчиларнинг шахслик хусусиятлари билан социал интеллект компонентлари ўртасида бир қатор ижобий бўлмаган корреляция коэффициентлари учрамоқдаки, улар “ижтимоий дадиллик”нинг етишмаслиги билан мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш ($r=-0,360$); “ишонувчанлик”нинг пасайиши ўз навбатида “вербал экспрессияни тушуним” ($r=-0,320$) ва “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этим” ($r=-0,355$) қобилиятида ҳам пасайишни келтириб чиқармоқда экан. Шунингдек, ушбу тоифа ўқитувчиларда ўзларини мустақил шахс сифатида идрок этган ва хатти-ҳаракатларни ба-жаришда мустақил ёндаша олганларида мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш ($r=0,318$) ва “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” ($r=0,425$) қобилиятларини ишончли намоён эта олар эканлар. Аммо улардаги “қўзғалувчанлик ва зўриқиши”нинг оқибати мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш ($r=-0,424$) ва “новербал хулқ-атворни тушуниш” ($r=-0,305$) қобилиятлари пасайишига сабаб бўлмоқда, дейиш мумкин.

Тадқикотимизнинг ушбу босқичдаги эмпирик маълумотлар таҳлилида барча тоифа респондентларда мулокотга мойилликлари социал интеллект компонентлари билан ижобий корреляцион боғланиш ҳосил қилмоқда. Бу ҳолат катта ўқитувчиларнинг кўрсат-кичларида ҳам ўз аксини топмоқда. Уларда ҳам мулокотга мойиллик

хусусиятлари ўсиб бориши “мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” ($r=0,595$), “вербал экспрессияни тушуниш” ($r=0,301$), “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” ($r=0,352$) кобилияйтларини мос тарзда ривожланишини таъминлайди.

Катта ўқитувчиларнинг шахслик хусусиятлари билан интеллект натижалари орасида ўзига хос бир ҳолат мавжудки, бу улардаги хиссий барқарорлик сифатининг мавжудлиги “мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” ($r=0,325$), “новербал хулқ-атворни тушуниш” ($r=0,336$) ва “вербал экспрессияни тушуниш” ($r=0,450$) қобилияйтларининг ўсиши учун хизмат килиши мумкин экан. Агар ушбу тоифа ўқитувчилар касбий фаолият жараёнида ўзларида ҳиссий барқарорликни яхшироқ таъминлашга эришсалар социал интеллектлари бир қатор компонентларининг муттасил ўсишига эришишлари мумкинлигини эмпирик натижалар тасдиқламоқда.

Катта ўқитувчиларнинг навбатдаги кўрсаткичларида “хукмронликка интилиш”га мойил бўлишлари оқибати “вербал экспрессияни тушуниш” ($r=-0,362$) ва “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” ($r=-0,368$) қобилияйтлари пасайишига олиб келишини унутмасликлари лозим. Улардаги ижтимоий етуклик хусусиятлари фақат “мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилияти ($r=0,321$) ривожланишини таъминлашга; “ижтимоий дадиллик” хусусияти “мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” ($r=0,382$) ва “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” ($r=0,388$); “ишонувчанлик” хусусиятлари “новербал хулқ-атворни тушуниш” ($r=0,378$) ва “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” ($r=0,522$); “ўзига ишониш” хусусияти эса “вербал экспрессияни тушуниш” ($r=0,391$) қобилияйтлари ривожланишига хизмат килаётган экан. Мазкур рееспондентларнинг шахслик хусусиятлари ва социал интеллекти орасидаги ўзига хос боғланишлари бошқа тоифа ҳамкаблариникидан “ўзини назорат қилиш” хусусияти камол топганлиги ва у муомала жараёнида “новербал хулқ-атворни тушуниш” ($r=0,322$) ва “вербал экспрессияни тушуниш” ($r=0,449$) қобилияйтларини камол топтиришларида ижобий хизмат қилаётган экан.

22-жадвал

Катта ўқитувчининг социал интеллекти билан шахс типлари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

Интеллект	Социал интеллект			
	Мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал хулк-авторни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни тажхил этиш
Факторлар				
Мулокотта майиллик (A)	0,595**	-0,181	0,301*	0,352*
Хиссий баркарорлик (C)	0,325*	0,336*	0,452**	-0,072
Хукмронликка интилиш (E)	0,158	0,154	-0,362*	-0,358*
Ижтимоий етуклик (Gr)	0,321*	0,024	0,031	0,175
Ижтимоий дадиллик (H)	0,382*	0,215	-0,209	0,388*
Ишонувчанлик (J)	-0,272	0,378*	-0,117	0,522**
Ўзига ишониш (Q)	0,210	-0,207	0,391*	0,056
Мустакиллик (Q ₁)	0,326*	0,374*	0,595**	0,078
Ўзини назорат килиш (Q ₃)	-0,062	0,322*	0,449**	-0,057
Кўзгалувчанлик ва зўрикиш (Q ₄)	-0,190	-0,238	0,215	-0,090

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Шунингдек, касб-хунар колледжи ўқитувчилари касбий камолотини ушбу тоифасида “мустакиллик” хусусиятларининг анча баркарор ривожланаётганлиги туфайли социал интеллект хусусиятларининг бир қатор компонентлари билан ҳам узвий боғланиш ҳосил килган бўлиб, бу мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш ($r=0,326$), новербал хулк-авторни тушуниш ($r=0,374$), вербал экспрессияни тушуниш ($r=0,595$)дъ намоён бўлади. Ўйлаймизки ўқитувчиларнинг шахслилик хусусиятлари ва социал интеллект муносабатлари борасидаги тадқиқотимизнинг ушбу босқичида касбий камолот жараёнидаги сифат ўзгаришларининг педагог фаолияти учун зарур жиҳатлари кўзга ташланди. Кейинги натижаларимиз таҳлили ҳам бизга янада ижобийроқ кўрсаткичларни олиб келиши мумкин.

Етакчи ўқитувчиларнинг социал интеллекти билан шахслик ҳусусиятлари ўртасидаги муносабатларда ҳам анча салмоқли корреляцион муносабатлар кузатилди (23-жадвал).

Уларнинг “мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилиятларини камол топиши “мулокотга мойиллик” (0,466), “ҳиссий барқарорлик” (0,497), “ижтимоий етуклик” (0,433), “ижтимоий дадиллик” (0,378), “ўзига ишониш” (0,340), “мустакиллик” (0,400), “ўзини назорат қилиш” (0,317) ҳусусиятларини мос тарзда ривожланиши ва “кўзғалувчанлик ва зўрикиш”га мойиллик ҳусусиятининг ($-0,399$) пасайиши билан характерланмоқда. Ўз навбатида уларнинг социал интеллектини ифодаловчи бошқа қобилиятларida ҳам ижобий муносабатлар мавжуд.

23-жадвал

Етакчи ўқитувчиларнинг социал интеллекти билан шахс типлари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат

Интеллект Факторлар	Социал интеллект			
	Мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новорбал хулқ-авторни тушуниш	Вербал экспрессионни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш
Мулокотта мойиллик (A)	0,466**	0,362*	0,556**	0,460**
Ҳиссий барқарорлик (C)	0,407*	0,187	-0,150	0,319*
Ҳуқмронликка интилиш (E)	0,081	0,255	0,178	0,117
Ижтимоий етуклик (Or)	0,433**	0,314*	0,328*	0,127
Ижтимоий дадиллик (H)	0,378*	-0,013	-0,280	0,448**
Ишонувчанлик (J)	0,005	-0,025	-0,339*	-0,075
Ўзига ишониш (Q)	0,340*	0,370*	0,566**	0,270
Мустакиллик (Q ₁)	0,400*	0,360*	-0,140	0,379*
Ўзини назорат қилиш (Q ₃)	0,317*	0,341*	0,421*	0,140
Кўзғалувчанлик ва зўрикиш (Q ₄)	-0,399*	0,333*	0,314*	-0,132

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

“Новербал хулқ-атворни тушуниш” қобилияти ривожланишида “мuloқотга мойиллик” (0,362), “ижтимоий етуклик” (0,314), “ўзига ишониш” (0,566), “ўзини назорат қилиш” (0,421) хусусиятларининг мувофик тарзда ривожланиши ва “қўзгалувчанлик ва зўрикиш”га мойиллик хусусиятининг ($-0,314$) сусайиши; “вербал экспрессияни тушуниш” қобилияти учун “мuloқотта мойиллик” (0,556), “ижтимоий етуклик” (0,328), “ўзига ишониш” (0,370), “мустакиллик” (0,360), “ўзини назорат қилиш” (0,341) хусусиятлари уйғунлашиб бораётганлиги ва ва “қўзгалувчанлик ва зўрикиш”га мойиллик хусусиятини ($-0,333$) камайиши; “шахсларо ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” қобилияти ўсишида “мuloқотга мойиллик” (0,460), “хиссий барқарорлик” (0,319), “ижтимоий дадиллик” (0,448), “мустакиллик” (0,379) хусусиятлари ривожланиши сабабдир. Микдорий кўрсаткичларга қискача шарҳ бериш орқали ўқитувчиларнинг социал интеллекти билан шахслик хусусиятларининг ўзаро мутаносиблиги тўғрисида мuloҳаза юритаётган бўлсак-да, аслида бу даражага ўсиб ўтиш узок вакт, турли хил зиддиятли вазиятлар ва уларнинг ечими борасидаги изланишлар, шахснинг ўз камолоти учун тинмай меҳнат қилиши, шахсий ва умуминсоний қадриятларнинг қимматини саклашга интилиши, кийинчиликларни бартараф этиш ва муваффақиятга эришиш йўлларини излашнинг якуний натижалари эканлигини ёдда тутиш лозим.

Бош ўқитувчиларнинг социал интеллекти ва шахс хусусиятлари орасидаги ички алоқадорлик масаласи олинган эмпирик натижаларга кўра анчагина ижобий кўриниш олди (24-жадвал). Бу эса ушбу тоифа ўқитувчиларнинг касбий фаолияти жараёнида шундай даражага эришиллари бежиз эмаслигини кўрсатмоқда.

Бош ўқитувчиларнинг “мuloқот иштироқчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилиятларининг ривожланишида “мuloқотга мойиллик” (0,454), “хиссий барқарорлик” (0,361), “ижтимоий етуклик” (0,469), “ижтимоий дадиллик” (0,367), “ўзига ишониш” (0,349), “мустакиллик” (0,319), “ўзини назорат қилиш” (0,407) хусусиятларининг мос тарзда ривожланиши ва “хукмронликка интилиш” ($-0,373$), “қўзгалувчанлик ва зўрикиш”га мойиллик хусусиятининг ($-0,315$) пасайиши туфайли; “новербал хулқ-атворни тушуниш” қобилиятта эга бў-

3.2. Ўқитувчиларнинг шахслик хусусиятлари билан социал интеллектти муносабатлари

лишларида “мулокотта майиллик” (0,332), “хиссий барқарорлик” (0,409), “ижтимоий етуклик” (0,367), “ижтимоий дадиллик” (0,317), “ўзини назорат қилиш” (0,326) хусусиятларининг ривожланиши ва “қўзғалувчанлик ва зўриқиши”га майиллик хусусиятини ($-0,366$) йўкотишга интилишлари; “вербал экспрессияни тушуниш” қобилиятига эришишларида “мулокотта майиллик” (0,338), “хиссий барқарорлик” (0,586), “ижтимоий етуклик” (0,319), “ижтимоий дадиллик” (0,345), “ўзига ишониш” (0,341), “мустакиллик” (0,316), “ўзини назорат қилиш” (0,375) хусусиятларини ўстириш; “шахсларо ўзаро таъсирлапшувни таҳлил этиш” қобилиятини барқарор шакллантиришда эса “мулокотта майиллик” (0,319), “хиссий барқарорлик” (0,342), “ижтимоий етуклик” (0,427), “ижтимоий дадиллик” (0,316), “ўзига ишониш” (0,384) хусусиятини тарбиялашлари сабабли эришаётганликларини кўрсатмоқда.

24-жадвал

**Бош ўқитувчининг социал интеллекти билан шахс типлари кўрсат-
кичлари орасидаги корреляцион муносабат**

Интеллект Факторлар	Социал интеллект			
	Мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Но- вербал хулк- авторни тушу- ниш	Вербал экспрес- сияни тушу- ниш	Шахсла- раро ўзаро таъсир- лапшувни таҳлил етиш
Мулокотга майиллик (A)	0,454**	0,332*	0,338*	0,3198
Хиссий барқарорлик (C)	0,361*	0,409*	0,586**	0,342*
Ҳукмронликка интилиш (E)	-0,373*	0,191	0,198	-0,198
Ижтимоий етуклик (Qt)	0,469**	0,367*	0,319*	0,427*
Ижтимоий дадиллик (H)	0,367*	0,317*	0,345*	0,316*
Ишонувчанлик (J)	-0,180	0,076	0,221	0,100
Ўзига ишоним (Q)	0,349*	-0,157	0,341*	0,384*
Мустакиллик (Q.)	0,319*	-0,096	0,316*	0,135
Ўзини назорат қилиш (Q3.)	0,407*	0,326*	0,375*	0,149
Қўзғалувчанлик ва зўриқиши (Q.)	-0,315*	-0,366*	-0,500**	0,032

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Юкоридаги таҳлилларимиз асосида ўқитувчиларнинг касбий камолотида социал интеллеккт ва шахс хусусиятлари ўртасидаги муносабатларда ҳар бир тоифа педагогларда бир хилликни кузатиш қийин, аммо уларнинг лавозимий вазифалари, иш ва социал тажрибалиарининг ўсиб бориши баробарида ўзгаришлар бўлиши табиий экан. Касбий камолот жараёнида ўқитувчиларнинг социал интеллеккта қобилиятилик учун мулокотга мойиллик, ҳиссий барқарорлик, ижтимоий дадиллик, ижтимоий етуклик, мустакиллик, ўзини ўзи назорат килиш хусусиятларининг ўсиши ва ҳукмронликка интилиш ҳамда кўзғалувчанлик ва зўрикишга мойиллик хусусиятларининг пасайиши орқали эришилар экан. Социал интеллеккт ва шахс хусусиятлари касбий камолотининг дастлабки босқичларида нисбатан тарқоқлашган, кейинги босқичларда эса улар орасида ўзаро уйғунлашув ва изчилилк кузатилди. Бундан кўринадики, биздан олдинги тадқикотларда ҳам шахс хусусиятларини ўрганишга зътибор қаратилганлиги ва уларнинг тадқиқот обьектларининг хусусиятидан келиб чиқиб, қизикувчанлик ва мулокотмандлик социал интеллеккт ривожланишини таъминлашга хизмат килувчи сифатлар тарзида эслатиб ўтилган. Бизнинг тадқиқот обьектимизнинг хусусиятига кўра эса бу хусусиятлар янада кенгрок кўриниш олганлиги юкорида изохлаб ўтилди.

3.3. Касб-ҳунар коллеки ўқитувчиларининг фан соҳаси бўйича социал интеллеккти¹ хусусиятлари

Ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар касбий камолотида социал интеллекктнинг ролини ўрганиш борасидаги тадқиқотимиздаги изланишларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири уларнинг мутахассислар бўйича ўзига хослигини ўрганишдан иборат. Ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими тизимида фаолият олиб борувчи ўқитувчилар касб-ҳунар коллекларининг таълим йўналишлари ва кичик мутахассислар тайёрлаш жараёнига кўра таълим жараёнида умумтаълим ва маҳсус фанлардан

машғұлут олиб борадиган ўқитувчилар ишлайдилар. Тадқиқотимизда респондентларнинг касбий камолотида социал интеллеккт ролини баҳолашда ўқитувчиларни умумтағымыз ва махсус фанлар кесимида ҳам ўргандык. Респондентларни тағымыз бериш соҳаларига күра ажратыш орқали бир катар янги маълумотлар олишга мұяссар бўлишимиз шубҳасиз. Мазкур изланиш босқичида ҳам олдинги анъана-ларга содик қолган ҳолда тадқиқот методикаларини кўллашдан олингандан миқдорий кийматларни умумтағымыз ва махсус фан ўқитувчилари бўйича ажаратиб, ўзаро қиёсий ўрганилди.

Умумтағымыз ва махсус фан ўқитувчиларининг социал интеллекти кўрсаткичларининг ўртача киймат кўрсаткичларида бирор бир фарқли жиҳатлари учрамади. Ўртача киймат бўйича ҳар икки тоифа ўқитувчиларининг кўрсаткичларида ўртачадан юкори натижалар кузатилди (24-жадвал). Уларнинг лавозимий вазифаларидаги социал интеллеккт бўйича кийматлари ўртачадан юкори бўлган эди. Бу эса тадқиқот методикалари ва натижаларининг ишончлилиги ҳамда ре-презентативлигидан далолат беради.

Ўқитувчилар социал интеллектининг миқдорий кўрсаткичлари уларнинг лавозимий вазифаларига кўра тавсифлагандек, ўкувчилар, ҳамкаслар ва бошқа сұхбатдошларнинг хулк-атворлари оқибатини олдиндан кўра олиши, муомалада реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг натижаларини баҳолай олиши, мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқишилари, инсон хулк-атворини бошқариши, ролли меъёрлари ва коидаларига доир билим ва ўзаро таъсирилашув иштирокчилари билан боғлик новербал реакцияларда тўғри мўлжал олишлари, низоларни бартараф этишга, хавфли ҳолатларда ўзлари ва бошқаларнинг хатти-харакатларини яхши тушунишга кобилиятлари борлигини (3,12 ва 3,37 балл) ифодалади.

Шунингдек, ўқитувчилар инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатининг новербал намоён бўлиши, мимикаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашга, кўпроқ зътиборни новербал мулокотга қартишда ва мулокот иштирокчиларининг новербал реакцияларига тез илғашга, новербал экспрессияга сезгирилклари атрофдагиларни

тушуниш имконятидан холи эмасликларини тасдиқлади (3,87 ва 3,25 балл).

24-жадвал

Умумтаълим ва маҳсус фан ўқитувчиларининг социал интеллекти хусусиятлари

	Умумтаълим фан ўқитувчилари		Маҳсус фан ўқитувчилари		<i>t</i>
	X	y	X	y	
Мулоқот иштироқчиликнинг хиссиёти, фикри ва нийгларини тушуниш	3,12	0,35	3,37	1,18	-0,607
Новербал хулқ-авторни тушуниш	3,87	0,35	3,25	1,16	-1,000
Вербал экспрессияни тушуниш	3,62	0,51	3,81	1,24	-0,552
Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳдил этиш	3,80	0,35	3,64	1,40	-1,342

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Кўрсаткичлар ўқитувчиларни таълим-тарбия жараёнида шахслараро муносабат иштироқчиларининг характер хусусиятларига кўра тез ва яхши тушунишларини, мулоқотда хар қандай инсон билан тил топишиш қобилиятлари меъёрда эканлигини кўрсатди (3,62 ва 3,81).

Уларнинг шахслараро муносабат вазиятларини яхши англаши, мураккаб вазиятларни таҳдил эта олувчанлиги, мураккаб вазиятларни мулоқот иштироқчилари иштироқига қараб баҳолашга қобилиятлари яхши эканлиги ҳам кўриниб турибди (3,80 ва 3,64).

Ўқитувчиларнинг умумий ўртача кўрсаткичлари умумтаълим ва маҳсус фан ўқитувчилари социал интеллектида кескин тафовутларни аниқлашимиизга имкон бермади. Тадқиқот натижаларини кенгрок кўламда кўриб чиқиш учун уларнинг социал интеллектини эмоционал интеллекти, шахс типлари ва шахслик хусусиятлари бўйича ҳам ўрганишни лозим топдик.

Умумтаълим фани ўқитувчиларининг социал интеллекти билан эмоционал интеллекти ўртасида ўзаро муносабат аникланган бўлиб,

уларда “мuloқot иштирокчисининг ҳиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилияти “эмоционал билимдонлик” ($r=0,345$), “ўз эмоцияларини бошқариш” ($r=0,663$), “эмпатия” ($r=0,349$), “ўзга инсонларнинг кечинмаларини тушуниш” ($r=0,348$) билан ўзаро ўсиш таъминланган. Бундан кўринадики, умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг социал интеллекти компонентларидағи ривожланиш эмоционал интеллекти ривожланиши билан мутаносиб борар экан.

25-жадвал

Умумтаълим фан ўқитувчилари социал ва эмоционал интеллекти ўртасидаги корреляцион боғланишлар

Интеллект турлари ва шкалалари		Эмоционал интеллеккт				
		Эмоционал билим-донник	Ўз эмо-циясини бошқариш	Ўз-ўзини рағбатлантириш	Эмпатия	Ўзга инсо-нларнинг кечинмаларини сезиш
Социал интеллект	Мулокот иштирокчисининг ҳиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,345*	0,663**	-0,291	0,524**	0,349*
	Новербал хулиқ-авторни тушуниш	0,356*	-0,135	0,100	0,369*	0,347*
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,380*	0,387*	0,036	0,447**	0,513**
	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳдил этиш	0,445**	0,363*	-0,291	0,524**	0,349*

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Ушбу қобилият эмоционал интеллекктнинг “ўз-ўзини рағбатлантириш” сифати билан ўзаро алоқадорликда ривожланмаган. Аслида улар ўртасида ўзаро ҳамоҳанг ривожланиш таъминланганда педагогик фаолият учун анча ижобий бўлар эди.

Умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг “новербал хулк-атворни тушуниш қобилияти”нинг ўсиб бориши айни пайтда “эмоционал билимдонлик” (0,356), “эмпатия” (0,369), “ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш” (0,347) билан мувофиқ шаклланаётганлиги ижобий ҳолдир.

Улардаги вербал экспрессияга қобилиятлилик ҳам “эмоционал билимдонлик” (0,380), “ўз эмоциясини бошқариш” (0,387), “эмпатия” (0,369), “ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш” (0,347) қобилиятлари билан уйғунлашгандир. Шунингдек, “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” қобилияти ҳам “эмоционал билимдонлик” (0,445), “ўз эмоциясини бошқариш” (0,363), “эмпатия” (0,524), “ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш” (0,349) қобилиятлари билан ўзаро мос равишда ривожланган. Тадқикотимизда ўқитувчиларнинг лавозимий вазифаларига кўра социал интеллекти билан эмоционал интеллекти ўртасидаги ўзаро корреляцион муносабатларида ҳам эмоционал интеллектнинг “ўз-ўзини рағбатлантириш” компоненти билан боғланиш ҳосил қилмаган эди. Бу ҳолат умумтаълим фанлари ўқитувчиларида ҳам тақрорланди. Демак тадқикотимиз натижаларини бир неча йўналишда ўрганишимиз кўрсаткичларнинг бир-бирини тақрорлашига имкон бермоқда.

Умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг социал интеллекти ва шахс типлари орасидаги муносабатлар ҳам бир қатор ижобий ички муносабатларни ўзида акс эттириди (26-жадвал). Бунда экстраверт ва интроверт типидаги умумтаълим фанлари ўқитувчиларида социал интеллект компонентлари ўртасидаги нисбат мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш қобилияти (0,429) ўсиши ва невротизмнинг пасайиши билан характерланмокда ($-0,342$).

Шунингдек, вербал экспрессияни тушунишга ва “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш”га қобилиятлилик ҳам экстраверт (0,402 ва 0429) ва интроверт (0,321 ва 0,469) типдаги ўқитувчиларда ижобий кўриниш олганлиги ва невротизмнинг камайишига олиб келётганлиги кузатилди ($-0,345$ ва $-0,361$).

26-жадвал

Умумтаълим фани ўқитувчилари социал интеллекти ва шахс типлари

	Шахс типлари			
	Экстраверт	Интроверт	Невротизм	
Социал интеллекти	Мулокот иштирок-чисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,429*	0,369*	-0,342*
	Новербал хулқ-авторни тушуниш	0,283	-0,100	-0,125
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,402*	0,321*	-0,345*
	Шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш	0,429*	0,469**	-0,361*

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Умумтаълим фан ўқитувчиларининг шахслилик ҳусусиятлари ва социал интеллекти ўртасидаги муносабатлар таҳлилига эътибор каратайлик.

Ўқитувчиларнинг “мулокотга мойиллик”лари “мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” қобилияти ($r=0,559$), “новербал хулқ-авторни тушуниш” ($r=0,338$), “шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш” ($r=0,559$) қобилиятлари билан уйғунлашган. Ўқитувчиларнинг социал интеллекти билан шахслилик ҳусусиятлари “ҳиссий барқарорлик” таъминланганда “мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш”га ($r=0,347$), “вербал экспрессияни тушуниш” ($r=0,310$)га, “шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш” ($r=0,347$)га эришишлари мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ўқитувчиларнинг лавозимий вазифалари сингари соҳавий йўналиши бўйича кўрсаткичлари “ижтимоий дадиллик” ва “ижтимоий етуклик” сифатлари “мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш” (0,463 ва 0,401), “новербал хулқ-авторни тушуниш” (0,612), “вербал экспрессияни тушуниш” (0,323 ва 0,339), “шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш” (0,463 ва 0,362) қобилиятлари билан барқарор

боғланиш ҳосил қилган. Ўқитувчилар социал интеллектининг ўсишида мустақиллик, ўзига ишонч ва ўзини назорат қилиш хусусиятларининг таъсири юкори эканлиги кузатилди (27-жадвал).

27-жадвал

Умумтаълим фани ўқитувчилари социал интеллекти ва шахс хусусиятлари

	Социал интеллект			
	Мулокот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Но-вербал хулк-авторни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш
Мулокотга мойиллик (A)	0,559*	0,338*	0,329*	0,559*
Хиссий баркарорлик (C)	0,347*	0,287	0,310*	0,347*
Ҳукмронликка интилиш (E)	-0,057	0,277	-0,252	0,057
Ижтимоий етуклик (Qr)	0,463**	0,612**	0,323*	0,463**
Ижтимоий дадиллик (H)	0,401*	0,166	0,339*	0,342*
Ишонувчанлик (J)	-0,149	-0,210	-0,284	0,149
Ўзига ишониш (Q)	0,463**	0,533**	0,019	0,474**
Мустақиллик (Q ₁)	0,320*	0,105	0,132	-0,020
Ўзини назорат қилиш (Q ₃)	0,105	0,563**	0,325*	-0,105
Қўзгалувчанлик ва зўрикиш (Q ₂)	-0,152	-0,401	-0,288	0,152

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Умумтаълим фанлари ўқитувчилари мулокотга мойиллик, ҳиссий баркарорлик, ижтимоий дадиллик, ижтимоий етуклик, мустақиллик, ўзини ўзи назорат қилиш сингари шахслик хусусиятларининг социал интеллекти ривожланишига таъсири мавжуд.

Махсус фан ўқитувчилари социал интеллекти хусусиятларининг эмоционал интеллекти хусусиятлари билан муносабатларини 28-жадвалдаги қийматлар орқали таҳлил этамиз.

28-жадвал

Махсус фан ўқитувчилари социал ва эмоционал интеллекtlари ўртасидаги корреляцион муносабатлар

Социал интеллект	Интеллект турлари ва шкалалари	Эмоционал интеллеккт				
		Эмоционал битлимдонлик	Ўз эмоциясини бошканини	Ўз-ўзини рағбатлантириши	Эмпатия	Ўзга инсонларнинг кечинмаларини сезиш
	Мулокот иштироқчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,356*	0,389*	0,253	0,411*	0,338*
	Новербал хулқ-атворни тушуниш	0,377*	0,385*	-0,213	0,421*	0,229
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,419*	0,016	0,144	0,486**	0,407*
	Шахслараро ўзаро таъсиrlашувни таҳлил этиш	0,564**	0,391*	-0,235	0,091	0,385*

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Махсус фан ўқитувчиларининг социал ва эмоционал интеллеккт кўрсаткичлари умумтаълим фани ўқитувчилариникидек, бир қатор салмоқли корреляция коэффициентига эга бўлди. Ушбу таҳлилда олдингилардан фарқ қилган ҳолда ижобий боғланишларни эмас, балки ички боғланиш хосил қилмаган компонентлар тўғрисида сўз юритамиз. Ўқитувчиларнинг социал ва эмоционал интеллеккт компонентлари ўртасида йигирмата боғланиш кузатилди.

Интеллеккт кўрсаткичлари орасида бешта боғланиш хосил қилмаган коэффициентлар аниқланди. Бу коэффициентлар статистик жиҳатдан ҳеч қандай аҳамият касб этмаган. Бу типдаги қийматлар социал интеллеккт компонентларнинг “ўз ўзини рағбатлантириши” билан муносабатларида кузатилган. Ўйлаймизки, педагоглар фанолиятида учрайдиган айрим руҳий зўриқишилар балки ушбу хусусиятларнинг мутаносиб ривожланмаганлиги оқибати бўлиши ҳам

мумкин. Ўқитувчи касбий фаолияти жараёнида таълим-тарбия субъекти, яъни ўз ўқувчилари тарбиясини ўйлаш билан бир қаторда ўзларини рағбатлантириш ва руҳлантиришни эътибордан четда колдирмасликлари муҳимдир.

29-жадвал

Махсус фан ўқитувчилари социал интеллекти ва шахс типлари ўртасидаги корреляцион мунносабатлар

	Шахс типлари			
	Экстраверт	Инроверт	Невротизм	
Социал интеллект	Мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	0,352*	0,354*	-0,315**
	Новербал хулк-авторни тушуниш	0,309*	-0,212	-0,239
	Вербал экспрессияни тушуниш	0,598**	0,446**	-0,391*
	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳтил этиш	0,428*	-0,205	0,297

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Махсус фан ўқитувчиларининг ҳам социал интеллекти билан шахс типлари ўртасидаги мунносабатида, ҳам умумтаълим фан ўқитувчилари сингари социал интеллект борасида анча ижобий кийматга эга бўлдилар (29-жадвал). Экстраверт ва инроверт махсус фан ўқитувчиларининг “мулокот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш”и (0,309 ва 0,354) метьёрда эканлиги ва асаб тизими ортиқча зўриқишиларни бартараф этишга тайёрлиги (-0,315); экстраверtlар “новербал хулк-авторни тушуниш”га хайриҳох бўлсалар-да, аммо инровертларда бу борада муаммолар мавжудлиги аниқланди. Улар “вербал экспрессияни тушуниш” қобилияти борасида ҳар иккала тип ўқитувчиларининг ўзларида шахслараро мунносабатда фикрни тўғри баён эта олиш, сухбатдошни тушуниш ва унга ўз таъсирини ўтказишга интилиш, фикр-мулоҳазаларни керакли ўринда билдира олишлари билан характерланди (0,598 ва 0,446). Улардаги бундай қобилиятнинг шаклланганлиги шахслараро мунносабатдаги турли хил вазиятларда ўзларини йўқотиб қўймасликлари,

асабий зўрикишлардан ўзларини холи тутиш имкониятлари борлиги-ни ифодаламоқда ($-0,391$).

Максус фан ўқитувчиларининг социал интеллекти ва шахс типлари ўргасида муносабатлар умумтаълим фанлари бўйича ҳамкасларидан кескин тафовутланмаган. Балки тафовутлар уларнинг шахслик хусусиятлари ва индивидуал фарқларида кузатилди. Ушбу йўналишдаги тадқиқотимизни навбатдаги шарҳимизда ёритамиз.

Максус фан ўқитувчилари ҳам қасбий фаолият жараёнида ўзлари учун зарур шахслик сифатларини шакллантира олганлар десак янглишмаймиз (30 -жадвал).

30-жадвал

Умумтаълим фан ўқитувчилари социал интеллекти ва шахс хусусиятлари

	Социал интеллект			
	Мулокот иштирокчисининг ҳиссияти, фикри ва ниyatларини тушуниш	Но-вербал хулқатворни тушуниш	Вербал экспрессияни тушуниш	Шахслардо ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш
Мулокотга мойиллик (A)	0,556**	-0,278	0,335*	0,010
Ҳиссий барқарорлик (C)	-0,231	-0,054	0,479**	0,230
Ҳукмронликка интилиш (E)	0,162	0,061	-0,458**	0,260
Ижтимоий етуклик (Qr)	0,415*	-0,114	0,558**	0,370*
Ижтимоий дадиллик (H)	0,430*	-0,053	0,344*	-0,022
Ишонувчанлик (J)	0,125	-0,041	-0,089	0,038
Ўзига ишониш (Q)	0,483**	0,244	0,500*	0,491**
Мустақиллик (Q,)	0,459**	0,329*	0,377*	0,086
Ўзини назорат қилиш (Q3.)	0,019	-0,119	0,263	0,252
Кўзғалувчанлик ва зўрикиш (Q,)	-0,553**	0,264	0,116	-0,452**

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Улар мулокотмандликка мойиллик хусусиятларини камол топтиришлари, мулокотда ортиқча қийналмасликлари, ўз ҳис-туйгуларини на-

зорат килиш (0,556) билан бир каторда дадил (0,430), ишончли (0,483), мустақил фаолият юрита олишлари (0,459), зўриқишилардан холи эканликларини ($-0,533$) кўрсатмоқда. Аммо маҳсус фан ўқитувчиларида шахслик хусусиятлари билан новербал хулқ-атворни тушунишга қобилиятиллилек ўртасида етарлича ички муносабат кузатилмади. Фақат “мустақиллик” хусусиятлари новербал хулқ-атворни тушуниш қобилияти билан ижобий боғланиш ҳосил қилди. Бундан кўринадики, маҳсус фан ўқитувчилари ҳамкаслари билан муносабатда ёки ўқувчилари билан ўзаро муносабатда новербал ҳатти-ҳаракатлар ва хулқ-атворга ҳос унсурларни тушунишга қийналар эканлар. Бирок уларнинг вербал экспрессияни тушуниш қобилиятлари умумтаълим фани ўқитувчилариникidan унчалик фарқ қилмаган (30-жадвал). Улар социал интеллектининг ушбу жабхаси бир қатор шахслик хусусиятлари билан мос тарзда ривожланаёттанини кўрсатмоқда: мулодотга мойиллик (0,335), ҳиссий барқарорлик (0,479), ижтимоий етуклик (0,558), ижтимоий дадиллик (0,344), “ўзига ишонч” (0,500), мустақиллик (0,377). Агар маҳсус фан ўқитувчилари социал интеллекти билан мулодот, ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро таъсирилашув шароитида ўзларини назорат қилиш хусусиятини камол топтирасалар янада ижобийроқ бўлади ва касбий фаолиятни муваффакиятли амалга оширишда бир қадам олдинга олимлаган бўлардилар.

Яна эътиборимизни ўзига тортган бир жиҳат маҳсус фан ўқитувчиларининг шахслараро ўзаро таъсирилашувни таҳлил этиш қобилияти шахслик хусусиятлардан ижтимоий дадиллик (0,370) ва ўзига ишониш (0,491) билан ижобий корреляцион боғланишга эга бўлганлигидир. Аммо колган сифатлар билан социал интеллект ўртасида мутаносибликни таъминлашлари лозим бўлади. Акс ҳолда педагогик фаолиятда кўзланган мақсадларга эришишда қийинчиликларга дуч келадилар.

Учинчи боб бўйича холосалар

1. Тадқикотимизда ўқитувчиларнинг экстраверсия типига мансублари меъёрда эканлиги (17,63), бу типга мансуб педагогларнинг

мұлоқотманд, инсонлар орасида бўлишни ёқтирадиган, фаол, ўз туйғуларини очиқ ифода эта оладиган, вазиятларга тез мослашувчан эканликларидан далолат бермоқда. Шунингдек, ушбу типдагиларнинг социал тажрибаларни ўзлаштиришга хайриҳоҳ эканликлари ва уларнинг таълим-тарбия жараённада ўқитувчи касбий фаолиятини са-марали ташкил этишга, шахслик ва социал интеллект ўртасидаги уйғун ривожланишини таъминлашга хизмат қиласи.

2. Касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг шахс типлари ва шахслик хусусиятларининг уларни социал интеллектига мос ривожланғанлиги лавозим вазифаларининг ўсиб боришига кўра ижобий кийматларга эга бўлди. Бу бош ўқитувчи шахсида янада яққолроқ акс этган.

3. “Новербал хулқ-атворни тушуниш” қобилиятга эга бўлишларида “мұлоқотга мойиллик” (0,332), “хиссий барқарорлик” (0,409), “ижтимоий етуклик” (0,367), “ижтимоий дадиллик” (0,317), “ўзини назорат қилиш” (0,326) хусусиятларининг ривожланиши ва “қўзғалувчанлик ва зўриқиши”га мойиллик хусусиятини (-0,366) йўқотишга интилишлари; “вербал экспрессияни тушуниш” қобилиятига эришишларида “мұлоқотга мойиллик” (0,338), “хиссий барқарорлик” (0,586), “ижтимоий етуклик” (0,319), “ижтимоий дадиллик” (0,345), “ўзига ишониш” (0,341), “мустакиллик” (0,316), “ўзини назорат қилиш” (0,375) хусусиятларини ўстириш; “шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш” қобилиятини барқарор шакллантиришда эса “мұлоқотга мойиллик” (0,319), “хиссий барқарорлик” (0,342), “ижтимоий етуклик” (0,427), “ижтимоий дадиллик” (0,316), “ўзига ишониш” (0,384) хусусиятини тарбиялашлари сабабли эришишмокдалар.

4. Барча тоифа ўқитувчиларнинг социал интеллекти ва шахслик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда ривожланишида мұлоқотта мойиллик, ҳиссий барқарорлик, ижтимоий дадиллик, ижтимоий етуклик, ўзига ишониш, ўзини назорат қилиш хусусиятлари белгиловчи хусусиятлар саналар экан.

5. Ўқитувчиларнинг социал интеллекти билан шахслик хусусиятлари ўртасидаги мутаносиблик уларни шахслараро муносабатларда ҳиссий барқарор бўлишларини, ҳукмронликка интилмасликлари

3-БОБ. Ўқитувчилар шахслик хусусиятлари ва социал интеллект мутаносибиги

ва рухий толиқиши, қўзғалиш ва зўриқишиларни камайтиришни таъминлар экан.

6. Касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг фан йұналишлари бўйича социал интеллекти билан эмоционал интеллекти, шахс типи ва шахслик хусусиятлари ўртасида кескин тафовутлар кузатилмади. Улардаги айрим хусусият ва сифатлардагина тафовутлар мавжудлиги аниқланди. Ўқитувчилар касбий фаолиятларида мақсадни амалга оширишларида учрайдиган қийинчилликлар ушбу хусусиятлар ва социал интеллект билан мос ривожланмаганлиги оқибати бўлиши мумкин.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Касб-хунар коллежи ўқитувчилари касбий камолотида социал интеллектнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотимиз қуидаги умумий хулосаларга олиб келди:

Социал интеллект муаммосини тадқиқ этиш маҳаллий психологияда ҳам янги, ҳам эски характерга эга бўлган тадқиқот предмети дир. Унинг эски тадқиқот предмети сифатида тавсифланиши, амалга оширилган олдинги тадқиқотларда социал интеллект тушунчаси кўлланилмаган, балки унинг ўрнида ўзаро муносабат, бир-бирини тушуниш, мулоқотмандлик, ҳамкорликка кобилиятлилик тарзи даги алоҳида элементлари ўрганилган. Янги талкинда ўрганилишида эса социал интеллект тушунчаси жаҳон психологиясида шакллантирилган илмий-методологик асос ва методикалар ёрдамида ўрганилиши билан характерланади.

Касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг социал интеллекти ва касбий камолотини ўзаро алокадорликда ўрганишда фаолиятнинг касбий ривожланганинги белгилашнинг энг асосий мезони сифатида педагоглар фаолиятининг лавозим вазифалари бўйича белгиланган талабларига таяниш мухимdir. Айнан ушбу меъёрий хужжат асосида ўқитувчилар касбий камолоти жараённада социал интеллектнинг аҳамиятини ёритиш оптималь ёндашув саналади.

Касб-хунар коллеклари ўқитувчиларининг социал интеллекти билан касбий камолоти ўртасидаги боғланишларни ўрганишда шахслик тамойилига, социал интеллектнинг илмий тасдиқланган компонентлари, унинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи хусусиятларни инобатга олиш ва ишончли илмий маълумотлар олишга хизмат қилувчи методикалардан фойдаланиши ишончли ва репрезентатив маълумотлар олишни таъминлайди.

Ўқитувчилар лавозимий вазифаларининг ўзгариши билан уларнинг социал интеллект кўрсаткичларида ўсиш кузатилди. Олий маълумотли ўқитувчи касбий фаолияти жараёнида ўкувчилар, педагогик жамоа аъзолари, маъмурият билан мулоқот ўрнатишида, инсон хулқ-авторини бошқариш, ролли меъёrlар ва коидаларга доир билимни бойитишида ва ўзаро таъсиrlашувда иштирокчиларнинг новербал реакцияларида тўғри мўлжал олиши аникланди. Бу эса ўқитувчилар лавозим вазифаларининг юқори босқичида социал интеллектга хос бўлган шахслараро муносабат иштирокчиларини, уларнинг вербал ва новербал экспрессияларини тушуниш ва шахслараро муносабатда иштирокчиларга таъсир кўрсатиш қобилияtlари ўсиб боришини кўрсатади.

Барча тоифа ўқитувчиларнинг социал интеллекти ва шахслик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро баглиқлик ва алоқадорлик ривожланишида мулоқотга мойиллик, ҳиссий барқарорлик, ижтимоий дандиллик, ижтимоий етуклиқ, ўзига ишониш, ўзини назорат килиш хусусиятлари белгиловчи хусусиятлар саналиши ўз исботини топди.

Ўқитувчиларнинг социал интеллекти билан шахслик хусусиятлари ўртасидаги мутаносиблик уларнинг шахслараро муносабатларда ҳиссий барқарор бўлишларини, хукмронликка интилмасликлари ва руҳий толиқиш, қўзғалиш ва зўриқишларни камайтиришни таъминлаши аниқланди.

ТАВСИЯЛАР

Мазкур тавсиялар касб-хунар колледжида фаолият күрсатаётган, аммо тадқиқотда социал интеллект күрсаткичлари билан шахслик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлашга эришмаган турли лавозимий вазифаларни бажараётган ўқитувчилар учун тақдим этилади.

1. Сұхбат жараёнида сұхбатдошнинг хиссияти, унинг кечинмаларини тушунишга қыналиш ҳолатлари безовта қылған шароитларда биринчи галда күзатувчанлик хусусиятиви шакллантириш мақсадға мувофиқ. Бунинг учун педагог кинофильмларни томоша қилиб, унинг қаҳрамонлари түғрисидаги тавсифини бошқа томошабинлар билан солишириш орқали эришиши мумкин.

2. Новербал ҳулқ-атвор ва хатти-харакатларни баҳолаш учун ҳам худди шу сингари фаолиятни амалга ошириш ва фильмни овөзсиз томоша қилиб, қаҳрамоннинг хатти-харакатини баҳолаш мүхимдир.

3. Касб-хунар колледжи амалиётчи психолог педагогик жамоадаги ўқитувчилар ўртасида мулокотмандлик, шахснинг экспрессив ва новербал хатти-харакатлари, мұомала жараёнида ўз фикрларини назорат қилиш ва сұхбатдошни тинглашга доир социал тренинглар ташкил этиши мақсадға мувофиқ.

4. Ўқитувчилар учун социал малакалар, социал перцепция ва сұхбатдошга таъсир күрсатиш ҳамда бошқаришга доир психологик маърифат машғұлоларини ташкил этиш мүхимдир.

ИЛОВАЛАР

1-ИЛОВА

Социал интеллектни эксперт баҳолаш сўровномаси

Йўриқнома: Ҳурматли респондент сизга тақдим этилаётган бандлар бўйича ҳамкасбингиз (ўқитувчингиз – ўқувчилар учун) хос бўлган сифатлар мослигини 10 балли шкала бўйича баҳоланг. Сифатларнинг жуда мос келмаганлигини 1 балл ва жуда мос эканлигини 10 баллда ифодаланг. Танлаган жавоб вариантингизни сўровноманинг жавоблар варагисида кайд этинг. Жавобларингиз учун сизга олдинда ташаккур билдирамиз!

T/p		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
	Бошқалар эмоция-сига сезгир										
	Жамоа, гурух аъзолари билан ҳамкорлик қила олади										
	Узаро фойдали муносабатлар ўрнатишга қобилиятли										
	Мулокотни аник мақсадга йўналтира олади										
	Шахслараро муносабатда гавдани, хатти-харакатларни тўғри тутади										
	Яхши тингловчи										
	Атрофлагилар назарида ишончли ва масъулиятли										
	Ҳар хил тоифа инсонлар орасида ўзини тута билиш қобилияти										

Мулокот максадига эри- шишга шай								
Шахслараро муносабатда овоз тонини тан олади								
Инсонларнинг туйғуларини тез илгайди								
Одамларга мунो- сабатини түғри амалга оширади								
Инсоний муноса- батларни ўрнатиш малакаси								
Мулокотнинг ўзаро тушуниш тамойилига амал килиши								
Муносабатда кадриятларга риоя килиши								
Инсонларнинг харакати, овоз тони, сўзи оркали эмочиясини ўқий олади								
Ҳамкорлик харакатларини онгли амалга оши- ради								
Муомала коидаларини амалга оширишга шайлиги								
Мулокотни ҳамсухбат кимли- гига кўра ўрнатади								
Муносабатга эҳтиёжмандлик ва уни амалга оши- ришга тажрибаси								

Шкалалар:

Бошқаларни тушуниш қобилияти	Социал малакалар	Муома сирларидан вөкеблик	Мүлөкöt максадини йұнаптирилған	Мослик “күзгулик”
------------------------------	------------------	---------------------------	---------------------------------	-------------------

Сўрвноманинг жавоблар бланки

Жавобларингиз учун ташаккур билдирамиз!

2-ИЛОВА

Биз Ж.Гильфорднинг “Социал интеллектни тадқиқ этиш” методикасининг умумий тузилиши билан таништириш орқали уни амалиётга қўллаш учун зарурлигини эътироф этамиз. Методика ўзида тўрт гурух субтестларни мужассамлаштирган бўлиб, уларнинг ҳар бири бўйича тавсифлар кўйида келтирилади. Социал интеллектни ўрганип тести умумий мазмуни қўйида келтирилади. Бунинг учун ҳар бир субтест мазмунига алоҳида изоҳ берилади.

1. “Якунланган ҳикоя” субтести расмлари

Бу субтестда текшириувчи Собир (Бартестнинг оригинал вариантидаги қаҳрамоннинг исми) билан боғлиқ содир бўлган ҳаётий вазиятлар ифодаланган расмларга эътибор қаратиши сўралади. Барни тақирбооп киши бўлиб, у официант бўлиб ишлайди. Вазиятларда унинг рафиқаси, кичкина ўғли ва Барнининг ўртоғи иштирок этадилар.

Субтестнинг ҳар бир топширигини чап томонида маълум вазиятлар акс этган бир қатор расмлар жойлаштирилган. Текшириувчи унданаги қаҳрамоннинг кечинмаси, мақсадини аниглаши ва ўнг томондаги учта расмдан вазиятнинг узвий давоми бўлганини танлаши тақлиф этилади. Субтестдан намуна келтирилади:



Чапдаги расмда Собир (Бар)ни сармаст, томнинг киррасида кўркиб, осилиб турган ва ўглидан ёрдам сўраётган ҳолати ва ташвишланаётган фарзанд ҳолати ифодаланган.

1-расмда келтирилган вазият топширикнинг тўғри жавоби бўлиб, уни тўғри жавоб сифатида жавоблар ваарақасида белгиланади. Чунки, 1-расмдаги Собирнинг ўғли билан рафиқаси деворга нарвон кўйиб, унга ёрдам беришга шошилаётганлари ифодаланган ҳолат вазиятнинг мантикий давоми ҳисобланади.

2-ва 3-расм унчалик түгри жавоблар эмас. 2-расмда Барнининг томдан мустакил тушаётган ҳолати ҳамда 3-расмда рафиқаси билан уғли унинг устидан кулиб турган ҳолатлар мантиқан түгри келмайди.

Шундай қилиб, ҳар бир топшириқда чапдаги расмдаги вазиятдан кейин нима содир бўлганлигини қаҳрамонларнинг кечинмалари ва ҳаракатларига таяниб аниқлаши лозим.

Жавоб учун Сиз ўзингизга, энг қизиқарли бўлган расмни танлаб колманг. Балки типик ва топширилган вазиятнинг мантиқан узвий давомини таклиф этинг. Танланган расмнинг куйи қисмидаги рақамни жавоблар варақасида қайд этинг. Тест китобчасининг ўзига хеч қандай белги кўйилмасин.

Субтест 14 та топшириқдан иборат. Субтестни бажариш учун 6 дакика вақт ажратилган. Топширикни бажарилиши учун ажаратилган вақт 1 дакика қолганда, текширилувчи огоҳлантирилади. Топширикни тез бажаришга ҳаракат қилиш, алоҳида топшириқ учун кўп вақт ажратмаслик, топшириқ мураккаб бўлса, уни ечишга сўнгра қайтиш мумкинлиги, мураккаб вазиятларда ҳам, ҳаттоқи, у текширилувчи учун ишончли бўлмаса-да, жавоб бериши тушунирилади.

Ж.Гилфорднинг “Социал интеллектни тадқиқ этиш” тестининг умумий кўриниши

1. “Якунланган ҳикоя” субтести расмлари



1




2





3



4



5



6



7



8





9



10



12



13



11



1



2



3



12



1



2



3



13



2



3



14



1



2



3

2. “Экспрессия гурӯҳлари” субтестининг мазмуни

Навбатдаги субтестда текширилувчи инсоннинг гавдани тутиши, имо-ишораси, мимикаси, ифодали характерлари ва ҳолатини акс эттирган расмлар билан ишлайди.

Текширувчининг топшириқ мөхиятини тушунтириш учун намуна келтирилган. Намунанинг чап тарафида инсоннинг фикри, туйгуси ва максадини ифодаловчи расмлар келтирилган.




Унинг ўнг томондаги тўрта расмдан бири чап томондаги расмлар мазмунига мос ҳолатни, фикрни ёки мақсадни ифодалайди. Текшируувчи ўша расмни топиши керак.

Намунадаги топширикнинг тўғри жавоби 2-расмда бўлиб, у чап томондаги расмдаги сингари ҳолатни (зўриқиши ёки асабийлашишни) ифодалаган. Шу сабабли, жавоблар варакида 2 ракамини айлана ичига олинади. 1, 3, 4-расмлар мос келмайди, чунки, улар бошқа ҳолатларни акс эттирган (кувонч ва муваффакиятли ҳолат).


Шундай қилиб, 2-субтестдаги барча топширикларни ўнг томондаги расмларни чап томондаги расмга мос келганини топилади ва жавоблар маҳсус жавоблар варакасига белгиланади.

Субтест 15 та топшириқдан иборат. Субтестни бажариш учун 7 дақика вақт ажратилади. Вакт тугашига бир дақика колганда, текшируувчига огоҳлантриш берилади. Топширикни тез бажаришга ҳаракат килиш, алоҳида топшириқ учун кўп вакт ажратмаслик, топширик мураккаб бўлса, уни ечишга сўнгра қайтиш мумкинлиги, мураккаб вазијатларда ҳам, хаттоқи, у текшируувчи учун ишончли бўлмаса-да жавоб бериши тушунтирилади. Субтест 15 та топшириқдан иборат.

2. “Экспрессия гурӯхлари” субтести расмлари







Навбатдаги субтестда топшириқлар вербал характерга зга бўлиб, у “Вербал экспрессия” деб номланади. Унинг мазмунни билан қуида таништириб ўтилади.

3. “Вербал экспрессия” субтестининг мазмуни

Субтестда ҳар бир топшириқнинг чап томонида бир кишини бошқа киши ҳакида билдирган мулоҳазаси, ўнг томонида уч хил муомала вазиятлари келтирилган. Улардан бири бошқа маънони ифодалайди. Масалан, кар-соков инсон- дўстига: “Марҳамат қилиб, тақрорланг”. Чунки, кар-соков инсоннинг дўстига вербал тарзда илтимоси қилишини тасаввур этиб бўлмайди. Топширикнинг 2-3- вазиятларини ифодаловчи жумлалар шундай маънога эга. Факат 1-вазият-

даги бошқа маънони ифодалайди. Жавоблар варакасида 1-рақамни тўғри жавоб сифатида белгиланади.

Текширилувчига ҳар бир топшириқда чап томондаги қолган иккни вазиятдан фарқ қилувчи бошқа мазмуннинг ифодаловчи жумлани танлаш таклиф этилади.

Субтест 12 та топшириқдан иборат. Субтестни бажариш учун 5 дақиқа ажаратилади. Вакт тугашига бир дақиқа қолганда текширилувчи огохлантирилади. Топширикни тез бажаришга ҳаракат килиш, алоҳида топширик учун кўп вақт ажратмаслик, топширик мураккаб бўлса, уни ечишга сўнгра қайтиш мумкинлиги, мураккаб вазиятларда ҳам, хаттоқи, у текширилувчи учун ишончли бўлмаса-да жавоб бериши тушунтирилади.

3. “Вербал экспрессия” субтест топшириклари

1. Киши – ўртогига: “Сиз ажойибсиз”.	1. Миннатдор ходим – бошлиғига. 2. Яхши ўкувчи – ўқитувчисига. 3. Норози киши – танишига .
2. Сотувчи – харидорга: “Нима керак бўлса олинг”.	1. Илтифотли ўқитувчи – талабага. 2. Врач – мижозга. 3. Асабийлашган милиционер – зорла-наётган маст кишига.
3. Судья – галибга: “Табрик-лайман”.	1. Ота– галиб чиққан ўғлига. 2. Дўст – галиб чиққан ўртогига. 3. Мағлуб – галиб чиққан рақибиға.
4. Мағрурланган ота – дўстига : “Унга каранг”.	1. Рашқчи киз – дўстига. 2. Хурсанд бола– дўстига. 3. Завқ-шавққа тұлған киз– дўстига.
5. Киши – дўстига: “Нима қилаяпсан?”.	1. Ачциқланған она – боласига. 2. Кизиккон йўловчи – ўйнаётган болага . 3. Ўқитувчи – намунали ўкувчига.
6. Врач – бемор болага: “Буни эзғилама”.	1. Она – ўғлига. 2. Жангчи – душманга. 3. Иш билан банд аёл– турмуш ўртогига.
7. Офицантка – мижозга: “Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?”.	1. Психиатр – мижозга. 2. Йўлончи– авариядан жабрланаётган кишига 3. Гид – туристга.

8. Ўқитувчи-талабага: “Сен буни жуда яхши улдалай оласан”.	1. Рафиқа – турмуш ўртоғига. 2. Она – боласига. 3. Тренер – спортчига.
